



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BOШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

АХБОРОТНОМАСИ

№1 (41) 2020

Et docere et discere servitute legis

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА
ХАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК: ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

COMPLIANCE CONTROL AS A TOOL FOR THE
PREVENTION OF CORRUPTION IN HIGHER
EDUCATIONAL ESTABLISHMENTS

ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР ЗА
ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В
СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЫ
ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА
ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИНГ ТУШУНЧАСИ,
ЮРИДИК ТАБИАТИ





МУАССИС

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Самир Аршидинов

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Рахимов
Ботир Қудратходжаев
Акмаль Саидов
Рахим Ҳақимов
Халим Болтаев
Рустам Гафуров
Patric Olsson
Itihashi Katsuya
Рустам Уринбоев
Аброр Отажонов
Мирақбар Раҳмонкулов
Музаффар Мамасидиқов
Бахтиёр Пўлатов
Фаҳри Раҳимов
Комил Синдорov

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январ ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Академияси Ахборотнома-си»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Бюролма № ____ Адади: ____

Журнал Бош прокуратура Академиясининг мини-типографиясида чоп этилди.

МУНДАРИЖА

Ф.Рахимов Ш.Зокиров	Хорижий давлатлар прокуратура органларида фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари	1
Х.Одилқориев	Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва дахлсизлиги – фуқаролар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш кафолати	5
А.Матчанов Я.Квитков	Уголовно-процессуальные аспекты гарантий защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого в досудебном производстве	9
Ф.Отахонов	Юридик хизматлар ходимларини тайёрлашнинг долзарб масалалари	15
I.Astanov S.Inoyatullaev	Compliance control as a tool for the prevention of corruption in higher educational establishments	19
Р.Гафуров	Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды	23
У.Нигмаджанов Д.Ҳамзаев	Обучение правоохранителей вопросам проведения финансовых расследований — требование времени	27
Д.Чиниев	Стабильность законодательства — неперемное условие предупреждения коррупции	31
С.Ниёзова	Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш	37
О.Нарзуллаев	Замонавий қонунчиликда биологик ресурслар ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш тенденциялари	41
Ш.Раҳманов	Новые подходы в деятельности Комиссии международного права ООН по кодификации и прогрессивному развитию дипломатического права международных организаций	45
Ғ.Шодиев	Ошқоралик жиноят суд ишларини юритишда адолатни таъминлаш кафолати	50
М.Дўстқориев	Фуқаролик процессида одил судловга кўмаклашувчи шахс сифатида гувоҳнинг ҳуқуқий ҳолати: миллий ва хорижий тажриба	53
Ф.Мирзаев Б.Каримов	Бедарак йўқолган шахслар билан боғлиқ қотиллик жиноятларини тергов қилишнинг замонавий тактикаси	56
Д.Довудова	Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатининг тушунчаси, юридик табиати	58
Ш.Хайдаров	Қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъекти	61
Қ.Розимова	Жазо тайинлашга оид назарий қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари	65
С.Нормухамедова	Эффективность применения дискреционных полномочий	68
Н.Ҳожиев	Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик: хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари	70
А.Ҳақбердиев	«Инсценировка» тушунчаси, уларни аниқлаш ва тергов қилиш усуллари	73
З.Исраилова	Перспективы совершенствования механизма оценки деятельности представительного органа государственной власти на местах	77
Ш.Бозаров	Правовая сущность лизинга	80

Рахимов Фахри Хайдарович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, ю.ф.д.

Зокиров Шерзод Илхом ўғли,
Бош прокуратура Академияси докторанти

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

✦ Мазкур мақолада айрим Европа давлатлари, Америка Қўшма Штатлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи давлатлар прокуратура органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишдаги ваколатлари таҳлил қилинган.

✦ В данной статье анализируются полномочия органов прокуратуры некоторых европейских стран, США и Содружества Независимых Государств по рассмотрению обращений физических и юридических лиц.

✦ This article analyzes the powers of the prosecution authorities of European countries, the United States and the Commonwealth of Independent States to consider applications from individuals and legal entities.

Таянч сўзлар: прокуратура органлари, жисмоний шахсларнинг мурожаатлари, юридик шахсларнинг мурожаатлари, петиция, атторней, ариза, таклиф, шикоят.

Ключевые слова: прокуратура, обращения физических лиц, обращения юридических лиц, ходатайства, атторней, заявления, предложения, жалобы.

Key words: prosecutor's office, appeals of individuals, appeals of legal entities, petitions, attorney, statements, proposals, complaints.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан мустаҳкамланган ҳамда таъминланиши кафолатланган ҳуқуқлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддаси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишлари белгиланган. Прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, улар томонидан берилган мурожаатларни тўлиқ ва ҳолисона ўрганиш, мурожаатларга қонуний ечим бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармони¹ мамлакатда мурожаатлар билан ишлаш соҳасида катта ислохотларни бошлаб берди.

Ушбу Фармон барча даражадаги давлат орган-

лари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадига йўналтирилиб, унинг асосида Президент девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида **Президентнинг Халқ қабулхонаси**, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда **Президентнинг Халқ қабулхоналари ҳамда Президентнинг виртуал қабулхонаси** ташкил этилди.

Кенг кўламли ислохотларнинг натижаси сифатида, давлат идоралари, шу жумладан, прокуратура органларида шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди².

2017 йилнинг 11 сентябрида кучга кирган мазкур Қонун ўзида мурожаатларни кўриб чиқиш фаолияти билан боғлиқ асосий тушунчалар, мурожаатларни кўриб чиқишга оид асосий принциплар,

мурожаатларнинг янги шакллари, Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар фаолияти, мурожаатлар бўйича иш юритиш, мурожаат этувчини эшитиш, мурожаатга жавоб бериш, мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш, мурожаат этувчининг ҳуқуқлари, мурожаатни кўриб чиқувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид янги нормаларни акс эттирди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш орқали тўпланган маълумотлар асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган, давлат ва жамият манфаатларига хилоф бўлган ҳолатларга ҳуқуқий муносабат билдирилади ҳамда қонунчиликка зид ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўрилади.

Ҳуқуқий амалиётда, мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин:

- мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш;
- мурожаатни кўриб, ҳал этиш.

Мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш жараёнида — мурожаатда кўтарилаётган масаланинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, мурожаатни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат идорасини аниқлаш ҳамда кўйилган масалани ҳал этиш юзасидан кўрилган ва кўрилиши лозим бўлган чораларни белгилашга доир ҳаракатлар амалга оширилади.

Мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш жараёни, агарда, мурожаатни қисқа муддатда кўриб чиқиш ҳақида алоҳида кўрсатмалар бўлмаса, кўпи билан беш кунлик муддатни ўз ичига олиши мумкин.

Прокуратура органига келиб тушган барча мурожаатлар иш юритувга олиниши ва белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш вақтида уни ҳал этиш прокуратура органларининг ваколат доирасига кириши аниқланган тақдирда, мурожаат бевосита прокуратура органлари томонидан ҳал этиш учун қабул қилиниши лозим бўлади.

Ҳал этилиши прокуратура органларига тегишли бўлмаган мурожаатлар, мурожаат муаллифини хабардор қилган ҳолда тегишлилиги бўйича юборилади.

Ўз навбатида, мурожаатни кўриб, ҳал этиш жараёни қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

— мурожаат мазмунини атрофлича ўрганиш, зарурат бўлса муаллифдан керакли ҳужжатларни сўраб олиш;

— заруратга кўра, мурожаат юзасидан текширув ўтказиш, жумладан мурожаатда келтирилган важларни жойига чиқиб текшириш, лозим топилса, мурожаат муаллифини текширувларда иштирокини таъминлаш;

— мурожаатда келтирилган важларни текшириш учун зарур ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тегишли давлат идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслардан сўраб олиш;

— мурожаатни ҳар тарафлама ва объектив ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

— шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликла-

рини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўриш;

— мурожаат юзасидан асосланган қарор қабул қилиш ҳамда ушбу қарорни ўз вақтида ва тўғри ижро этилишини таъминлаш;

— мурожаат муаллифига мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор ва унга асос бўлган ҳолатлар, қарордан норози бўлинган тақдирда шикоят қилиш тартиби кўрсатилган ёзма жавоб хатини йўллаш.

Айтиш мумкинки, мурожаатни ҳал этиш ибораси остида айнан мурожаатда келтирилаётган муаммонинг ечимини аниқлаш ҳамда муаммони бартараф этишга қаратилган чораларни кўришга доир ҳаракатлар тушунилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда хорижий давлатлар прокуратура органларининг иштирок этиш муаммоларини ёритиш учун мазкур фаолиятни амалга оширишда қўлланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, шунингдек, ҳозирги кунда мавжуд прокуратура органлари ва прокуратура органларининг шу каби вазифаларини бажарувчи бошқа органлар фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

С.Кенжаевнинг фикрига кўра, “мурожаат фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш тартибининг муҳим шакли, жамоатчилик фикрини ифодалаш воситаси, аниқ объектлардаги қонунларнинг бузилиши ҳақидаги ахборот манбаидир. Мурожаатларда давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари фаолиятидаги камчиликлар, қонунларнинг бузилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кўрсатиб ўтилади”³.

Англияда петиция ҳуқуқи аҳолининг олий ҳокимият органларига (монарх ёки қонун чиқарувчи Мажлисга) қонунлар қабул қилиш (бекор қилиш) ёки бирон-бир муҳим давлат қарорларини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сифатида асл ҳолича сақланиб қолган. 1689 йилги “Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл”да қиролга фуқаролар томонидан чекланмаган тарзда мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган ва бундай мурожаат қилувчиларни ҳибсга олиш ва жавобгарликка тортиш ноқонуний деб тан олинган⁴.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари ҳамда инсон ва фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролар мурожаатларининг умумий тартибини тартибга солувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Бундай тартибга солиш амалиёти тарихан ривожланган бўлиб, парламент ва ҳукуматнинг Қонунчилик ҳужжатлари, суд прецедентлари, урф-одат ва анъаналари билан белгиланади.

Англия қонунчилигида, шикоят қилиш ҳуқуқи ҳеч қаерда махсус қайд этилмаган, бироқ норози бўлган ҳар бир шахс ўз хоҳишига кўра тегишли вазир, суд ёки парламентга мурожаат қилиши мумкин.

Англияда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш мақсадида парламентда махсус — Бошқарув ишлари бўйича парламент комиссари лавозими ташкил этилган. Унга, суд ваколатларига ўхшаш, ҳужжатлар ва далилларни талаб қилиб олиш бўйича (жумладан, гувоҳлардан ҳам) кенг ваколатлар берилган.

Комиссар парламентга (махсус қўмита томонидан текшириб чиқиладиган) йиллик ҳисобот тақдим этади. Буюк Британия вазирликларида, ҳатто парламент Комиссари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи махсус хизматлар шаклланган. Ҳозирги кунга келиб, Буюк Британияда Омбудсман тизими маҳаллий комиссарларни жорий этиш орқали кенгайтирилди.

Буюк Британияда мурожаатлар институтининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларига қарши фуқаролар томонидан берилган мурожаатлар ҳам парламент орқали амалга оширилади.

Англия ва Уэлсда прокуратура органлари фаолият юритмайди. Инглиз судларида кўпчилик жиноят ишлари бўйича айблов полиция ёки алоҳида шахслар томонидан, фақат энг оғир жиноятлар бўйича айблов Бош Атторней идоралари томонидан амалга оширилади⁵.

1985 йилдаги “Жиноятларни таъқиб қилиш тўғрисида”ги Қонун билан Англия ва Уэлсда Қироллик айблов хизмати (Crown Prosecution Service) ташкил этилди. Ушбу хизматга Бош Атторней томонидан лавозимига тайинланадиган ва унинг умумий раҳбарлиги остида иш олиб борадиган Директор раҳбарлик қилади. Фуқаролар томонидан жиноий таъқиблар ҳақидаги мурожаатлар айнан мана шу хизмат томонидан кўриб чиқилади. Бундан ташқари, фуқаролар жиноий таъқиблар тўғрисидаги мурожаатлари билан судга шикоят қилишлари ҳам мумкин⁶.

Францияда давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи 1791 йил 3 сентябрдаги Конституция билан белгиланган бўлиб, у табиий ва фуқаролик ҳуқуқи сифатида фуқаролар томонидан давлат органларига мурожаат қилиш эркинлигини берди.

Ҳозирги кунда Франция Республикасида мурожаатларнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар давлат идоралари орқали ва маъмурий Адлия органлари орқали амалга ошириладиган мурожаатларга бўлинади. Шу билан бирга, фуқаролар маъмурий ҳаракат (маъмурий ҳужжат) ёки мансабдор шахсларнинг хатоси ортидан ўзларига етказилган моддий зарарни ундириш учун судга даъво қилиш ҳуқуқига эга.

Франция қонунчилиги шикоят шаклига ҳеч қандай расмий талаблар қўймайди. Мурожаатлар муҳрланган қоғозларда тақдим этилади ва унда мурожаат қилинган ҳаракатлар ва уларнинг аризази учун зарарли оқибатлари кўрсатилиши лозим. Шикоят бериш вақтидаги ягона чеклов —

шикоят қилинган ҳаракатлар амалга оширилган кундан бошлаб икки ойни ташкил этишидир⁷.

Франция Республикаси фуқаролари мамлакат раҳбарларига бевосита ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишади. Энг кўп мурожаатлар мамлакат Президенти ва Бош вазирга йўлланади.

Францияда давлат прокуратураси (Ministire public) ижро этувчи ҳокимият тизимига кириб, жамоатчилик номидан иш кўради ва бевосита Адлия вазирлигига ҳисобот беради. Адлия вазири ўзигагина маълум бўлган жиноят қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари тўғрисида Бош прокурорни хабардор қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш ёки жиноят ишини қўзғатишни буюриш ҳуқуқига эга. Умуман олганда, Франция прокуратурасининг асосий вазифалари жиноий жавобгарликка тортишни амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобланади.

Францияда сўнги йилларда жиноятлардан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, полиция комиссариятида ва судда жабрланганлар қабул қилинади ва тингланади. Париж прокуратурасида жабрланувчилар учун махсус бюро ташкил этилган. Бюронинг иш вақти давомида кўнги-роқ қилиш ёки у ерга бориш орқали фуқаролар мурожаат қилишлари мумкин. Уларнинг мурожаатлари бўйича барча саволларга бюронинг вакиллари жавоб берадилар. Албатта, жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокурор ишида жуда муҳим рол ўйнайди, текширувлар натижасига кўра жабрланувчига етказилган зарар баҳоланади⁸.

Якка тартибдаги ва жамоавий мурожаатларга бўлган ҳуқуқ Германия Конституциясининг 17-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда “ҳар бир инсон якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли муассасалар ёки халқ вакиллик органларига ёзма илтимоснома ёки шикоят қилиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган⁹. Илтимосномалар (таклифлар)да, асосан, қонунчиликка таклифлар (янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш бўйича) берилади. Шикоятлар, одатда, маъмурий органларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларига қарши қаратилган бўлади. Германия фуқаролари Бундестагга петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эгалар. Бундай петициялар Бундестагнинг петициялар бўйича Қўмитасига (Бундестаг фаолияти Федерал қонунчилик билан тартибга солинади) юборилади.

Бундестаг Раиси барча петицияларни петициялар бўйича Қўмитага юборади. Агар петиция доимий Қўмитада муҳокама қилинадиган масала билан боғлиқ бўлса, петициялар қўмитаси доимий Қўмитадан хулоса олади. Петицияларни кўриб чиқишда петициялар бўйича Қўмитанинг мажбуриятлари билан боғлиқ баъзи истиснолар мавжуд. Масалан, аноним, чалкаш мазмунли ёки суд иш-

ларига аралаштириш билан боғлиқ петициялар кўриб чиқилмайди.

Ҳокимиятлар бўлиниш принцигига мувофиқ, Германия Федератив Республикаси давлат ҳокимияти органлари адлия тизимининг бир қисми бўлган ва ижроия ҳокимиятининг (Адлия вазирлиги) кўрсатмаларига бўйсунадиган прокуратура идораларини ҳам ўз ичига олади. Прокуратура органлари Федерал даражада — Федерал Адлия вазирлиги ва жойларда Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига бўйсунди. Германияда прокуратура 1818 йилда француз моделига кўра ташкил этилган ва ҳақиқатни холисона текшириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажариши керак бўлган орган ҳисобланади¹⁰.

Америка Қўшма Штатларида ҳуқуқбузарликлар устидан шикоят қилиш умумий ҳуқуқи Конституцияга киритилган биринчи ўзгартиришда ўз ифодасини топган. Мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар судлар, жумладан, Олий суд томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга, мансабдор шахслар ва махсус маъмурий идоралар томонидан идоровий текширувлар мавжуд. Бу фаолият маъмурий идораларга томонларнинг ошқоралиги, тенг ҳуқуқлилигига риоя қилиш, қабул қилинган қарорларга нисбатан шикоят қилиш имкониятини таъминлаш назарда тутилган 1946 йилги “Маъмурий тартиб тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Америка Қўшма Штатлари Президентига миллионлаб америкаликлар ҳар йили аризалар (сўровлар), таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қиладилар. Улар Оқ уй ходимларининг ёзишмалар ва президентлик хабарлари бўлими томонидан кўриб чиқилади¹¹.

Америкаликлар Оқ уйга ёзма ва электрон мурожаатлар юбордилар. Оқ уйнинг манзили (электрон почта манзили) оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига ҳавола этиб борилди. Мурожаатлар қабул қилинади, қайта ишланади ва зарур ҳолларда уларга ҳам жавоб берилди. Ёзишмалар ва Президент хабарлари бўлими доимий кўп каналли уяли алоқа воситасига эга¹².

АҚШ Конституциясининг 2-моддасига биноан, Қўшма Штатлар Президенти мамлакат Бош прокурорини (Бош Атторней) Сенат билан маслаҳатлашган ва унинг розилиги билан лавозимига тайинлайди. Бош прокурор (у Адлия вазирлиги ҳисобланади) ҳукуматнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ҳисобланади¹³.

АҚШда фуқаролар прокуратура органларига фақатгина унинг ваколатлари билан боғлиқ масалалар юзасидангина мурожаат қила оладилар.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича МДХга аъзо давлатлар прокуратура органлари фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таҳлилларимиз қуйидагиларни кўрсатди.

Озарбайжон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддаси даъво (ариза), шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқишни ўз ичи-

га олган бўлиб, унга кўра, прокуратура органлари қонунга мувофиқ ва ваколат доирасида ариза, шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқади, фуқароларни қабул қилиш амалга оширилади. Жиноятлар тўғрисидаги ариза, шикоят ва мурожаатларни кечиктирмасдан кўриб чиқиши белгиланган¹⁴.

Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 14-моддаси “Прокуратура органларида ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш” деб номланган бўлиб, унга кўра, прокуратура органлари ўз ваколатига мувофиқ қонунларнинг бузилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ариза ва шикоятларни, шунингдек кучга кирган суд қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши белгиланган. Агарда, фуқаролар бундай шикоятлар бўйича прокурор томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлсалар, юқори турувчи прокурорга шикоят қилишлари мумкин.

Прокурор фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тиклаш ҳамда қоидабузарларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўради¹⁵.

Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни IX боби “Прокуратура органлари фаолияти ва уларни ташкил этишнинг бошқа масалалари” деб номланиб, ушбу бобнинг 48-моддасида прокуратура органлари томонидан ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқиш ваколати мустаҳкамланган. Ушбу моддага мувофиқ, прокуратура қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ва фуқароларни қабул қилиши белгиланган¹⁶.

Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 7-моддаси “мурожаатларни кўриб чиқиш” деб номланган бўлиб, унга кўра, прокуратура органлари қонунчиликда белгиланган тартибда, қонун бузилиши ҳолатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши белгиланган¹⁷.

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси Қонун ва тартиб муаммоларини ўрганиш, прокурорлар малакасини ошириш институти ходимларини жалб этган ҳолда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш соҳасида тадқиқотлар олиб боради, вақти-вақти билан прокуратура ходимларини замонавий технологиялар асосида тайёрлаш бўйича семинарлар ўтказди, услубий тавсиялар тайёрлайди¹⁸.

Тожикистон Республикасининг “Тожикистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 12-моддасида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиблари ўз аксини топган.

Юқорида келтириб ўтилганлардан МДХ давлатларининг прокуратура органлари ўз функцияларини бажариш давомида, инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида дав-

лат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади деган хулосага келишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан яна қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Европанинг деярли барча мамлакатларида ва Америка Қўшма Штатларида прокуратура органлари судда айбловни қувватлаш ва жиноий таъқибни амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади. Бу жиноят ишлари бўйича ва прокуратура аралашувисиз фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини (агар у жиноят содир этишни ўз ичига олмаса) самарали химоя қилиш имконини берувчи ривожланган суд тизими билан боғлиқдир.

Узоқ вақтдан бери Европа давлатларида прокуратура билан бир қаторда, ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу соҳасида самарали парламент назорати олиб борилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсман институти мавжуд бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини, шу жумладан, меҳнат муносабатларини ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини химоя қилиш, атроф-муҳит масалалари ва ҳатто тергов ва жамоат тартиби органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириб келмоқда.

Прокуратура органлари функциялари билан ўхшаш вазифаларни бажарувчи прокуратура ва шунга ўхшаш бошқа органлар, турли шаклларда турли даражаларга эга бўлган дунёнинг барча

замонавий давлатларида мурожаатларни кўриб чиқиш, жиноий жавобгарликка тортиш, давлат айбловини қувватлаш, фуқаролик, ҳакамлик суд ишларини кўриб чиқишда иштирок этиб келмоқда.

Лекин аниқланган барча давлатларда фақат прокуратура органлари фуқароларнинг давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини тартибга солувчи қонунларнинг бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Бу эса, қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари ҳамон юқориликча қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги “Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” номли маърузасида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатларнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди деган фикри прокурорлар олдида жуда кўп вазифалар турганлигини таъкидлайди¹⁹.

Фуқаролар мурожаатларига барча органларнинг муносабати юқори даражада бўлиши, мамлакатнинг ривожланишига хисса қўшади. Мурожаатлар мамлакатдаги оғриқли нуқталарни билишга ва уларни бартараф этишда муҳим рол ўйнайди.

¹ <https://lex.uz/docs/3089924> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда)

² (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон)

³ Кенжаев С. Обращения как важнейший фактор деятельности прокуроров по борьбе с нарушениями законности в сфере управления: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1999. С. 47.

⁴ Алистратов Ю.Н. Право петиции в Англии. – Москва, 1997. – С. 12

⁵ Додонов В. Н. Прокуратуры стран мира. Справочник / Под общ. науч. ред. докт. юрид. наук, проф. С. П. Щербы. М.: Юрлитинформ, 2006. С. 9.

⁶ http://www.rusnauka.com/22_PNR_2012/Pravo/5_115270.doc.htm

⁷ Бессарабов В.Г. Прокуратура и контрольные органы зарубежных стран / НИИ Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – Москва, 2000. – 223 с.

⁸ О роли, месте и компетенции органов прокуратуры Франции и России в сфере уголовного судопроизводства: стенограмма заседания «круглого стола», состоявшегося 11–12 сентября 2006 г. в НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре РФ / НИИ Ген. прокуратуры Рос. Федерации. М., 2007. С. 87.

⁹ <https://worldconstitutions.ru/?p=155>

¹⁰ Шик Цее. Так работает Германский Бундестаг / пер. Е.А. Токарева. Берлин, 2000. С. 38–39.

¹¹ Миронов М.А. Власть и народ: обратная связь. М., 1999. С. 195–214.

¹² Миронов М.А. Обращение граждан как конституционно-правовой институт... С. 53.

¹³ Пешков М.А. Арест и обыск в уголовном процессе США. М.: Спарк, 2008. С. 23, 27–28.

¹⁴ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30607959#pos=25;-46

¹⁵ <http://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H10700220>

¹⁶ <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/19090/12/ru/pdf>

¹⁷ <http://prokuror.gov.kz/rus/npa/normativnye-pravovye-akty/zakon-o-prokulture>

¹⁸ Бахтыбаев И.Ж. Концептуальные основы деятельности прокуратуры Республики Казахстан по обеспечению законности: монография. Алматы: ЖЕТИ ЖАРҒЫ, 2018. С. 793–803.

¹⁹ <https://kun.uz/news/2019/12/08/shaxs-ushlangach-bu-haqda-uning-oila-azolari-darhol-xabardor-qilinishi-kerak-prezident-huquq-sohasida-yangi-takliflar-berdi>

Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристар
малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, ю.ф.д., профессор

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

◆ Мақолада мамлакатимиз суд — ҳуқуқий тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун-моҳияти, йўналишлари, эришилган муҳим натижалари таҳлил этилган. Одил судлов орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу фаолиятни янада такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

◆ В статье анализируются сущность, направления и важные результаты реформ в судебной-правовой системе страны. Выдвинуты особенности обеспечения прав, свобод и законных интересов граждан и предложения по дальнейшему совершенствованию этой деятельности посредством обеспечения правосудия.

◆ The article analyzes the essence, directions and important results of reforms in the judicial system of the country. The features of ensuring the rights, freedoms and legitimate interests of citizens and proposals for further improvement of this activity through the provision of justice are put forward.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, судларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, адолат ва қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари, судьяларнинг касбий маданияти, одил судловнинг очиқлиги ва шаффофлиги.

Ключевые слова: судебная власть, независимость и неприкосновенность судов, правосудие и верховенство закона, гарантии гражданских прав, профессионализм судей, открытость и прозрачность правосудия.

Keywords: judicial power, independence and inviolability of the courts, justice and the rule of law, guarantees of civil rights, professionalism of judges, openness and transparency of justice.

Жаҳондаги илғор демократик давлатлар тажрибасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлашда мустақил суд ҳокимиятининг ўрни беқиёс. Ҳалқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлган Ўзбекистонда ҳам кенг қамровли ислохотлар орқали суд — ҳуқуқ тизимини маърифий дунё стандартлари даражасига етказишга интиломда. Шу боис мамлакатимизда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ҳамда дахлсизлигига эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш мазкур соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Чунки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилган. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи ни-

золи ҳолатларни муҳокама этиб, тегишли ҳуқуқий ечим топади. Демократик ҳуқуқий давлатда қонун давлат идоралари, фуқароларнинг турли-туман уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларнинг мезонидир. Мазкур муносабатларнинг қонун доирасида кечишини ва ҳал этилишини таъминлаш суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Одил судловнинг олий мақсади: куч ва зўравонлик ғоясини — ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек, “Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим”¹.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

— суд ҳокимияти алоҳида давлат органлари — судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидаги судлар йиғиндиси суд тизимини, суд ҳокимиятини ташкил этади;

— суд ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқаровий, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритиш орқали

амалга оширилади;

— суд ҳокимияти аниқ белгиланган процессуал шаклларга (тегишли ҳуқуқий таомилларга) биноан амалга оширилади;

— суд ҳокимияти органларининг қарорларини ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари назорат қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг фаолияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартибот, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Суд — ҳокимиятнинг мустақил тармоғидир. Давлат ва жамиятнинг обрўси суд органлари ҳамда судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги одил судловнинг холислиги ва адолатлигини таъминловчи муҳим принциплардан биридир. Конституциянинг 112-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг мустақиллиги, шунингдек, уларнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги билан ҳам таъминланади. Конституцияга мувофиқ, судьялар сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судьяларнинг мустақиллиги — суд ҳокимияти тўқтинликсиз эркин рўёбга чиқиши ва судларнинг юксак нуфуз билан фаолият юритишининг муҳим шартидир. У қанчалик мустақил бўлса, қонун асосида иш юритса, қонуний одил судловни холис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши шунчалик самарали бўлади. “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек: “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш керак. Тергов ва суд ишига аралашиб ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш ғоят муҳимдир”.

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

1) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

2) уларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомилларнинг мавжудлиги;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини

бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилганлиги;

б) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш (“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 67-моддаси).

Давлат органлари ва барча корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллиги ҳамда дахлсизлигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очикдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 69-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу моддада муайян ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўришга тўқтинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга бирон-бир тарзда таъсир ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигининг кафолатларидан яна бири — судьяларнинг дахлсизлиги таъминланишидир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюцияси билан маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” (айниқса унинг 16, 17 — 20-моддалари) судьяларнинг дахлсизлиги талабларини мустаҳкамлаган. Ушбу ҳужжатни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин. Зеро, мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига мос келади.

Судьянинг дахлсизлиги нафақат унинг шахсига, балки унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунининг қатор моддаларида судьялар дахлсизлигининг асосий кафолатлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар асосида Ўзбекистон Конституциясининг суд тизими ва бошқа шунга боғлиқ 80, 81, 83, 93, 107, 110 ва 112-моддаларига бир қатор янги қоидалар киритилди (2017 йил 6 апрель). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд ишлари юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Мамлакат суд тизимида янги ҳисобланган иқтисодий ва маъмурий судлар жорий қилинди. Шунингдек, суд тизимида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилиб, унинг ваколатларини белгиловчи алоҳида Қонун қабул қилинди². Унга биноан Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда

харбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади. Шунинг қайд этиш керакки, аввал бу тоифадаги судьялар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Судьялар корпусини шакллантириш судьялик лавозимларига номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари тенглиги асосида амалга оширилади.

Кенгаш мажлислари маслаҳатлашуви сир тутилади. Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир (17-модда).

Жамиятда судларнинг аҳамияти ва нуфузини юксалтиришга мамлакат Президенти мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июндаги судьялар ҳамжамияти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви ва унда суд тизимининг вазифалари хусусида таҳлилий — дастурий нутқи бунинг ёрқин ифодасидир. Видео-конференцияда илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси судьялари Ўзбекистон Халқига мурожаат билан чиқди.

Президентимиз ўртага қўйган муҳим вазифалар каторида судьяларнинг ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиши, ишларни қонун ва адолат талаблари асосида кўрилиши, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш масалалари бор.

Ўзбекистон Республикаси судьяларининг мамлакатимиз халқига мурожаати бугунги кунда судьяларнинг ўз хизмат вазифаларини бекам-кўст амалга оширишга қаратилган, ҳозирги замон талабларини инобатга олиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини англаган ҳолда ўз зиммаларига олган масъулиятлари мажмуасидан иборат.

Ушбу масъулиятлар қўйидагилардан:

— кундалик фаолиятида халқ билан бевосита юзма-юз, очиқ мулоқот шакллари кенгайтириш, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва ҳақиқатни қарор топтириш;

— ўз фаолиятларини яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқлар-

ни таг-томири билан бартараф этиш, судни том маънода **“Адолат кўргони”**га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этиш, судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат бериш;

— ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда — онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши;

— суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида қонун бузилишларни аниқлашга ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш;

— судьяларнинг ўз қасамёдига содиқ бўлишидан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, судьяларнинг фаолияти уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назардан ўрганиш, судьялар фаолиятининг ахлоқий-маънавий мезонларини белгилаш, судьялар фаолиятини таҳлил этиш ва баҳолаш масалалари Кенгаш ваколатига киритилган. Шундан келиб чиқиб, Кенгаш 2017 йилнинг август ойида “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”ни тасдиқлади. Мазкур Кодекс Ўзбекистон судьялари ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қатъий риоя этиши лозим бўлган ахлоқий, маданий ва этик қоидалар, шунингдек уларнинг жамиятда ўзини юриш-туриши, хатти-ҳаракати билан атрофдагиларга ибрат намуналарини кўрсатишига оид мезонлар мажмуидир.

Жамият шакллантирган ва сайқал топирган кўплаб кадриятлар ҳуқуқий меъёрларда қонунлаштириб қўйилгани учун уларнинг аксарияти одил судлов орқали рўёбга чиқарилади. Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти хусусида сўз юритиш ниҳоятда долзарб масаласидир. Шу боис судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқий маданият жамиятда тўпланган ҳуқуқий кадриятларни эътироф этиш, уларга риоя қилиш, уларни асраш ва ривож топтиришни назарда тутди. Эътиборга молик воқелик шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган Концепцияда давлат хизматчиларининг, шу жумладан суд тизими ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида урғу берилган.

Судлар — жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутди. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб,

қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли суд-хуқуқ ислохотлари жараёнида Президентимиз таъкидлаганидек, “Судларнинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инobatга олишга жиддий эътироф қаратилди”³.

Хуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган суд-хуқуқий ислохотлар жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юксак хуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Фикримизча, судьялар эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар қуйидагилардан иборат:

— судловни амалга оширишда қатъиятlilik ва вазминлик; хотиржамлик ва совуққон; ўзгага ҳурмат, эҳтиёткорлик, хушёрлик ва тавозе; эҳтиросга берилмаслик ва жиззаки бўлмаслик; вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик;

— суд жараёни иштирокчиларига қўполлик, дўқпўписа қилмаслик; хушмуомалалик, адолатпешалик, ҳақпарвар ва халқпарварлик; жабрдийда дардига эътиборlilik; ҳукм чиқаришда виждонга, ички эътиқодга, имонга таяниш.

Фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси принципини судлов жараёнида қатъий таъминлаш судьянинг чуқур ахлоқийлилиги ва юксак хуқуқий маданиятига узвий боғлиқ.

Судларнинг фаолиятдан халқнинг мунтазам хабардор бўлиб туришида одил судлов ҳақидаги ахборотни олиш, уни аҳолига етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Бунда судларнинг оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилиши, суд қарорларининг электрон маълумотлар базасини яратиш ва уларни тегишли веб-сайтларда, Интернет тармоқларида жойлаштириб, аҳолига етказиш самара беради. Бу иш судларни ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашни янада жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга иккинчи Мурожаатномасида “фақат суд — хуқуқ соҳасида олдимизда турган асосий устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш зарур. Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва улар олдида ҳисобот бериш масаласи ўз ифодасини топиши зарур”⁴.

Судлар фаолиятининг қонун имкон берган даражадаги очиқлигини (ошкоралигини) таъминлаш-

да фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари орқали жамоатчилик назоратини жорий этиш ҳам уларни халққа яқинлаштиришга кўмак беради. Шунингдек, давлатимиз раҳбари судьялар билан учрашувда ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирган таклифлари асосида судьялар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида сайёр суд мажлисларини мунтазам ўтказиб бориши, самара беради. Биргина 2017 йилда судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди⁵. Барча судлар ўз амалиётлари юзасидан халқ депутатлари кенгашлари олдида ахборот бериши тартибини жорий этиш судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўзига хос тизими яратилишига олиб келмоқда.

Фуқаролик ишларни назорат тартибида кўриш учун протест келтириш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овораю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Маълумки, илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини кўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2018 йил давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инobatга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфlilik хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инobatга олиш амалиёти йўлга қўйилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинлан-

моқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида — 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида — 18 нафар, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида — 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ушбу саъй ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамқондан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди⁶.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жинойи тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 30 ноябрда “Суд — тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора — тадбирлар тўғрисида” фармон қабул қилди⁷. Унда:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ, қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёҳуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин;

Суд — тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонун-

чилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилинсин, деб тавсия берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 13 июлда “Суд — ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора — тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни қабул қилди⁸. Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигига салбий таъсир кўрсатиб, кенг аҳоли орасида судга бўлган ишончнинг етарли даражада юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад судларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ва эътиборини ошириш, қарорларнинг қонуний ва асослантирилган бўлишини таъминлашдан иборат. Бунда, албатта, шахсий дахлсизлик ва шахсий маълумотларнинг ошкор этилмаслиги тўла кафолатланади. Хусусан, эълон қилинаётган суд ҳужжатида фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар ўзгартирилади;

иккинчидан, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш тартиби жорий қилинди.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг холислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия тузиш режалаштирилди.

Суд — ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларнинг самарасини янада теранроқ англаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2019 йилнинг ўн ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қилинган ишлар кўламадан қуйидаги фактларни келтириш кифоя. Бу давр мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 26.859 нафар шахсга нисбатан 20.627 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан шахслар бўйича 27,2 фоизга, ишлар бўйича эса 28,2 фоизга камайган. Жумладан, 576 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди.

Судланган шахслар сони 20.818 нафарни ташкил этиб, шундан 5.300 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 14.482 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1.036 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланганларнинг 18.429 нафари эркаклар, 2.389 нафари аёллар, 8.036 нафари ёшлар (шу жумладан 378 нафари вояга етмаганлар) ва 674 нафари 60 ёшдан ошган шахслардир.

Шунингдек, 2.306 нафар шахс озодликдан маҳ-

рум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди, 19.667 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6.041 нафарига тайинланган жазоси енгили билан алмаштирилди ва 5.116 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

202 нафар шахсга Ёшлар иттифоқи, 175 нафар аёлга Хотин-қизлар кўмитаси ва 1.078 нафар шахсга маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Шу даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 4.613 нафар шахс жиний жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 362,2 млрд. сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 2.327 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. 9.869 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 47,9 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Юқоридаги таҳлилий мулоҳазалар ва фактик маълумотлар кўрсатишга судларнинг қонун доирасида кечадиган мустақил фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари реал таъминланишига ишончли кафолат яратмоқда.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ислохотларга халқимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази 2018 йилда ўтказган социологик тадқиқоти натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Жамоатчилик фикри сўрови натижаларининг ишончли тарзда кўрсатишича, мамлакатнинг мутлақ, кўпчилик (81,5 фоизи) фуқаролари Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакат суд тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусларни маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Фуқаро-

лар амалга оширилаётган суд тизимини ислох қилиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаши, фуқароларнинг бирор-бир монеликсиз одил судловдан фойдаланишини таъминлаши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши кераклигини англайдилар.

2. Тадқиқотнинг аниқлашича, ҳозирги вақтда суд тизими давлат ҳокимияти органларининг таъсиридан чиқарилганлигига ҳамда судлар ва судьяларнинг тўла мустақиллиги таъминланганлигига сўралган фуқароларнинг 39,9 фоизи кўшилади. Ҳар учинчи респондент (30 фоизи) судлар ҳали тўла мустақил ҳисобланмайди ва ҳокимият органлари вакиллари уларга таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. 7,7 фоиз респондентларнинг фикрича, судларнинг мустақиллиги деярли таъминланмаган.

3. Сўров натижаларининг кўрсатишича, тадқиқ қилинган даврда судларнинг очиқлик даражасини ижобий баҳоловчи респондентларнинг 34,8 фоизи уни тўла даражада очиқ ва шаффоф, деб ҳисоблашади. Сўралганларнинг 33,4 фоизи судлар ишини тўла даражада очиқ эмас, деб ҳисоблайди. Сўровда судларнинг фаолиятини “кам даражада очиқ”, шунингдек, уни “тўла ёпик”, деб ҳисобловчи респондентлар сонининг ўсиш тенденцияси қайд қилинди.

Шундай қилиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, янада кенгрок кўламда олиб бориш жамиятимизда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтиришга кўмаклашади. Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга, шу аснода ҳуқуқий давлатчилик асосларини шакллантиришга хизмат қилади.



¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — Т., 2018, 42-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14 – сон, 214 – модда.

³ Мирзиёев Ш.М. Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. — Т., 2018, 10-бет.

⁴ Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. — Т., 2018, 10-11 бетлар.

⁶ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018., 11 – 12-бетлар.

⁷ Халқ сўзи, 2017 йил 1 декабрь.

⁸ Халқ сўзи, 2018 йил 14 июль.

Матчанов Алимжан Атабаевич,
и.о. профессора Академии МВД
Республики Узбекистан, д.ю.н., доцент

Квитков Ярослав Михайлович,
главный специалист Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ГАРАНТИЙ ЗАЩИТЫ ПРАВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНЕГО ОБВИНЯЕМОГО В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

✦ В статье затрагиваются вопросы уголовно-процессуальных аспектов гарантий защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого и рассмотрения особенностей его процессуального статуса в законах и подзаконных актах, проанализированы особенности механизма гарантий обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних в деятельности следователя, дознавателя при расследовании преступлений в досудебном производстве.

✦ Мақолада ишни судга қадар юритишда вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг жиноят-процессуал жиҳатларини қонун ва қонуности ҳужжатларида унинг процессуал мақомининг хусусиятларини кўриб чиқиш, терговчи, суриштирувчининг тергов фаолиятида вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш механизми хусусиятлари таҳлил қилинган.

✦ The current article addresses the issues of criminal procedural aspects of guarantees for the protection of the rights of the juvenile defendant and examines the features of its procedural status in laws and by-laws. It also analyzes the features of the mechanism for guaranteeing the rights and legitimate interests of juveniles in the activities of the investigator, inquirer in the investigation of crimes in pre-trial proceedings.

Ключевые слова: несовершеннолетний обвиняемый, досудебное производство, гарантии защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого, уголовно-процессуальные правоотношения, права и законные интересы несовершеннолетнего обвиняемого, расследование преступлений.

Калит сўзлар: вояга етмаган айбланувчи, ишни судга қадар юритиш, вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари, жиноят-процессуал муносабатлар, вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, жиноятларни тергов қилиш.

Key words: the juvenile defendant, pre-trial proceedings, guarantees for the protection of the juvenile defendant, criminal procedural relations, rights and legitimate interests of the juvenile defendant, investigation of crimes.

Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка»¹, Указ Президента страны «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан»², Постановление «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений»³ и другие нормативно-правовые акты определяют механизм гарантий прав несовершеннолетних обвиняемых в уголовном процессе в целом и в досудебном производстве в частности.

Осуществляемое в стране реформирование уголовно-процессуального законодательства направлено на усиление гарантий прав и законных

интересов несовершеннолетних обвиняемых в досудебном производстве. Оно служит укреплению принципа обеспечения законности, всестороннего, полного и объективного исследования обстоятельств совершенного преступления, выявлению и устранению условий и причин, способствовавших совершению преступлений несовершеннолетними. Усиление института обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетнего обвиняемого в досудебном производстве будет благоприятствовать возрастанию степени воспитательного воздействия на личность несовершеннолетнего обвиняемого и ограждения его в будущем от совершения каких бы то ни было преступлений.

Производство по делам несовершеннолетних на предварительном следствии и дознании не-

мыслимо без уголовно-процессуальных гарантий обеспечения защиты их прав и законных интересов следователями, дознавателями и прокурором в досудебном производстве. Вместе с тем, данный процесс имеет далеко не механический, односторонний характер, так как защита прав несовершеннолетних происходит в реальных условиях постоянно изменяющейся обстановки, связанной с деятельностью вышеуказанных должностных лиц ответственных за расследование. Эти представители государства создают условия несовершеннолетним обвиняемым пользоваться предоставленными процессуальными правами и гарантируют реальную возможность процессуальной защиты их интересов.

Следует отметить, что существуют международные стандарты прав несовершеннолетних, которые имплементированы в национальное законодательство. Так, ст.11 Всеобщей декларации прав человека провозглашает, что каждый человек, обвиняемый в совершении преступления, имеет право считаться невиновным до тех пор, пока его виновность не будет установлена путем гласного судебного разбирательства, при котором ему обеспечиваются все возможности для защиты. Данное положение как принцип презумпции невиновности является международно-правовой гарантией, обеспечивающей несовершеннолетнему считаться невиновным до вынесения решения судом.

Правовые гарантии несовершеннолетних обвиняемых условно можно классифицировать на следующие виды: конституционные, отраслевые и специальные.

Конституционные (общеправовые) гарантии прав и законных интересов несовершеннолетних закреплены в Конституции Республики Узбекистан. Так, презумпция невиновности и гарантия защиты от пыток, насилия, другого жестокого или унижающего достоинство человека обращения, отражены в ст.26 Конституции страны.

Отраслевые (материально-правовые, процессуально-правовые) гарантии, закрепленные в соответствующих отраслях права, нашли свое отражение в уголовном, уголовно-процессуальном, оперативно-розыскном законодательстве и других нормативно-правовых актах.

Ситуационные (контактные) гарантии, которые возникают при непосредственном вступлении участника уголовного процесса в уголовно-процессуальные отношения и имеют строго индивидуальный характер, преломляясь в специальных, отраслевых, общеправовых и международно-правовых гарантиях в зависимости от конкретной ситуации.

Из вышеуказанного можно сделать вывод, что гарантии защиты прав и законных интересов несовершеннолетнего обвиняемого отражают

иерархичность, разностороннюю, индивидуальную направленность. При этом важное место в гарантиях прав несовершеннолетних занимают международные стандарты. Они закреплены в таких нормативно-правовых актах, как: Конвенция ООН о правах ребенка от 20 ноября 1989 г.; Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних («Пекинские правила») от 29 ноября 1985 г. и других. Эти международные стандарты соблюдаются большинством стран мира, в том числе и Узбекистаном, имплементировавшим их в национальные законодательные акты, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних.

Сам термин «несовершеннолетний», несмотря на сложную, междисциплинарную структуру и частое применение, как в отраслевом законодательстве, так и в специальной литературе, до настоящего времени не имеет универсального законодательного определения. В доктрине международного права несовершеннолетним признается лицо, не достигшее определенного возраста, с достижением которого закон связывает его полную дееспособность, т.е. возможность реализации в полном объеме субъективных прав и юридических обязанностей, провозглашенных Конституцией и другими законами⁴.

Правовой анализ уголовно-процессуальных аспектов гарантий защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого и рассмотрения особенностей его процессуального статуса, в зарубежных странах позволяет сделать вывод, что в большинстве из них действует единая скоординированная, целостная система гарантий прав личности при расследовании преступлений.

Подобного рода гарантии наиболее полно отражены в законодательстве стран мира, где создан реально действующий механизм защиты прав несовершеннолетних обвиняемых в рамках ювенальной юстиции, включающей в себя две модели. Первая – англо-американская (Англия, США, Канада, Австралия, ЮАР), и вторая – романо-германская (Франция, ФРГ, Испания, Италия, Венгрия, Польша и др.).

Существенным различием между этими двумя моделями является вопрос подсудности и подследственности дел с участием лиц, не достигших совершеннолетия. Если в странах англо-американской модели, суды по делам несовершеннолетних рассматривают только те преступления, которые не являются тяжкими и особо тяжкими, а все дела о совершении тяжких преступлений рассматриваются судами общей юрисдикции, то в странах романо-германской модели все виды преступлений несовершеннолетних подсудны только специализированным ювенальным судам и передача дел для рассмотрения судом общей

юрисдикции не допускается.

О необходимости создания ювенальной юстиции как специфической (автономной) юридической формы для разрешения преступлений с участием несовершеннолетних, в своем исследовании обосновал отечественный процессуалист А.А.Базаров⁵.

С его мнением можно согласиться и дополнить, что создание отдельного производства по делам несовершеннолетних – это веление времени и зарубежный опыт показывает целесообразность рассмотрения вопроса о создании в Узбекистане ювенальной юстиции.

Касаясь проблем ювенальной юстиции Б.И.Исмаилов, М.А.Рахимова отметили, что по отношению к несовершеннолетним обвиняемым уголовная политика Республики Узбекистан имеет двоякое содержание: с одной стороны, она, естественно осуждает противозаконные действия несовершеннолетних и делает все возможное, чтобы они понесли справедливое наказание, а с другой стороны – обеспечивает их повышенную охрану⁶.

В Постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних» делается акцент об обязательном исполнении предусмотренных законом для этой категории лиц правил судопроизводства, основываясь на принципах справедливости и гуманизма, тщательности и беспристрастности исследования собранных по делу доказательств, с учетом возраста, характеристик личности, тяжести и характера совершенного преступления⁷.

Еще одной особенностью расследования преступлений с участием несовершеннолетних является установление наличия взрослых участников, которые вовлекли их в преступную деятельность. При наличии взрослых соучастников дело о несовершеннолетнем должно быть по возможности выделено следователем в отдельное производство. Это объясняется стремлением законодателя устранить вредное влияние взрослых соучастников. Однако, если выделение препятствует установлению истины, к несовершеннолетнему обвиняемому, привлеченному по одному делу со взрослым, обязательно применяются правила гл. 60 УПК РУз.

Когда в деле есть данные об умственной отсталости несовершеннолетнего, не связанной с душевным заболеванием, должно выясняться, мог ли он полностью сознавать значение своих действий (ч.2 ст. 548 УПК РУз). Для установления этих обстоятельств допрашиваются родители несовершеннолетних, их учителя и воспитатели, проводятся иные процессуальные действия. В необходимых случаях должна быть проведена экспертиза специалистами в области детской и юношеской психологии или психиатрии.

Вышеуказанный Пленум Верховного суда Республики Узбекистан в постановлении от 15.09.2001 г. №21 «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних» указывал на необходимость острого реагирования на преступления взрослых, вовлекающих подростков в совершение преступлений и алкоголизм и другие антиобщественные поступки, а также своевременного выявления недостатков воспитательной работы в школах, лицеях, на производстве и в семье. Вовлечением несовершеннолетнего в преступную деятельность, по выводу Пленума, следует считать действия, направленные на возбуждение желания, стремления у несовершеннолетнего участвовать в совершении одного или нескольких преступлений⁸. Вовлечение предполагает все виды физического и психического воздействия, например, убеждение, запугивание, подкуп, обман, возбуждение чувства мести, зависти или других низменных побуждений, предложение совершить преступление, путем распития спиртных напитков с целью облегчить склонение несовершеннолетнего к совершению преступления и др.

Процессуальный порядок производства по делам несовершеннолетних подробно регламентируется законом, в котором определяется его правовое положение, связанный необходимостью точного определения его возраста, наличием соответствующих ограничений правоспособности, включая имущественную ответственность родителей, попечителей либо опекунов. Кроме того, в уголовном процессе несовершеннолетние обвиняемые имеют целый ряд процессуальных гарантий, обеспечивающих им надлежащие условия использования, реализации предлагаемых законом прав. Сами же гарантии обеспечиваются принципами установления объективной истины, обеспечения права на защиту, презумпцией невиновности, непосредственностью и устностью исследования доказательств и других действующих на всем протяжении уголовного процесса.

Применение данных специальных гарантий ограничивается возрастным пределом, – указанным в законе, который не может превышать 18-летнего возраста. В случаях, если лицо не достигло 18-летнего возраста и совершило преступление, то участие в деле законного представителя будет обязательным институтом при расследовании и судебном рассмотрении такого рода дел. В производстве по делам о преступлениях несовершеннолетних участие законного представителя обязательно. Иное дело, если к моменту предварительного следствия или судебного разбирательства субъект преступления не является несовершеннолетним лицом⁹.

В этой связи возникает обоснованный вопрос об определении возраста несовершеннолетне-

го. Например, лицо считается достигшим совершеннолетия не в день рождения, а начиная со следующих суток. Это правило применяется и тогда, когда лицу исполнилось 13, 14 и 16 лет. Определение возраста несовершеннолетнего взаимосвязано с установлением соответствующих документов, свидетельствующих о его возрасте, поэтому дознаватель, следователь, прокурор и суд строго придерживаются правил определения возраста несовершеннолетнего по соответствующим документам (паспорту, свидетельству о рождении, записи в книге регистрации актов гражданского состояния и др.). В случаях, когда нельзя получить ответ на данный вопрос путем изучения документов по причине их отсутствия либо наличия определенного сомнения в их подлинности дознаватель, следователь, прокурор либо суд должны назначить судебно-медицинскую экспертизу (п.3 ст.173 УПК).

По заключению судебно-медицинской экспертизы днем рождения несовершеннолетнего обвиняемого считается последний день того года, который назван экспертами, а при определении возраста минимальным и максимальным количеством лет следует исходить из предполагаемого экспертизой минимального возраста такого лица.

Уголовные дела о преступлениях, совершенных несовершеннолетними, возбуждаются на общих основаниях следователями органов внутренних дел. В случае если преступление совершено несовершеннолетним совместно с взрослым преступником либо, когда несовершеннолетний достиг 18-летнего возраста во всех случаях это никоим образом не отражается на подследственности, в связи с чем расследование по делу продолжают следователи органов внутренних дел¹⁰.

При расследовании и судебном рассмотрении уголовных дел по делам несовершеннолетних, кроме обстоятельств, указанных в ст.ст.82-84 УПК подлежат доказыванию: точный возраст несовершеннолетнего обвиняемого (день, месяц, год рождения); характерные черты личности и состояние здоровья несовершеннолетнего; условия его жизни и воспитания; наличие или отсутствие взрослых подстрекателей и иных соучастников (ст.548 УПК).

Указанные обстоятельства детализируют данные, подлежащие установлению в соответствии со ст.ст.82-84 УПК, которые имеют существенное значение по делам несовершеннолетних, в связи с чем, их установление и использование по уголовному делу носит императивный, обязывающий характер.

Следователь, изучая характерные черты личности несовершеннолетнего должен обращать внимание и на состояние его здоровья. Практика показывает, что иногда совершение преступления несовершеннолетним взаимосвязано с умственной отсталостью последнего. В этом случае

следователь обязан проверить мог ли несовершеннолетний полностью сознавать значение своих действий. Проведение допроса знакомых и родных несовершеннолетнего обвиняемого должно быть обязательным условием для последующего назначения соответствующей судебно-психиатрической или судебно-психологической экспертизы и направления материалов уголовного дела соответствующим экспертным учреждениям либо экспертам. При этом специалисты должны выяснить фактическое интеллектуальное развитие несовершеннолетнего, включая его соответствие его физическому возрасту либо тому возрасту, который соответствует его фактическому интеллектуальному развитию.

При выяснении данных, относительно состояния здоровья несовершеннолетнего органы предварительного расследования должны обращать внимание на факты наличия тяжелых заболеваний в детстве, наличия каких-либо физических или психических недостатков. При установлении такого рода фактов возникает обязанность органов предварительного следствия назначить по делу судебно-психиатрическую экспертизу для того, чтобы установить мог ли несовершеннолетний отдавать отчет в своих действиях или руководить ими при совершении преступления.

В поле внимания следователя должны быть данные, отражающие характерные черты несовершеннолетнего обвиняемого. К ним следует отнести сведения: о его учебе или работе; его непосредственного отношения к учебе, труду, социально полезной деятельности; информацию о его поведении по месту учебы, работы, по месту жительства, в общественных местах; не состоял ли на учете профилактической службы органов внутренних дел.

Данная информация должна найти свое отражение в материалах уголовного дела и практика свидетельствует, что преступное поведение несовершеннолетнего детерминировано его антисоциальными установками и взглядами на труд, на самообразование, на вопросы интеллектуального развития. Характеризуется его духовной ущербностью, примитивизмом, эгоцентризмом, стремлением использовать насильственные методы воздействия на людей для достижения своих эгоистических целей. Также к характерным признакам несовершеннолетнего можно отнести: незначительный кругозор; преобладание потребительских, а в иных случаях плотских желаний; стремление к чувственным наслаждениям; принятию наркотических и токсических средств; уходом в себя, ограничение себя миром, пропагандирующим наркоманию, вооруженное насилие, терроризм и преобладанием в сознании криминогенной установки совершать преступления ради удовлетворения своих низменных потребностей и жела-

ний, исключение какой бы то ни было мыслительной деятельности, направленной на перевоспитание.

Подобная информация может собираться путем исследования условий жизни и воспитания несовершеннолетнего обвиняемого, что продиктовано не только необходимостью установления причин и условий, способствовавших совершению преступных действий, но и для правильного решения вопроса об ответственности несовершеннолетнего и назначения судом в отношении него справедливой меры наказания¹¹.

При изучении условий жизни и воспитания любые сведения о семье несовершеннолетнего, его родителях, их уровне образования, специальности, круге интересов, моральных качествах, отношении друг к другу, к детям, исполнению родительских обязанностей по воспитанию, обстановки в семье, степени маргинализации семьи, финансово-материальных условиях её жизни, об обстановке в семье, учебном заведении, по месту работы, круге знакомых, ближайшем бытовом окружении, интересах, о том, как используется несовершеннолетним свободное время и т.д. должно фиксироваться процессуальным путем в материалах дела.

Исследование криминогенных обстоятельств, повлекших совершение преступления напрямую взаимосвязано с установлением источника возникновения у несовершеннолетнего желания совершить преступление, включая антиобщественные установки и привычки, сформировавшие преступный умысел подростка и создавших благоприятную обстановку для совершения преступления. В этой связи изучение микросреды, в которой находился несовершеннолетний, анализ проведения воспитательной работы, как по месту учебы, так и состояние дел в семье должно быть обязательным для органов предварительного расследования.

Когда преступление совершено несовершеннолетним при непосредственном участии взрослого преступника, то важно определить условия для выделения уголовного дела в отношении несовершеннолетнего в отдельное производство. Выделение дела в отношении лиц, обвиняемых в соучастии в совершении одного или нескольких преступлений, допускается, если это по обстоятельствам дела вызывается необходимостью и не может отразиться на полноте и объективности дознания, предварительного следствия и рассмотрения дела судом. Решение о выделении дел производится по постановлению дознавателя, следователя или по определению суда¹².

Таким образом, совершение несовершеннолетними преступлений, порождает специфические уголовно-процессуальные правоотношения, которые создают сложности в расследовании преступ-

лений следователем. Несовершеннолетние обвиняемые, наделяются специальными правами и обязанностями, совокупность которых составляют особый их правовой статус. При этом согласно УПК их права существенно ограничиваются на весь период расследования, но в то же время несовершеннолетние обвиняемые приобретают комплекс специальных прав и обязанностей, которые замещают изымаемые у них из общего статуса права и обязанности, а государство гарантирует их защиту на основе национальных и международных стандартов.

Вышеизложенные обстоятельства свидетельствуют о наличии проблем, связанных с гарантией прав несовершеннолетнего обвиняемого в досудебном производстве. Для их разрешения необходимо внести в механизм гарантий защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого определенные изменения, которые существенным образом позволят оптимизировать его на стадии предварительного следствия и дознания.

Совершенствование механизма гарантии прав несовершеннолетнего требует внесение соответствующих дополнений в процессуальный порядок производства по делам несовершеннолетних. Целесообразно предусмотреть при проведении процессуальных действий с несовершеннолетним обязательное участие, помимо законного представителя и защитника еще и педагога с психологом. Кроме этого при разъяснении дознавателем, следователем и прокурором несовершеннолетнему обвиняемому его прав (в обязательном присутствии защитника, педагога и психолога), данный процесс следует отразить в отдельном протоколе, где указать общепризнанные международные стандарты прав лица не достигшего совершеннолетия предусмотренные международными договорами, ратифицированными Республикой Узбекистан. Это послужило бы дополнительными гарантиями защиты прав несовершеннолетнего обвиняемого в досудебном производстве.

Для реализации вышеуказанного, с целью совершенствования организационно-процессуальных гарантий защиты несовершеннолетнего обвиняемого, считаем необходимым внести в действующий УПК следующие дополнения:

- конкретизировать в уголовно-процессуальном законодательстве процессуальный механизм предъявления обвинения в отношении несовершеннолетнего обвиняемого с обязательным участием, кроме законного представителя и защитника еще и педагога с психологом. В связи с этим предлагаем дополнить ст.552 УПК этим положением и изложить в следующей редакции: «При предъявлении обвинения несовершеннолетнему обвиняемому наряду с защитником должны присутствовать его законный представитель, педагог и психолог»;

- предусмотреть обязательный порядок обеспечения прав несовершеннолетнего обвиняемого в ходе производства процессуальных и следственных действий, затрагивающие его интересы. В этой связи, предлагаем дополнить ст.64 УПК новой частью следующего содержания: «При производстве следственного, процессуального действия с участием несовершеннолетнего обвиняемого прокурор, следователь, дознаватель разъясняют ему права и обязанности в обязательном присутствии законного представителя, защитника, педагога и психолога».

Расширенная редакция ст.64 и ст.552 УПК позволит учесть закономерности обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетнего обвиняемого в уголовном процессе, будет способствовать повышению гарантированности осу-

ществления его законных интересов, повысит ответственность должностных лиц, осуществляющих дознание и предварительное следствие.

В целях укрепления гарантий обеспечения прав несовершеннолетнего обвиняемого в досудебном производстве считаем целесообразным предусмотреть в действующем УПК возможность автономного оформления разъяснительного этапа при производстве следственного и процессуального действия, в котором участвует несовершеннолетний обвиняемый. Для этого необходимо дополнить ст.547 УПК новой частью следующего содержания: «Несовершеннолетнему обвиняемому в отдельном протоколе разъясняются права и обязанности, предусмотренные настоящим Кодексом и международными договорами, ратифицированными Республикой Узбекистан».



¹Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 1-2, ст. 1, 2009 г., № 52, ст. 554; 2016 г., № 52, ст. 597; 2017 г., № 24, ст. 487; Национальная база данных законодательства, 24.07.2018 г., № 03/18/486/1559.

²Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 15, ст. 243, № 37, ст. 982; Национальная база данных законодательства, 07.06.2018 г., № 06/18/5456/1316.

³Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 17, ст. 290; Национальная база данных законодательства, 30.05.2019 г., № 07/19/4343/3206.

⁴Ювенальное право: Учебник для вузов / Под общей ред. А.В.Заряева, В.Д.Малкова. М.: Юстицинформ, 2005. – С. 77.

⁵ Базаров А.А. Процессуальные гарантии обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних на стадии предварительного расследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2012. – С.17.

⁶ См.: Исмаилов Б.И., Рахимова М.А. Правовые основы системы ювенальной юстиции: Учебное пособие. – Т., 2003. – С.23.

⁷ См. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15 сентября 2000 года «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних» // Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15 сентября 2000 г., Т., 2000. – С.54.

⁸ См.: Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О судебной практики по делам о преступлениях несовершеннолетних». С. 4.

⁹См.: Кашкет Э.Г. Правовые и организационные проблемы производства по делам несовершеннолетних (по материалам Республики Узбекистан) Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 1993. – 18 с.

¹⁰ См.: Антонов В.Ф. Привлечение лица в качестве обвиняемого: вопросы теории. // Российский следователь. №8. 2006. С. 7-8.

¹¹ См.: Аракелян К. А. О вопросах повышения эффективности правового регулирования участия законных представителей в производстве по уголовным делам в отношении несовершеннолетних / К. А. Аракелян // Вестник Саратовской государственной академии права. – 2011. - № 2. - С. 209.

¹² См.: Борисевич Г.Я. О внедрении элементов ювенальной юстиции в досудебном производстве о преступлениях несовершеннолетних: отдельные аспекты / Г.Я.Борисевич. // Современное состояние российского законодательства. – Пермь, 2009. – С. 515.

Отахонов Фозилжон Хайдарович,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш
марказининг амалий лойиҳа раҳбари, ю.ф.д., доцент

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

◆ Ушбу мақолада юридик хизмат ходимларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва муаллифнинг педагогик тажрибаси асосида ёритилган ҳамда юридик таълим сифатини ошириш бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган.

◆ В данной статье рассматриваются актуальные проблемы подготовки работников юридической службы на основе анализа действующего законодательства и педагогической практики автора, а также выдвинуты научно-обоснованные предложения и рекомендации по улучшению качества юридического образования.

◆ This article discusses the current problems of training legal aid workers on the basis of an analysis of the current legislation and pedagogical practice of the author, as well as scientifically-based suggestions and recommendations for improving the quality of legal education.

Калит сўзлар: ҳуқуқий давлат, юриспруденция, юридик таълим, юридик кадрлар, юридик хизмат, юрисконсулт, юридик ёрдам, юридик университет, юридик коллеж.

Ключевые слова: правовое государство, юриспруденция, юридическое образование, юридические кадры, юридическая служба, юрисконсулт, юридическая помощь, юридический университет, юридический колледж.

Key words: law-rule state, jurisprudence, legal education, legal personnel, legal service, legal adviser, legal assistance, law university, law college.

Мамлакатимизда юридик таълим тизимини шакллантиришда, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва мунтазам такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳада етарлича ҳуқуқий замин яратилган бўлиб, юридик кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, шунингдек, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга биринчи Мурожаатномасида таъкидланганидек, “биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак”.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органларининг юридик кадрлар-

га бўлган эҳтиёжини аниқлаш; уларни Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейда тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш; замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларни амалга оширади.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас. Юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиё-

сатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармонида таъкидланганидек, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас.

Мазкур камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига: *биринчидан*, давлат органлари ва ташкилотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш; *иккинчидан*, адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли қарори билан адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш белгиланди.

Шунингдек, мазкур Қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларига айлантириш, юридик коллежларнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва ахборот-ресурслари жиҳатдан кўмаклашиш Тошкент давлат юридик университети томонидан, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш ҳамда ташкилий-кадрлар базасини мустаҳкамлаш эса – ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари лавозими бўйича юридик коллежлари директорлари ҳисобланади ҳамда юридик коллежларни зарур ўқув ва спорт ускуналари, компьютер техникаси ва ахборот-ресурс

фондлари билан жиҳозлаш харажатлари таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Юридик коллежларига қабул қилиш ҳар бир ҳудуднинг «юриспруденция» йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълимга эга кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган квоталар бўйича танлов асосида давлат хизматлари, кадрлар масалалари, шартномавий масалалар, нотариат, адвокатура, ижро иши бўйича ҳамда аграр секторда юрист мутахассислиги ва касбларга мувофиқ амалга оширилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик коллежлар битирувчилари ТДЮУга ҳудудий адлия органларининг йўлланмалари бўйича кириш тест синовларисиз яқка тартибдаги суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқишнинг тугашидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда киришга ҳақли эканлиги белгиланди.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ магистратурасига тўлов-контракт асосида талабаларни қабул қилиш квотаси 150 тага оширилди ва магистратурага қабулни тест синовларсиз ўқитиш муддати давомийлиги бир йил бўлган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинди.

ТДЮУ ҳузурида Халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази тузилди ва унда: а) олий маълумотга эга мутахассисларни юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курслари; б) халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-ҳунарга ўқитиш юзасидан халқаро тижорат фаолияти, халқаро арбитражлар ва суд низоларини ҳуқуқий таъминлашни ўз ичига олган қисқа муддатли ўқув курслари; в) ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

Адлия вазирлиги томонидан юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш амалиёти жорий қилинмоқда.

Шунингдек адлия органлари томонидан: *биринчидан*, юридик хизматлар ходимларининг малакасини ошириш ташкил қилинмоқда; *иккинчидан*, юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби белгиланди, аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш йўлга қўйил-

ди; *учинчидан*, юридик хизматлар ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартиби белгиланди ва юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг стажировка ўташи ташкил этилди; *тўртинчидан* юридик хизматлар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун вазирликда барча ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар мавжуд. Хусусан, Адлия вазирлиги тизимида Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик коллежлар, Юристар малакасини ошириш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда қайд қилганидек, “айни пайтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига юридик мутахассислик бўйича бир йилда 600 га яқин талаба қабул қилинади. Бу жами олий ўқув юртлирига қабул қилинадиган талабаларнинг атиги бир фозини ташкил этади. Бу билан давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқшунос мутахассисларга бўлган, тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкинми? Албатта, йўқ. Бу борада Тошкент давлат юридик университетининг ўқув-методик базасини кенгайтириш билан бирга, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги йирик ва нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш биз учун муҳим вазифа ҳисобланади”.

Ҳозирги пайтда кўплаб давлат органлари ва ташкилотларида, минглаб тадбиркорлик субъектларида юридик хизмат ходимларига бўлган эҳтиёж кундан кунга ошиб бормоқда.

Аммо, Тошкент давлат юридик университетидан юридик хизмат ходимлари умумий асосларда тайёрлаш давом этмоқда, хаттоки юридик хизмат ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув жараёнида махсус курс ҳам, ўқув предмети (фан) ҳам назарда тутилмаган. 1993 йилдан 2007 йилга қадар мавжуд бўлган “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани ўқув режасидан асоссиз равишда чиқариб ташланган.

Фикримизча, *биринчидан*, “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” ёки “Юридик хизмат” ўқув предметини бакалаврларни тайёрлаш бўйича қуйидаги мутахассислик йўналишлари: 5240100 “Юриспруденция” (Давлат-ҳуқуқий фаолият), 5240100 “Юриспруденция” (Фуқаролик-ҳуқуқий фаолият), 5240100 “Юриспруденция” (Тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият бизнес ҳуқуқи) ва 5240100 “Юриспруденция” (Халқаро-ҳуқуқий фаолият) ўқув дастурларига ҳамда магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига

киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз навбатида, юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлашга хизмат қилади, чунки умумий фанларни ўқитилиши касбий малакани ва салоҳиятни шакллантириш учун етарли эмас.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, тадбиркорлик субъектлари юридик хизматлари фаолиятини назарий ва амалий муаммоларини илмий тадқиқ қилиш Адлия вазирлигининг эътиборидан четда қолмоқда. Мустақиллик йилларида бу соҳада деярли илмий тадқиқотлар олиб борилмади, фақат битта докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, магистрлик ишлари йўқ даражада, бу эса ўз навбатида юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса бериш имкониятини чекламоқда.

Шунинг учун ҳам бу борада Адлия вазирлиги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим ва бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилиши айна муддао бўлди.

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари сифатида жумладан: қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш белгиланди. Мазкур институт юридик хизмат соҳасини ҳам фундаментал ва амалий тадқиқотлар режасига киритса ва бу соҳа учун етук илмий ходимлар тайёрлашга эътиборни кучайтирса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, ҳозирда ва истиқболда қанча ва қандай ихтисосликлар бўйича ҳуқуқшунос мутахассислар керак деган масалани ҳал этмасдан туриб, юридик таълимнинг ислоҳотини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус юридик маълумотли мутахассислар эгаллаши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини белгилаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай рўйхатни ишлаб чиқиш чоғида тегишли малакадаги юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган тадбирлар тизимини ва уларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини белгилаб қўйиш муҳим.

Тўртинчидан, илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва юридик таълимнинг ихти-

сослашувини изчил амалга ошириш юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шартидир.

В 2013 году Федеральной службой по финансовому мониторингу при поддержке Министерства образования и науки Российской Федерации и Федерального агентства научных организаций был создан Международный сетевой институт в сфере ПОД/ФТ (МСИ).

В 2017-2019 учебном году участниками данного проекта стала 21 страна, включая Узбекистан¹⁶.

Данный сетевой институт представляет собой научно-образовательный консорциум, объединяющий университеты, научные и образовательные центры России, государств-участников СНГ и ЕАГ¹⁷, что позволяет не только привлекать студентов различных стран для обучения по специализированным программам, но и создать базу интеллектуальных, материальных и информационных ресурсов, а также экспертов.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров органов прокуратуры» №УП-5438 от 8 мая 2018 года, а также пунктом 27 Государственной программы по противодействию коррупции на 2019-2020 годы¹⁸ задача по подготовке работников правоохранительных органов и судей в сфере противодействия коррупции путем расследования сложных финансовых преступлений наряду с другими профильными образовательными учреждениями также возложена и на Академию Генеральной прокуратуры.

В настоящее время при поддержке международных партнеров Кафедрой борьбы с экономической преступностью и легализацией преступных доходов и Научно-образовательным центром противодействия коррупции Академии ведется работа по подготовке специального модуля по проведению финансовых расследований, а также симуляционного модуля, посредством которого участники смогут в интерактивной форме освоить навыки проведения финансовых расследований.

Подобный симуляционный учебный курс по проведению финансовых расследований прошел апробацию в Казахстане на базе Академии правоохра-

нительных органов при Генеральной прокуратуре.

Кроме того, Академией готовится расширенный учебный курс по расследованию коррупционных преступлений, часть которого также будет направлена на привитие практических навыков в области финансовой составляющей коррупционных деяний и возврата преступных активов.

Обучение должно раскрывать возможности следователей использовать следственные приемы (методы), которые включают операции под прикрытием, прослушивание телефонных переговоров, получение доступа к компьютерным файлам, применение контролируемой поставки, идентификация владельца/распорядителя счетов, включая возможность обнаружения активов без раскрытия этой информации их владельцу, а также получения информации через подразделения финансовой разведки (Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан).

Существенную часть такого обучения могут составить также вопросы международного сотрудничества при финансовых расследованиях. Необходимо вооружить следователей инструментами неформального обмена информацией, направляя их на максимальное использование всех форм неформального сотрудничества до направления запроса об оказании взаимной правовой помощи.

Специалисты должны знать не только националь-

ное законодательство, но и международные конвенции и стандарты, связанные с вопросами противодействия легализации преступных доходов, коррупции, а также возврата активов.

Осуществляемая Академией Генеральной прокуратуры подготовительная работа по обучению сотрудников правоохранительных органов в области противодействия финансовым преступлениям была положительно оценена в ходе 12-го заседания Совета МСИ, проведенного 27 ноября 2019 года в г. Ашхабаде (Туркменистан), что позволило включить ее в состав образовательных учреждений консорциума МСИ.

На основе вышеизложенного, авторами предлагается:

— регламентировать порядок осуществления финансовых расследований, в том числе параллельных, а также взаимодействия правоохранительных органов в данной области путем принятия соответствующего нормативного акта;

— разработать и внедрить в образовательный процесс Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан специализированный учебный курс по проведению финансовых расследований, охватывающий все аспекты данного процесса. Элементы такого курса должны быть внедрены и в других профильных учреждениях, осуществляющих повышение квалификации следственных и оперативных кадров.



¹ Jeyong J. Contemporary Financial Crime // Journal of Public Administration and Governance. – 2017. - Vol. 7. - No. 2. С.88–97.

² MONEYVAL Annual Report. – 2017. С.11.

³ Официальная информация Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан. Электронные источники: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/11/shadow-economy/> и <https://kun.uz/ru/news/2019/07/26/obyavleny-masshtaby-tenevoy-ekonomiki-uzbekistana>.

⁴ ACCA (the Association of Chartered Certified Accountants). Emerging from the shadows: The shadow economy to 2025. – Аналитический материал. – 2017. С. 11.

⁵ ОЭСР. Shining Light on the Shadow Economy: Opportunities and Threats – Аналитический материал. – 2017. С. 10.

⁶ Купрещенко Н.П. Филатова И.В. Взаимосвязь теневой экономики и коррупции в современной России. // Вестник Академии экономической безопасности МВД России. – 2015. - №1. С. 21-25.

⁷ Национальная база данных законодательства, 29.05.2019 г., № 06/19/5729/3199, 20.07.2019 г., № 06/19/5769/3450

⁸ Отчет ФАТФ. Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы. – 2012. С.8.

⁹ Ефимов В.С., Бродунов А.Н. Механизмы финансовых расследований в отечественной практике. // Transport Business in Russia. – 2015. - №5. С.55-58.

¹⁰ Там же

¹¹ Отчет ФАТФ. Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы. – 2012. – С.12.

¹² Электронный сайт Международной Академии ОЭСР по расследованию налоговых преступлений: <https://www.oecd.org/ctp/crime/tax-crime-academy.htm>.

¹³ Электронный сайт Центра правовых исследований Испании: <http://www.cej-mjusticia.es>.

¹⁴ Электронный сайт Базельского института: <http://www.baselgovernance.org/elearning-courses>

¹⁵ Электронный сайт МУМЦФМ: <https://www.mumcfm.ru/deatelnost/mezhdunarodnaa>.

¹⁶ Международный сетевой институт в сфере противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма. Брошюра. – С. 9.

¹⁷ Электронный сайт РОСФИНАМОНИТОРИНГ: <http://www.fedsfm.ru/career/institute>.

¹⁸ Национальная база данных законодательства, 29.05.2019 г., № 06/19/5729/3199, 20.07.2019 г., № 06/19/5769/3450

Чиниев Дилшод Абдимуминович,
старший прокурор Академии
Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан, д.ю.н.

СТАБИЛЬНОСТЬ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА – НЕПРЕМЕННОЕ УСЛОВИЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КОРРУПЦИИ

◆ Статья посвящена некоторым аспектам влияния несовершенных, часто изменяемых актов законодательства на развитие экономики государства, на реализацию права собственности, привлечение инвестиций и т.д. В этой связи, подчеркивается необходимость стабильных актов законодательства, являющихся одними из важных факторов в борьбе с коррупцией.

◆ *Мазкур мақола муқаммал бўлмаган ва тез ўзгарувчан қонун ҳужжатларини давлат иқтисодиётининг ривожига, мулк ҳуқуқининг амалга оширилишига, инвестицияларни жалб қилишга бўлган таъсирининг айрим жиҳатларига бағишланган. Шу муносабат билан, қонун ҳужжатларининг барқарорлиги, коррупцияга қарши курашнинг муҳим шarti ҳисобланишлиги қайд қилинади.*

◆ *The article is devoted to some aspects of the impact of imperfect, frequently amended legislative acts on the development of the state economy, on the exercise of property rights, investment attraction, etc. In this regard, the need for stable legislative acts, which are one of the important factors in the fight against corruption, is emphasized.*

Ключевые слова: стабильность законодательства, правовое государство, коррупция, нормативно-правовые акты, эффективность экономики, экономическая система, рыночные отношения, социально-экономическое развитие.

Таянч сўзлар: қонунчилик барқарорлиги, ҳуқуқий давлат, коррупция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодиётнинг самарадорлиги, иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

Key words: stability of legislation, rule of law, corruption, legal acts, economic efficiency, economic system, market relations, socio-economic development.

В Узбекистане за последние годы осуществляется планомерная и широкомасштабная работа по противодействию коррупции, созданию и совершенствованию законодательства в этой сфере, обеспечению его качества и эффективности.

Не вызывает сомнений, что своевременно принятые качественные законы являются существенным фактором в борьбе с коррупцией, что особенно важно, прежде всего в социально-экономическом развитии государства.

Следует отметить, что правовое государство предполагает устойчивость актов законодательства. Недопустимо их постоянное изменение, дополнение и обновление, ибо тогда они перестают быть основными нормативно-правовыми актами государства, имеющими долгосрочный характер.

Принимаемые акты законодательства призваны регулировать не только уже сложившиеся социально-экономические отношения, но их основ-

ная цель также заключается в том, что они должны предугадывать развитие общественных отношений и в далеком будущем.

Вместе с тем бесконечные изменения, которые вносятся в акты законодательства противоречат природе правового государства и делая нестабильной социально-экономическую ситуацию в обществе, создают благоприятные условия для «нечистых на руки» чиновников.

И вполне очевидно, что законы должны гарантировать и повышать эффективность экономики. Их основная задача заключается в стимулировании использования имеющихся экономических и социальных возможностей, облегчения специализации и сотрудничества предпринимателей и ресурсов, оказание содействия в становлении и развитии экономической системы, а не служению частным интересам отдельных представителей государственных органов.

Коренные изменения происходящие в обще-

ственной жизни страны, связанные с развитием рыночных отношений, определяют необходимость принятия нормативно-правовых актов, соответствующих по своей сущности и содержанию природе общества, достаточно оптимально отражающих особенность отношений и оказывающих активное воздействие на процессы его социально-экономического развития.

При этом, тщательный подход к разработке долгосрочных законодательных актов, с одной стороны, и готовность внести в них необходимые исправления и поправки, вызванные реальной жизненной практикой, с другой, - представляют собой те правила, которыми должен руководствоваться законодатель.

Вместе с тем, законодательные акты, даже те, которые касаются важнейших сторон государственной и общественной жизни, часто не отвечают требованиям нормативности и гарантированности. При таких условиях эти акты не становятся реальными регуляторами общественных отношений, не приводят к сколько-нибудь значительному социальному эффекту, несмотря на все призывы и даже борьбу за соблюдение и применение таких актов.

Кроме того, происходит нормативная неурегулированность законами или подзаконными актами всех общественных отношений, нуждающихся в правовом закреплении. В этой связи, необходимо установить высокое качество законодательства, а также механизм самореализации правовых норм, которые будут способствовать искоренению субъективизма в их применении на практике.

Следует отметить, что правительство Узбекистана уделяет серьезное внимание формированию в республике благоприятных условий для развития частного предпринимательства. За последние годы принят целый ряд законодательных актов, которые существенно ограничили проведение проверок субъектов предпринимательства, упразднили процедуры регистрации, оформления и ведения их деятельности.

Однако вновь принимаемые нормативно-правовые акты и поправки в уже действующие не ведут к улучшению делового климата в целом. Более того, громоздкость законодательства и его частые изменения остаются в числе наиболее актуальных проблем развития бизнеса.

В свое время еще, Уинстон Черчилль отметил: «Там, где существует десять тысяч предписаний, не может быть никакого уважения к закону»¹.

Недостаточно стабильная и противоречивая нормативно-правовая база, являются также причинами сдерживающими приток иностранных инвестиций в государство. Так, согласно Перечню рекомендаций для правительств по привлечению прямых иностранных инвестиций, разработанных

Мировым банком, на основе проведенного в конце 80 - начале 90-х годов исследования деятельности 3600 предпринимателей из 69 стран, отмечается, что при проведении политики прямых иностранных инвестиций, необходимо прежде всего учитывать «создание ясной правовой базы»².

Так как, при неясности гарантий прав собственности, слабости системы ответственности и правосудия, защищающей собственность, и в итоге повсеместная коррупция, инвестиции не пойдут в экономику, не будет сделано каких-либо инноваций в этой области.

Исходя из вышеуказанных факторов, каждое развивающееся государство стремится приложить максимум усилий для привлечения в первую очередь в сферу материального производства как отечественных, так и иностранных инвесторов. С этой целью принимаются соответствующие нормативно-правовые акты, разрабатывающие и реализующие определенную инвестиционную политику, формируется соответствующий инвестиционный климат.

Экономические реформы, последовательно осуществляемые в независимом Узбекистане, предполагают достижения рациональных отраслевых, воспроизводственных и территориальных пропорций, развитие интеграционных процессов, обеспечение экономического роста и др. Решение всей совокупности указанных проблем тесно связано с проведением соответствующей антикоррупционной политики, формированием действенной системы борьбы с ней.

Помимо этого, фрагментарность, противоречивость законодательства; нормативная неурегулированность всех общественных отношений; противоречие между имеющимися задачами государственного регулирования и полномочиями государственных органов по их реализации; неэффективная практика исполнения существующего законодательства являются основными преградами в привлечении иностранных инвестиций.

Как показали результаты опроса проведенного специалистами Мирового банка, в некоторых регионах предприниматели осуществляют свою деятельность в постоянном ожидании изменения правовых норм и правил ведения хозяйственной деятельности. В СНГ почти 80% предпринимателей указали, что непредсказуемые изменения норм и политики серьезно затрагивает их деятельность. В странах Центральной и Восточной Европы, Латинской Америки и Африки ту же жалобу высказали около 60% предпринимателей. Напротив, в промышленно развитых странах, а также странах Южной и Юго-Восточной Азии только 30% респондентов полагали, что их компании столкнутся с подобными проблемами³.

В этих условиях, стабильные и упорядоченные законы, понятные правовые процедуры, гаранти-

рованность прав собственности, независимая судебная система являются важными индикаторами борьбы с коррупцией, способными повлиять как на объем привлекаемых инвестиций, так и на развитие всей экономики в целом.

Действительно, неопределенность законодательства является серьезной проблемой для потенциального инвестора. При постоянном изменении и не разъяснении государством принимаемых актов законодательства, регламентирующих деятельность внутри страны, предприниматели теряют уверенность в прибыльности или убыточности, законности или незаконности их будущей деятельности. Страхуясь от такой неопределенности, им приходится использовать различные нелегальные коррупциогенные схемы, например, уходит в теневую экономику, вывозит капиталы за границу и др.

Важно также заметить, преобладание подзаконных актов над законами, регулирование только ими как инвестиционной, так и других сфер экономической деятельности может иметь негативное последствия. Оно заключается в том, что эти акты могут приниматься в интересах органов (их чиновников) имеющих право на их принятие, без учета интересов других субъектов отношений собственности. Принятие же большого количества подзаконных актов и увеличение их роли в регулировании экономической деятельности, может привести к противоречивости, затрудненности в их применении, что создает дополнительные возможности по их «выгодному» применению чиновниками в целях отъема денежных масс у населения, в том числе предпринимателей.

Установление прозрачных и понятных гарантий прав собственности искореняет коррупциогенные факторы, уменьшает неопределенность экономической среды, делает ее более стабильной и предсказуемой. С другой стороны, часто меняющиеся «правила игры» лишают уверенности серьезных инвесторов в стабильности законодательства, не способствующей обеспечению гарантий правовой защиты их интересов.

Из-за чего, инвестиции не вкладываются не только в такие отрасли хозяйства, которые требуют многих лет для их окупаемости, но и в такие, окупаемость которых рассчитана на более короткий срок.

Кроме того, четко сформулированные нормы имущественного права, лишают стороны интереса к инициированию судебных споров, что позволяет сэкономить средства, избежав судебной тяжбы, и служит стимулом к диалогу, а не судебному разбирательству. Вследствие этого, стабильность юридических норм в области права собственности являются целесообразными, чем их изменение.

Между тем, несвоевременное разрешение правовых вопросов, наличие противоречивого законодательства, спешка в издании, принятии нормативно-правовых актов, принятие несовершенных законов рассматривается факторами, как препятствующими привлечение иностранных инвестиций, так и развивающими коррупцию. А наличие стабильных законов, понятных правовых процедур, гарантированности прав собственности являются необходимыми условиями как привлечения иностранных инвестиций, так и развития всей экономики в целом.

На основании изложенного для достижения стабильности принимаемых актов законодательства как важного фактора в борьбе с коррупцией, считается целесообразным проводить: адекватный анализ динамики развития общественных отношений; четкую формулировку социально полезных целей и задач принятия нормативно-правового акта; анализ возможностей и способов достижения социальных целей с помощью механизма правового регулирования общественных отношений; учет эффективности действующих нормативных правовых актов на основе правоприменительной практики; определение экономических, социальных, политических и иных последствий принятия нормативного правового акта; своевременное и обоснованное внесение изменений и дополнений в законодательство.



¹ Попов, К.И. Судебные и правоохранительные органы: Учебник в 2-х томах. Т.1. Судебное устройство. - М.: Юридический институт МИИТа, 2016. - С.194.

² Смирнов А.А. Государственная концепция в инвестиционных вопросах //Законодательство и экономика. 2003. №4. -С.25-27.

³ Отчет о мировом развитии в 1997 году. Государство в меняющемся мире. -М.: Прайм Тасс, 1997. -С. 41.

Ниёзова Саломат Сапаровна,
Тошкент давлат юридик
университети доценти, ю.ф.н.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

- ◆ Ушбу илмий мақолада вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишга доир масалалар баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.
- ◆ В данной научной статье рассматриваются вопросы касательно предупреждения преступлений против половой свободы несовершеннолетних. Также, были проанализированы результаты исследования, даны соответствующие предложения и рекомендации.
- ◆ This scientific article deals with the prevention of crimes against sexual freedom of minors. The results of the study were analyzed, relevant proposals and recommendations were given.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жинсий, жиноят, ҳуқуқбузарлик, шахсга қарши, зўрлик ишлатиб, жабранувчи, олдини олиш, криминология, мотивация.

Ключевые слова: несовершеннолетние, половая, преступление, правонарушение, против личности, с применением насилия, потерпевший, предупреждение, криминология, мотивация.

Key words: minor, sexual, crime, offence, against person, with using violence, victim, prevention, criminology, motivation.

Бизга маълумки, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш масаласи, уларни бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар томонлама баркамол авлоди қилиб тарбияланиши ва етук инсон булишлари учун қаратилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишни криминологик жиҳатдан ўрганадиган бўлсак, криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш деганда жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларини бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки ҳулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жинсий фаолиятга қайтишига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими тушунилади¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш каби вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш ҳам илмий асосланган ва қонуний бўлиши даркор².

Ижтимоий бошқарувнинг ҳар қандай соҳаси каби жиноятчиликнинг олдини олиш муайян талабларга жавоб бера оладиган, муайян принципларга, яъни қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик, адолатлилик, илмийлик принципларига асосланган бўлиши керак. Ана шундагина жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадига эришиш мумкин.

Жиноятчиликни олдини олишнинг у ёки бу чораси қўлланилганда муайян жойдаги шароит, вазият, шахсларнинг ижтимоий фаолият тури эътиборга олиниши керак. Бундай жиноятчиликнинг олдини олиш мақсади ва вазифаси, функцияси, ташкилий структураси аниқ белгиланган ва уларнинг ахборотлар, тегишли ресурслар билан таъминланганлиги шароитида амалга оширилиши керак³.

Жиноятларнинг олдини олиш масаласи узок ўтмишданок олимларни қизиқтириб келган. Бу тўғридаги мулоҳазаларни қадимги юнон мутафаккирлари — Афлотун ва Арастунинг асарларида ҳам ўқиш мумкин. Афлотуннинг фикрича, қонунчилик жиноят содир этишдан одамларнинг қўнглини қолдириши керак. Арасту эса ахлоқсиз урф-одатлар ва одатларга қарши курашишнинг ахамиятига эътиборни қаратган. Кейинроқ бу масалага

бошқа мутафаккирлар ҳам муурожаат қилганлар. Монтескьё, Беккария, Вольтер, А.Н.Радищев олий ҳокимиятнинг фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини тақиқловчи, ундовчи ва огоҳлантирувчи услублар воситасида қонун йўлига йўналтириш мумкинлигини кўрсатган эдилар⁴.

Жиноятчиликнинг олдини олиш объектини жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларнинг жиноятчилик билан алоқаси ташкил этади. Бу ҳодисаларга таъсир кўрсатиш йўли билан жамиятда ис-талган самарага эришишга уринишини ҳисобга олиб, таъкидлаш лозимки, бу алоқанинг алоҳида элементлари иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий-руҳий ва бошқа хусусиятдаги ҳодисалардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилишнинг ягона тизими, бизнингча, жиноятларнинг мотивациясини ўрганиш ташкил этиши лозим. Чунки, мотивни билмай туриб жиноятнинг кўринишини тиклаш, ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишга нима ундаганлигини тушуниш мумкин эмас. Бунинг оқибатида эса айбдорни қайта тарбиялаш муаммосини ҳал қилиш имконияти йўққа чиқади. Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, содир этилган қилмишнинг мотивациясини билган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тергов органларига индивид айбининг айнан субъектив томонини аниқлаш анча осон бўлган бўлар эди. Шунга мувофиқ айбдорга янада объективроқ жазо белгилаш имкони туғилар эди.

Ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг мотивацион соҳасини ўрганиш учун умумий ва ижтимоий руҳий муаммолар билан шуғулланувчи руҳшуносларнинг ёрдамларидан фойдаланиш зарур. Бироқ “афсуски, юридик психология бўлими, юриспруденцияда ҳам, руҳшуносликда ҳам жуда кам ўрганилган”⁵. Мазкур муаммо ҳуқуқшунослар, психологлар ва криминологларнинг кучларини бирлаштиргандагина ҳал қилиши мумкин.

Криминологиянинг олдида турган асосий муаммолардан бири – мотивларнинг келиб чиқишини аниқлаш бўлиб, бу инсоннинг онгли ва онгсиз (ғайришуурий) соҳаларини ўрганади, чунки жиноий фаолиятни белгиловчи мотивларнинг кўпчилиги кейинчалик ё онгсиз, ёки онгости даражада юзага келади.

Жинсий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга қаратилган профилактика чораларини кўришда, бундай чоралар қўлланиладиган шахсларнинг икки гуруҳини ажратиш лозим: муқаддам судланган шахслар ҳамда иккинчи гуруҳда субъектив хусусиятлари уларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этишлари имкониятини истисно этмайдиган шахслардир.

Биринчи гуруҳга келадиган бўлсак, судлар субъектив айб кўйиш принципига асосан жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатлар йиғиндиси аниқлашга мажбурдирлар.

Бу мезонга жиноий ниятнинг шаклланишига олиб келган жиноятнинг барча субъектив детерминатлари (қизиқишлар, мотивлар ва бошқалар) ҳамда жиноят содир этилишига таъсир кўрсатган вазият ва омиллар киритилиши лозим.

Суд ҳақиқий мотивларни аниқлагач, жазо қўллаш билан чекланмасдан, шахс билан олиб бориладиган профилактика ишлари стратегиясини ишлаб чиқиши лозим.

Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, агар “криминологик олдини олиш чоралари жиноятларнинг содир этилиш шарт-шароитлари ҳамда объектив ва субъектив сабабларига таъсир кўрсатса, мажбурлов-ҳуқуқий чоралари фақат субъектив сабаблар ва шарт-шароитларга, яъни шахсга тегишли бўлган омилларга таъсир қилади”⁶.

Суд қандай мулоҳазаларга асосланаётганидан қатъи назар, ишнинг аниқ ҳолатлари ва судланувчининг шахсини синчковлик билан инobatга олиши лозим, зеро бу маҳкумга руҳий таъсир кўрсатишнинг зарурий шarti ҳисобланади ва бунда жазо адолатли, қонунга қатъий риоя қилинган ҳолда чиқарилган деб тушунилади. Жазонинг мазмуни, тури ва миқдори маҳкумга тушунарли бўлиши ҳамда жазо унга тўғри таъсир этиши (бунинг учун эса инсоннинг хусусиятлари, табиати, ҳаётга қарашлари, ахлоқий қадриятларга муносабати ва бошқаларни билиш лозим) зарурлигидан ташқари, жазони белгилашда жазо атрофдагиларга қанчалик таъсир этишини ҳам инobatга олиш зарур.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга чек кўйишнинг кейинги жиҳатини, назаримизда, ҳуқуқни қўллашда юзага келадиган муаммоларни ташкил этади. Чунки бу муаммоларнинг ҳал этилиши жинсий эркинликка қарши жиноятларга қарши курашда биринчи даражали аҳамият касб этади: аслини олганда, ҳар бир босқичда мазкур жиноятларнинг олдини олишдаги муваффақият бу муаммолар қай даражада ҳал этилишига боғлиқ. Албатта, гап уларни илдизи билан кўриштириш тўғрисида эмас, фақат уларнинг олдини олиш ҳақида бориши мумкин.

Жинсий зўравонлик учун оғирроқ жиноий жавобгарлик белгиловчи қонун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу сабабли, жиноят қонунининг жинсий зўрликка қарши курашдаги вазифасини фақат жиноят содир этган шахсларни жазолаш воситасига тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Жиноят қонуни ҳар қандай, шу жумладан жинсий зўрликни содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилганида, унинг аҳамияти шахс ва ижтимоий тартибот ҳимоясида турган “қалъа” роли билан чекланмайди. У ёки бу ҳаракатларни жиноий ва жазога сазовор деб топиб, у фуқароларда бу ҳаракатларга нисбатан салбий муносабатни тарбиялайди, уларни бу ҳаракатларга қарши курашга жалб этади. Шу сабабли қонун тарғиботи жуда

катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, жинсий зўрлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормалари ёшларга нафақат етказилиши, балки ҳар томонлама тушунтирилиши ҳам лозим.

Бундай суҳбатларда бу жиноят учун белгиланган жазо чораларини маълум қилишгина эмас, унинг ижтимоий хавфлилигини, ахлоқ негизларига зидлигини, инсон кадр-қимматига мос келмаслигини очиб бериш, ёшларни тартибсиз жинсий алоқаларга, умуман зўрликка нафрат руҳида тарбиялаш лозим.

Жиноят қонунини қўллаш ва жинсий зўрлик содир этган шахсларга нисбатан жазо қўллашнинг ўзиёқ бошқа беқарор элементларга, айниқса, маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. жиноятчининг одилона жазоланиши ҳам бошқа кўпчилик учун таъсирли профилактик огоҳлантирув бўлади.

Ниҳоят, жазони ижро этиш чоғида маҳкумга тарбиявий таъсир кўрсатиш, унинг онг даражасини, маълумотини ошириш ҳам инсонда жинсий соҳада барқарорроқ негизларни тарбиялайди, зеро жинсий тарбия умумий тарбиядан ажралмасдир.

Жиноят қонуни ҳақиқатан ҳам жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда таъсирли восита бўлиб хизмат қилиши учун оғир жиноятлар, шу жумладан, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш муҳимдир.

Шунингдек, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш чораларини белгилашда, энг аввало, ушбу жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларининг келиб чиқишига ва жиноят натижасида келиб чиқувчи ижтимоий хавфли оқибатларни бартараф этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ижтимоий салбий ҳолатларга қарши турувчи чора-тадбирларни қўллаш, яъни алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик кабиларнинг олдини олиш ҳам вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига қаратилган тажовузларни бартараф этишда зарурдир. Чунки суд-тергов амалиёти таҳлили жинсий жиноятлар кўп вазиятларда мастлик ҳолатида ёки фоҳишабозлик билан биргаликда содир этилишини кўрсатади.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилган шахсларнинг жинсий хатти-ҳаракатларини олдини олиш учун жиноятчи шахсга оид қуйидаги белгиларни аниқлаб олиш зарур:

- ўтмишда бирон-бир жинсий жиноят содир этганлиги;
- шахсда руҳий аномалиянинг мавжудлиги;
- шахс меҳнат фаолияти юритадиган жойни ёки у муносабатда бўладиган шахслар доирасини аниқлаш. Масалан, ёш болаларнинг жинсий

дахлсизлигига тажовуз қилиш ниятида юрган шахслар кўпинча болалар муассасаларида ишга жойлашадилар;

— болалик ёки ўсмирлик даврида жинсий ҳаётга қизиқиб ёки касаллиги туфайли жинсий жиноятлар содир этганлиги;

— ўзга жинс вакиллари билан муомалада бўлганида истерик касаллик белгиларининг намоён бўлиши;

— шахс томонидан жинсий-ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқармайдиган ғайриахлоқий ва жинсий ҳаракатлар содир этилганлиги;

— жинсий ҳаётдаги омадсизликлар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатлари амалга оширилганлиги;

— шахснинг қилмишида жинсий характердаги зўрлик ишлатиб содир этилган мотивсиз хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги⁷.

Бундай жиноятларнинг сабаблардан яна бири жинсий тарбия билан боғлиқ масала бўлиб, биз бугунги кунда ҳаётнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган жинсий ҳаёт соҳасига кам эътибор бериб, ёшларни жинсий тарбиясига аҳамият бермаймиз. Натижада ёшлар бу соҳада биринчи муносабатга дуч келиши биланоқ муаммога учрайди ва бу кўпчилик ҳолатларда вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги бузилиши билан тугайди. Бунинг олдини олиш учун оилада ва таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари билан биргаликда жинсий тарбия дарсларини ташкил этишни мақсадга мувофиқдир.

Жинсий тарбияни олиб боришда ва вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлигининг олдини олишда субъектлар фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги Низоми⁸да, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунинг тегишли моддаларида ҳам тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан кўриниб тўрибдики, миллий қонунчилигимиз бола ҳуқуқлари ва манфаатларига, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида ўринга эга. Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига барча фуқаро ва мансабдор шахсларнинг эътибори сафарбар қилинган. Ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳат-

дан соғлом бўлиб ўсиши, уларнинг бахт-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, бу масалалар нафақат миллий қонунчилигимиз балки, халқаро тоифадаги муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Шулардан келиб чиқиб, 20 ноябрь 1989 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 34-моддасида Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат болани жинсий эксплуатация ва жинсий бузқўликнинг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилишга мажбур эканлиги ҳамда шу мақсадларда миллий ва халқаро доирада: а) болани ноқонуний ҳар қандай жинсий фаолиятга мажбурлаш ва жалб қилишни; б) болалардан фоҳишалик ёки бошқа ноқонуний жинсий фаолият эксплуатацияси мақсадида фойдаланишни; в) порнография ва порнографик материалларда болалардан уларни эксплуатация мақсадида фойдаланишни бартараф этиш чораларни кўриш зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1992 йил 09 декабрда қўшилган.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни мос равишда умумий ва махсус (криминологик) олдини олиш чораларига ажратишимиз мумкин.

Бундай турдаги жиноятларнинг умумий олдини олиш кенг қамровли бўлиб, жамиятнинг позитив ривожланиши учун шароит яратиш, ундаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳа институтларини ривожлантириш, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига тажовуз қилувчи жиноятларни келтириб чиқарадиган ҳодисалар ва номутаносибликни бартараф қилиш, уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларнинг зарарли таъсирини камайтириб бориш орқали амалга оширилади. Умумий олдини олиш чораларини бошқача қилиб билвосита олдини олиш деб ҳам аташ мумкин, яъни бунда жамиятда умумий фаровонликни таъминлаш, жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, муҳтожлик, ишсизлик, болалар қаровсизлигини, оғир ҳаётий шароитларни бартараф қилиш, жамиятда қарор топаётган эркинлик, демократиядан фойдаланиб, айрим шахслар, гуруҳлар томонидан уюштирилувчи ахлоқсизлик, бузқўликларни тугатиш орқали жиноятнинг олди олинади.

Шунингдек, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига тажовузларнинг олдини олиш умумижтимоий чоралари орасида жамият аъзоларининг маънавий жиҳатдан юксалишини таъминлаш, уларнинг маънавий, маданий савиясини, ахлоқий, ҳуқуқий онгини тараққий эттириш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки жинсий жиноятларни содир этиш

айбдорнинг маънавий, маданий савияси нақадар паст эканлигини, унинг ахлоқсизлик, онгсизлик даражасини кўрсатиб беради.

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг умумий олдини олиш жамият ва ундаги барча институтларнинг жиноятчиликка қарши салоҳиятини ривожлантириш орқали амалга оширилса, махсус олдини олиш ваколатли органлар томонидан вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминоген омилларини камайтириш, сусайтириш, бартараф қилиш, жиноят содир қилиши мумкин бўлган ёки янги жиноят содир қилган шахсларнинг жинсий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган ҳамда алоҳида турдаги ва аниқ олдини олишга қаратилган чоралар йиғиндисидан иборат бўлади.

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда жамиятнинг энг муҳим институти ҳисобланувчи оила институти алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, мазкур турдаги жиноятларнинг оила доирасида кўплаб содир этилиши бу соҳада муҳим чоралар ишлаб чиқиши зарурлигини англатади. Бунда носоғлом оилаларни рўйхатга олиш ва улар устидан доимий жамоатчилик назоратини ўрнатиш, тарбия масалалари, уларнинг хулқида турли бузилишлар бўлган ахлоқий носоғлом ота-оналарни аниқлаш, уларни жамоатчилик таъсири орқали тарбиялаш, агар тарбиялашнинг иложи бўлмаса, бузқўликлари вояга етмаган фарзандларига хулқ-атвори салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ота-оналарга нисбатан чоралар кўриш лозим бўлади. Шулар қаторига оилаларнинг ишдан ташқари бўш вақтларини яхшилашга қаратилган чораларни қўллаш, болалар қаровсизлигини бартараф этиш чораларини амалга ошириш ҳам ижобий самара беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жинсий жиноятларнинг айрим ҳолатларда вояга етмаган шахслар томонидан содир этилиши уларнинг устидан доимий назорат ўрнатиш лозимлигини юзага келтиради. Айниқса, ёшларга ўз бўш вақтларини тўғри ташкил қилишларига кўмаклашиш кераклигини, бундай даврда улар устидан назорат кучайтирилиши шартлигини алоҳида таъкидлаш зарур⁹. Криминологларнинг кузатишича вояга етмаганлар томонидан ва уларга нисбатан номусга тегиш, зўравонлик жиноятлари ёзда кўп содир этилади. Чунки улар бу вақтда ёзги таътилда бўлиб, педагогик назоратдан холи бўладилар.

Жинсий жиноятларнинг олдини олишда меҳнат жамоаси имкониятидан ҳам унумли фойдаланиш зарур. Чунки шахс асосий вақтини меҳнат жамоаси билан бирга ўтказди. Меҳнат жамоасида турли ахлоқсизликларга нафрат шароитини яра-

тиш шахснинг жиноятларга мойил хулқига ижобий таъсир қилади.

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг махсус олдини олишда қуйидаги чоралар ҳам ижобий роль ўйнайди:

- хулқи ва жамоат томонидан берилган тавсифни ҳисобга олган ҳолда жинсий жиноят содир этишга қодир бўлган шахслар устидан ижтимоий назорат ўрнатиш;

- олдин номусга тегиш ёки бошқа жинсий жиноятни содир этганлик учун жавобгарликка тортилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш;

- номусга тегиш жиноятини содир қилишга йўл қўймайдиган, шахсларни хабардор қилиш билан боғлиқ оператив тадбирларни амалга ошириш;

- жинсий жиноятлар содир этганлик учун судланган шахсларни қайта тарбиялашда ва хулқини яхшилаш жараёнида қўлланилувчи махсус чора-тадбирларни, жазони ўташ жойларида эса жазони ўтаётган шахсларга нисбатан ҳуқуқий, руҳий ва тиббиёт тадбирларини ўтказиш;

- маъмурий назорат билан боғлиқ, шунингдек тиббий тадбирлардан фойдаланиш орқали амалга оширилувчи номусга тегиш ва бошқа жинсий жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан постпенетенциар профилактика жорий этиш;

- виктимологик профилактикани жорий этиш ва амалда қўллаш.

Бизнингча, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг асосий қисми жабрланувчиларнинг виктимлигидан келиб чиқиши, уларга нисбатан виктимологик профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни талаб қилади. Бунда вояга етмаган жабрланувчиларнинг виктимлиги ва

жиноят натижасида уларга етказилган жинсий, жисмоний ва руҳий зарарлар диққат марказида туриши даркор. Шунинг учун ҳам вояга етмаган шахслар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш чораси сифатида “жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар сонини қисқатиришдан ташқари, бундай жиноий тажовуз қурбони бўлмиш жабрланувчилар сонини камайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериш керак”¹⁰ деган фикрни назардан четда қолдирмаслик лозим. Бунинг учун, авваламбор, вояга етмаганларни тўғри тарбиялаш муҳимдир.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасида айнан вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида махсус муассаса, яъни **махсус руҳий клиника** ташкил этилиши керак. Мазкур руҳий клиникада ёш болалар ва вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилган руҳий касал маньяклар сақланиб, мутахассислар томонидан уларнинг индивидуал (миядаги, руҳиятдаги) ўзгаришлари ва хусусиятлари ўрганиб чиқилади, айнан ана шу ўзгаришлар ва хусусиятлар орқали руҳий клиника ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бундай турдаги маньякларни ушлаш ҳамда улар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш фаолиятига яқиндан ёрдам беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг самарали олдини олиш учун бир вақтнинг ўзида жиноятчи шахси, жабрланувчи хулқ-атвори, ёши, оилавий ва шахсий ҳаёти, жиноят содир этилиш вақти ва жойи каби жиноятнинг содир этилишга шарт-шароит яратувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда тизимли чора-тадбирларни амалга оширмақ лозим.



¹ Усмоналиев М., Каракетов И. Криминология. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 247-248.

² Абдурасулова Қ.Р., Зокирова О.. Криминология. Ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДҶОИ, 2003. – Б. 28-29.

³ Криминология. Учебник. – М.: Бек, 1996. – С.178.

⁴ Алексеев А.И. Криминология.: Курс лекций. – М.: 1999, – С. 115.

⁵ Алексеева Л.В.. Судебно-психологическая экспертиза эмоциональных состояний: Дис. канд. психол. Наук.- М., 1996.- С. 36

⁶ Криминология: Общая часть. СПб.,1992. – С. 141.

⁷ Антонян Ю.М., Ткаченко А.А., Шостакович Б.В.. Криминальная сексология. Под. ред. Антонян Ю.М. – М.: Спарк, 1999. – С. 397-398.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 йил 27 март. – №12., 184-модда.

⁹ Мусаев Ю.. Вояга етмаганлар ва рецидив жиноят // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2001. – №4. – Б. 55-56.

¹⁰ Франк А.В.. Виктимология и виктимность. – Душанбе, 1972. – С. 25.

Нарзуллаев Олим Холмаматович,
Тошкент давлат юридик
университети доценти, ю.ф.н.

ЗАМОНАВИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

◆ Экология бўйича янги қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида, кейинги ўн йилликда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим атамалар, тушунчалар, устувор йўналишлар ва институтлар ўрганилган.

◆ В результате реформ в области нового природоохранного законодательства в последующие десятилетия были изучены наиболее важные термины, концепции, приоритеты, учреждения и институты, которые способствовали дальнейшему развитию права окружающей среды в области сохранения и использования биологических ресурсов.

◆ As a result of reforms in the field of new environmental legislation in the following decades, the most important terms, concepts, priorities, institutions and institutions were studied that contributed to the further development of environmental law in the field of conservation and use of biological resources.

Таянч сўзлар: экология, экологик барқарорлик, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий заҳиралар, инновация, тенденция, ген инженерияси, чиқиндилар, генетика, гибрид.

Ключевые слова: экология, экологическая устойчивость, экологическая безопасность, биологическое разнообразие, биологические ресурсы, вода, флора и фауна, природные ресурсы, генная инженерия.

Key words: ecology, environmental sustainability, ecological security, biological diversity, biological resources, water, flora and fauna, natural resources, genetic engineering.

Дунёнинг барқарор ривожланишида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик муаммолар инсоният тарихининг бирон-бир босқичида ҳозирги даврдагидек долзарб аҳамият касб этмаган. Биологик хилма-хиллик, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат ва жамият олдидаги энг муҳим вазифалардандир.

XXI аср юқори технологиялар ва ахборот асри ҳисобланади. Цивилизация тарихида самарали технологияларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро миқёсида аҳолининг ўсиши табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, барқарор ривожланиш шароитида илм-фан ютуқлари инновацион технологияларини жорий этган ҳолда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш орқали тараққиётга эришиш талаб этилади.

Сўнги йилларда (тез суратларда) биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш соҳасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сонли “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги¹ қарори, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги² қонун-

лар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида таъкидланганидек, жонли табиат³ бошқа табиий ресурсларга нисбатан инсонга жуда яқин, чунки инсоннинг ўзи, табиатнинг бир қисми ҳисобланади. Сайёрамиздаги ҳайвонот дунёси объектлари ва ўсимлик дунёси объектларининг мавжудлиги ҳаётнинг барқарорлигини таъминлайди, чунки улар озиқ-овқат манбаларидир ва шу маънода табиатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда қўлланилган “биологик хилма-хиллик”, “биологик ресурслар” тушунчасининг вужудга келиши масаласида юридик адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд эканлигини қайд этиш лозим⁴. Айрим олимларнинг таъкидлашича, мазкур тушунча биринчи марта 1892 йилда Г.Бейтс томонидан қўлланилган⁵. Бошқа гуруҳ олимларнинг фикрларига кўра⁶, “биологик хилма-хиллик” атамаси биринчи марта В.Розен томонидан 1968 йилда “Биологик хилма-хиллик муносабатларига нисбатан АҚШ стратегияси” миллий анжуманида ишлатилган. “Биологик ресурслар” атамаси бир ёки турли турдаги қуруқликда, денгизда ва хилма-хил экосистема ҳамда экологик комплексларда яшовчи тирик организмларнинг бир-биридан фарқланиш ҳолатига нисбатан қўлланилади.

Биз шундай тасаввур қиламизки, биологик ресурслар - бу генетик ресурслар, организмлар ва уларнинг қисмлари, инсоният учун потенциал фойдали бўлган экотизимлар мажмуаси ҳисобланади.

Биологик хилма-хиллик — умуман олганда тирик модданинг мураккаблиги, ўз функцияларини ўзи тиклаш қобилияти ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини акс эттирувчи биологик объектларнинг фарқланадиган турлари ёки ходисалари сони ҳамда уларнинг фазо ва вақтнинг қайд этилган оралиғида учрашининг такрорийлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сонли қарорига кўра, биологик хилма-хиллик - жами ҳайвонот дунёси (ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар) турларининг хилма-хиллиги бўлиб, тур доирасидаги, экотизимлар турлари ва ранг-баранглиги ўртасидаги хилма-хилликни ўз ичига олади⁷.

С.А.Боголюбов биологик хилма-хиллик тушунчасига қуйидагича таъриф беради: биологик хилма-хиллик барча ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар ва экотизимлар ҳамда уларда кечаётган жараёнларни ўз ичига олади⁸.

Бизнингча, биологик хилма-хиллик деганда генетик, турлар, экотизимлар мажмуаси тушунилади. Биологик хилма-хиллик уч даражага бўлинади: генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги ҳамда экотизимлар хилма-хиллиги. **Генетик** хилма-хиллик, ер ёки конкрет ҳудуднинг тирик мод-

дасида жамланган генетик ахборотни акс эттиради. **Турлар** хилма-хиллиги конкрет ҳудудда тарқалган турларнинг сони ва учрашининг такрорийлигини акс эттиради. **Экотизимлар** хилма-хиллиги туркумлар маконларининг ҳар хил турлари ва экологик жараёнларининг сонини акс эттиради.

Биологик хилма-хиллик табиатнинг умумий хилма-хиллиги феноменининг хусусий ифодаларидан биридир. Лекин, ер қуррасининг биосфера қобиғида яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли шакллари, кўринишлари ва хиллари экотизимларда ранг-баранглигидан кўра, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чунки, экологик тизимда организмлар нафақат ранг-баранглиги, балки каттаю-кичиклиги, маълум бир ишларни, функцияларни бажара олиши, муайян табиий жараёнларда қатнашиши билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири, рангидан қатъи назар, биосферада маълум бир экологик функцияни бажаради.

Шундай қилиб, жиноят процессининг ажралмас хусусияти ошкоралик ва махфийликнинг икки ёқлама бирлиги ҳисобланади.

Жиноий суд ишларини юритишни шахс тўғрисида олинган маълумотларнинг мавжудлиги (барчага ошкор бўлиши) ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида кўпайтирилиши ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди албатта. Ҳукмда, қоида тариқасида, маҳкум (оқланган) ёки бошқа шахсларнинг шахсий ёки оилавий сир бўлган маълумотлар мавжуд бўлиб, бундай маълумотлар ҳар доим ҳам жамоатчиликка ошкор этилавермайди. Бинобарин, бу шахсий сир бўлиб, уни сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади ва унинг шаклидан қатъи назар ошкор қилиниши инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Лекин, юқорида келтирилган истисно ҳолатлардан ташқари жиноят суд ишларини юритишда “ошкоралик” принципига амал қилмаслик адолатли ҳукм чиқаришга тўсқинлик қилибгина қолмай, жамоатчиликнинг одил судловга бўлган ишончини йўқолишига олиб келади.

Суд жараёни очиклиги тўғрисида адвокатлар ва журналистлар ўртасидаги мунозаралар асосан икки хусусият касб этади:

1) оммавий ахборот вакилларининг судга кириш ҳуқуқини асосиз равишда чеклаш;

2) суд жараёнининг натижаларини жамоатчиликка ноҳолис шаклда етказиш. Ушбу қарашлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослидир.

Юқорида келтирилган икки ёқлама қарашлар ва “ошкоралик” принципига оид зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суд муҳокамасининг ошкоралиги инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Турли хил чекловларга қарамай, халқаро ҳужжатлар ошкораликка

жуда катта аҳамият беради, чунки бу жамоатчиликка жиноий суд ишларини қай тартибда юритилишини кузатиб бориш, одил судловни амалга оширишда ҳуқуқбузарликларни англай олиш, шунингдек судьянинг ўз ваколатлари доирасида холислигини жамоатчилик томонидан назорат қилишга имкон беради.

Европа суди ўз хулосасида сўз эркинлиги демократик жамиятнинг асосий устунларидан бири эканлигини таъкидлаб, оммавий ахборот воситалари одил судловни тўғри амалга ошириш манфаатларига биноан ташкил этилган доирани бузмаслиги керак, аммо улар шунингдек ўз мажбуриятларини кенгайтиришлари шарт эканлигини, шунингдек судлар фаолиятига оид маълумотлар ва ғоялар, худди жамоат манфаатларига тегишли фаолиятнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш ҳуқуқига эга.

Тадқиқот асосида шунини таъкидлаш керакки, суд жараёнининг икки субъекти ўртасида ошкоралик принципини амалга оширишда, хусусан: оммавий ахборот воситалари вакиллари ва судьялар ўртасида низо юзага келтирмаслиги лозим.

Жиноят процессида фуқароларнинг шахсий ва оилавий сирларига бўлган ҳуқуқларига, шу жумладан ёзишмалар ва телефон сўхбатларининг махфийлигига ҳамда ҳукмларнинг оммавий эълон қилинишига оид қарорларни қабул қилишда ушбу ишда иштирок этган шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Хусусан, уни ошкоралик принципини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш, Интернет орқали узатиш тушунчаларини очиш, трансляция турларини (матнли, аудио ёки видео трансляция) аниқроқ ажратиш, шунингдек, оммага тақдим этиладиган маълумотлар ва ахборотни ташкил этувчи маълумотлар ўртасида аниқ меъёрларни яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш. М. “Конституция ва қонун устуворлиги-ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” Халқ сўзи 2019 йил 8 декабрь, № 254 (7484)

² Тухташева У. Жиноят процессида апелляция: ўқув қўлланма. / М.Х.Рустамбоев умумий таҳрири остида. – : ТДЮИ, 2004. – Б. 3.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори // www.lex.uz.

⁴ Гунин Д.И. Транспарентность и тайна информации: теоретико-правовой аспект: автореф. дис. ...канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2008. 29 с.

⁵ Конвенция о защите прав человека и основных свобод (Рим, 4 ноября 1950 г.) ; Международный пакт о гражданских и политических правах (Нью-Йорк, 19 декабря 1966 г.). Доступ из информ.-правовой системы «Гарант»

⁶ Конвенция о защите прав человека и основных свобод (Рим, 4 ноября 1950 г.) ; Международный пакт о гражданских и политических правах (Нью-Йорк, 19 декабря 1966 г.). Доступ из информ.-правовой системы «Гарант»



Дўстқориев Музаффар Бойбўтаевич,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг кафедра бошлиғи в.б.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ОДИЛ СУДЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХС СИФАТИДА ГУВОҲНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- ◆ *Мазкур мақолада одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида гувоҳнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, гувоҳ кўргазмаларининг фуқаролик ишлари кўрилишида далил сифатидаги аҳамиятига оид фикр-мулоҳазалар келтирилган.*
- ◆ *В данной статье приведены мнения относительно правового статуса свидетеля в гражданском процессе как лица, содействующего осуществлению правосудия, а также его прав и обязанностей, значения свидетельских показаний как вида доказательства при рассмотрении гражданских дел.*
- ◆ *This article contains opinions and arguments on the legal status of the witness as a person, contributing to the administration of justice, rights and duties of him, as well as the importance of the testimony as a type of evidence in consideration of civil cases.*

Калит сўзлар: гувоҳ, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, иш натижасида юридик жиҳатдан манфаатдорлик, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, гувоҳ кўргазмалари, хабарлар, далиллар.

Ключевые слова: свидетель, лица, содействующие осуществлению правосудия, юридическая заинтересованность от исхода дела, правовой статус, права и обязанности, свидетельские показания, сведения, доказательства.

Key words: witness, persons contributing to the administration of justice, legal interest, legal status, rights and obligations, witness's testimonies, information, evidence.

Барчамизга маълумки, юртимизда ҳуқуқий соҳада ислохотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишида судлар мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва судларнинг одил судлов функциялари сифатини тубдан яхшилашга оид тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда барчамиз гувоҳи бўлаётган ижобий ўзгаришлар ушбу ҳаракатларнинг жамият ва давлат ҳаёти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Қайд этиш жоизки, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мавқеини янада мустаҳкамлашдан, уларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги ролини оширишдан туриб, суд тизимини ислох қилиб бўлмайди. Амалдаги Фуқаролик-процессуал Кодексда (кейинги матнларда — ФПК) алоҳида белгиланган “Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар” деб номланувчи бўлим-

да процесс иштирокчилари орасида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлган гувоҳлар ва уларнинг кўргазмалари одил судловни амалга оширишда устувор аҳамиятга эгадир.

Амалдаги ФПКда гувоҳнинг ҳуқуқий мақомига оид норма 56-моддада акс эттирилган. Гувоҳнинг мажбурияти ва жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар асосан Кодекснинг фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари деб номланувчи 6-бобида мужассамланган. Ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкинлиги қонун нормаси мазмун-моҳиятидан кўринади. Таъкидлаш жоизки, бу нормада «гувоҳ» тушунчасига дефинитив (аниқлик киритувчи, ёритиб берувчи) тарзда таъриф берилмасдан, ушбу тоифадаги шахсларга кимлар кириши мумкинлиги ҳақида маълумот берувчи ҳуқуқий қоида акс эттирилган, холос.

Қатор хорижий мамлакатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида “гувоҳ” тушунчасига унинг иш бўйича у ёки бу тарзда одил судловга кўрсат олиши мумкин бўлган ёрдам функциясидан

келиб чикиб таъриф берилган. Масалан, Англияда гувоҳ муайян ҳодиса шохиди бўлган ва низоли фактни тасдиқлай ёки инкор қила оладиган муайян ахборотга эга бўлган шахсдир¹. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, гувоҳ — бу, асосан, муайян фактнинг шахсан шохиди бўлган шахс².

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ФПКда гувоҳ ҳуқуқий мақоми ва гувоҳлар доирасига кирувчи шахсларга оид айрим нормаларни хорижий давлатлар қонунчилиги билан таққослаб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлаймиз. Гарчи амалдаги ФПКда қонун чиқарувчи “ҳар қандай шахс” тушунчасини ишлата туриб, гувоҳ тариқасида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар доирасини чекламаган бўлса-да, бошқа тарафдан, айрим тоифадаги шахсларнинг гувоҳ сифатида қақрилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги ҳақидаги қонидани белгилайди. Хусусан, қонунга кўра, вакил, ҳимоячи ёки адвокат вазифаларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида — фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича вакиллар ёки жиноят иши бўйича ҳимоячилар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича адвокатлар; жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатувлар беришга лаёқатсиз шахслар юқоридаги тоифага мансубдир.

Шунга ўхшаш чекловлар бир қатор мамлакатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Россия Федерацияси ФПКга мувофиқ, юқоридаги тоифа шахслардан ташқари, қўшимча равишда, давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотлар хизматчилари — ўзларига ишониб айтилган ҳолатлар ҳақидаги хабарлар (исповедь) юзасидан; арбитр (ҳакамлик судьяси) — ўзига арбитраж (ҳакамлик муҳокамаси) жараёнида маълум бўлган ҳолатлар юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмас³.

Украина фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур тоифага кирувчи шахслар мумкин қадар умумлаштирилган. Яъни, қонунга мувофиқ ўз хизмат ёки касбий ҳолати юзасидан ўзларига ишониб тақдим қилинган маълумотларни сир сақлаши лозим бўлган шахслар, шунингдек, профессионал судьялар, халқ маслаҳатчилари, ҳакамлар — иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқаришда маслаҳат хонасида муҳокама қилинган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин эмас⁴.

Бир қатор хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг ёши бўйича чекловлар белгиланмаган (масалан, АҚШ, Англия). Шундай бўлса-да, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси мумкин қадар аниқ кўрсатилган. Хусусан, Франция қонунчилигига кўра, вояга етмаган шахслар, беморлар, суднинг фикрича, ёши ёки соғлиги ҳолатига

кўра кўргазма бериш учун етарли бўлган хотирага эга бўлмасалар, ўзларига берилган саволлар моҳиятини тўғри англаб етмасалар ва уларга ҳаққоний жавоб бера олмасалар, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинмайдилар. Шунингдек, муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар ҳам сўроқ қилинмайдилар, уларнинг тушунтиришларидан фақатгина суд томонидан қасамёдсиз, судни қизиқтирган маълумотни олиш учун фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри туташ қариндошлик алоқаларига эга бўлган шахслар ҳам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинмайдилар. Масалан, эрхотиндан бири, гарчи улар ажралиш ҳолатида бўлсалар ҳам, кўргазма беришдан бош тортиш ҳуқуқига эгадирлар⁵. Қизиғи шундаки, бу чекловнинг рўйхати ҳали бу билан тўлиқ тугалланмайди.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда гувоҳ сифатида иштирок этиш учун талабларни қонун мазмунидан ҳам кўриш мумкин. Профессор М.Мамасиддиқовнинг фикрича, фуқаролик процессида гувоҳ сифатида иштирок этиш учун қонун бир қатор талабларни илгари суради: гувоҳ бўладиган фуқаро рўй берган ҳодисаларни ўзлаштиришга, ёдида сақлашга ва сўнгра улар тўғрисида маълумотлар беришга қобилиятли бўлиши керак. Бирор-бир фактни, иш ҳолатини тўғри қабул қилиш, ёдда сақлаш ва бу тўғрида судда тўғри маълумотлар бериш учун гувоҳнинг сезги органлари нормал бўлиши керак. Аммо бу органлардан бирида нуқсон бўлиши, ҳодисани ўзлаштиришга яроқсиз бўлиши, унинг бошқа сезги органлари билан қабул қилинган фактлар тўғрисида маълумот беришга тўсқинлик қилмайди. Масалан, кўзи ожиз фуқаро кулоғи билан эшитганлари тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин⁶.

Фуқаролик процессида гувоҳ сифатида иштирок этаётган шахснинг жисмоний ёки руҳий нуқсонлари ҳақида сўз кетар экан, уларнинг амалий аҳамияти бир қанча мунозарали эканлигини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, қандайдир жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс фактларни тўғри қабул қила олиши ҳамда уларни моҳиятан ҳаққоний баён этиши мумкин. Бундай ҳолатда шахсни жисмоний ёки руҳий камчиликлари борлиги асосида гувоҳ тариқасида иштирок этишдан четлатиш қонуний ва асослантирилган деб ҳисобланмайди. Бошқа тарафдан эса, қонунда шахсни юқорида кўрсатилган асослар билан процессда гувоҳ сифатида иштирок этишдан четлатишнинг муайян механизмлари кўзда тутилмаган. Суд, агар шахсдаги жисмоний ва руҳий камчиликлар яққол кўзга ташланувчи ва аниқ бўлган ҳоллардагина гувоҳ кўргазмаларини шубҳа остига олиши мумкин.

Шахс билан у гувоҳ бўлган ҳолат ўртасидаги бевосита алоқанинг бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан шахснинг гувоҳ сифатида кўргазма бера олишга ваколатлиги ҳам, фикримизча баҳсли-

дир. Масалан, иш юзасидан муайян ҳолатлар ҳақида хабардор бўлган шахс ҳар доим ҳам бундай ҳолатнинг бевосита шоҳиди бўлмаслиги мумкин. Бироқ, айрим давлатлар, хусусан, АҚШ қонунчилигига мувофиқ, бошқа шахслар сўзлари асосида иш бўйича гувоҳлик бериш тақиқланган (Hearsay Rule). Бу эса, албатта, гувоҳлар кўргазмаларининг ҳаққоний ва биринчи манбадан олинганлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилигидаги меъёрларнинг хилма-хиллиги эътиборни ўзига қаратади. Масалан, Англия фуқаролик процессуал қонунчилигининг ўзига хос жиҳати сифатида шуни кўриш мумкинки, ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бирор-бир маълумотга эга бўлган ҳар қандай шахс судда гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Бундай шахслар нафақат илгари содир бўлган ҳодисаларнинг бевосита шоҳиди бўлган шахслар, балки, ушбу ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб, гувоҳ сифатида том маънодаги гувоҳлар — содир бўлган ҳолатларнинг ташқаридан гувоҳи бўлган шахслар, низоланувчи тарафлар ва ҳатто экспертлар ҳам бўлиши мумкин⁷.

Айрим олимларнинг фикрича, гувоҳ сифатида нафақат у ёки бу ҳодиса вақтида шахсан ўзи иштирок этган шахс, балки, бу ҳақда бошқа шахслар сўздан хабардор бўлган шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Бироқ гувоҳ сифатида хабар берилган маълумотлар, агар у ўзи хабардор бўлган маълумот манбаини кўрсата олмаса, кўргазмалар далил сифатида эътироф этилмайди.⁸

Умумий қоидага кўра, гувоҳлар кўргазмалари асосан улар томонидан шахсан гувоҳи бўлган, улар шахсан кўрган ёки эшитган ҳолатларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Бироқ, амалиётда судлар гувоҳлар бошқа манбалардан, масалан, бошқа шахслардан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ҳам ҳисобга оладилар.

Баъзи адабиётларда гувоҳ кўргазмалари турли хил асосларга кўра турларга бўлинган. Масалан, М.А.Фокинанинг таъкидлашича, гувоҳлар кўргазмаларини уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уч гуруҳга бўлиш мумкин: маълумот-ахборотлар; фикрларни ўз ичига олувчи хабарлар; хабар берувчи гувоҳлар кўргазмалари. Муаллифнинг фикрича, маълумот-ахборотлар одатда, низоланувчи тарафлар ўзаро муносабатлари ва ҳуқуқий алоқалари билан таниш бўлмаган гувоҳлар томонидан берилади, сабаби улар суднинг ишни тўғри ҳал қилиши учун аҳамиятга эга бўлган қандайдир бир ёки бир неча фактларни баён қилиш билан чегараланадилар. Бундай кўргазмалар у ёки бу ҳолатлардан тасодифан хабардор бўлган шоҳидлар томонидан берилади⁹.

Шундай бўлса-да, фуқаролик ишларини кўриш

жараёнида гувоҳлар кўргазмалари, фикримизча, суд томонидан, аввало, исботлаш воситаси сифатида баҳоланмоғи лозим. Бунда асосий эътибор нафақат гувоҳнинг шахси ва унинг ҳуқуқий мақомига, жисмоний ва руҳий ҳолатига, шунингдек ишни кўриш жараёнидаги аҳамияти ва уларнинг асослилигига қаратилмоғи лозим. Гувоҳлар кўргазмалари, шунингдек, ишнинг фактик ҳолатларидан келиб чиқиши керак.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор олимларнинг фикрича, гувоҳнинг одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатидаги процессуал ҳолати ва фаолияти фуқаролик процессида императив усулда тартибга солинади. Масалан, гувоҳ белгиланган вақтда судга келиш ва ҳаққоний кўргазмалар беришга мажбурдир.¹⁰

Бундай қоида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57-моддасида мавжуд. Қайд этиш жоизки, гувоҳнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги бир қатор ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Хусусан:

1) агар гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд чақируви бўйича келмаса, шунингдек кўрсатувлар беришдан бўйин товласа, у Кодекснинг 146-моддасида белгиланган тартибда, яъни, энг кам иш ҳақи (оклад)нинг беш баробаригача бўлган миқдорда жаримага тортилиши мумкин. Бунда жарима солиниши гувоҳни судга келиш ва кўрсатувлар бериш мажбуриятидан озод этмайди;

2) била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун гувоҳ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Айрим МДХ давлатлари қонунчилигида гувоҳнинг кўргазмалар бериш борасидаги мажбуриятлари юзасидан истисно қоидалар белгиланган.

Жумладан, Россия Федерацияси ФПКнинг 69-моддасига кўра, гувоҳ сифатида кўргазма беришдан қуйидаги шахслар бош тортиш ҳуқуқига эгадирлар:

- фуқаро ўзига нисбатан;
- эр-хотинлар бир-бирига қарши, шу жумладан, фарзандликка олинган болалар ота-оналарига, фарзандликка олганларга нисбатан, ота-оналар, фарзандликка олганлар болаларига, шу жумладан, фарзандликка олинган болаларга нисбатан;
- ака-ука, опа-сингиллар, бир-бирига нисбатан, бобо, бувилар набираларига нисбатан ва набиралар бобо ва бувиларига нисбатан;
- қонун чиқарувчи органлар депутатлари депутатлик ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ўзларига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан;
- Бола ҳуқуқлари бўйича Россия Федерацияси Президенти Вакили, бола ҳуқуқлари бўйича Россия Федерацияси субъектларидаги вакиллар

— ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда ўзларига аён бўлган маълумотлар юзасидан;

– Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Россия Федерацияси Президенти Вакили, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Россия Федерацияси субъектларидаги вакиллар — ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда ўзларига аён бўлган маълумотлар юзасидан¹¹.

Украина Республикаси ФПКнинг 52-моддасига кўра, жисмоний шахс ўзига нисбатан, оила аъзолари ёки яқин қариндошларига нисбатан (эр, хотин, ота, она, ўғай ота, ўғай она, ўғил, қиз, тутинган ўғил, тутинган қиз, ака-ука, опа-сингил, бобо, буви, набира, фарзандликка олган ёки фарзандликка олинган, ҳомий ёки васий, ҳомийлик ёки васийлик ўрнатилган шахс, ушбу шахсларнинг оила аъзоси ёки яқин қариндоши) кўргазма беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Кўргазма беришдан бош тортувчи шахс ўз ҳаракатларининг сабабини маълум қилиши шарт¹². Аналогик нормалар бошқа МДҲ ва дунё мамлакатлари қонунчилигида ҳам мавжуд.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ, шахс ўзининг яқин қариндошларига нисбатан кўргазма беришдан бош тортганлик учун жавобгарликдан озод қили-

нади. Фуқаролик ишлари бўйича берилган гувоҳлар кўргазмалари жиноят ва маъмурий суд ишлари бўйича берилувчи кўргазмалардан камроқ аҳамиятли деб бўлмайди. Шунга кўра, гувоҳлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ҳуқуқий нормалар турли суд иш юритувлари ичида ўзаро фарқ қилмаслиги лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, гувоҳ суд ишни тўғри кўриб ҳал қилиши учун муҳим бўлган маълумотларни бевоқиф ёки билвосита шохиди бўлишидан қатъи назар, ўзининг процессдаги ҳолати бўйича иш кўрилишидан бирор-бир юридик манфаатдорликка эга бўлмаган шахс ҳисобланади. Айнан шу белгисига кўра, гувоҳларнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий мақомини янада мустақамлаш, уларнинг одил судловни амалга оширишга кўмаклашув функцияларини янада кучайтириш, гувоҳлар кўргазмаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун амалдаги процессуал нормаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, бу борадаги хориж қонунчилигини ўрганиш жараёнида аниқланган ижобий жиҳатларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш одил судловга кўмаклашиш институтининг янада тараққий топишига ва самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади, деб умид қиламиз.



¹ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 221-бет.

² Ўша манба, 293-бет.

³ http://www.consultant.ru/document/cons_doc.

⁴ <http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/>

⁵ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 131-бет.

⁶ Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма/ М.М. Мамасиддиков. – Тошкент: Baktria press, 2014. 140-бет.

⁷ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 221-бет.

⁸ Гражданское процессуальное право России. Под ред. П.В. Алексия и Н.Д.Амаглобели. – М.: Закон и право, 2005. 178-бет.

⁹ Фокина М.А. Свидетельские показания в состязательном гражданском судопроизводстве. – Саратов, 1996. — С. 60.

¹⁰ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. 100-бет.

¹¹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc.

¹² <http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/>

Мирзаев Фахритдин Зиятович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

Каримов Бобур Зокиржонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси иш юритувчиси

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАКТИКАСИ

◆ Мақолада бедарак йўқолган шахс юзасидан терговга қадар текширувнинг хусусиятлари, ушбу тоифадаги ишларни тергов қилишнинг дастлабки босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари доираси, шунингдек, бедарак йўқолган шахснинг жиноят қурбони бўлганлигини кўрсатувчи белгилар ҳамда ушбу жиноят юзасидан ишлаб чиқиши мумкин бўлган тергов тусмоллари муҳофаза қилинади.

◆ В статье рассматриваются особенности доследственной проверки заявлений связанных с безвестным исчезновением лица, а так же признаки, свидетельствующие о том, что исчезнувший стал жертвой преступления; круг следственных действий и оперативно-розыскных мероприятий, проводимых на начальном этапе расследования дел данной категории, а также указания на то, что без вести пропавший является жертвой преступления, и версии следствия, которые могут быть разработаны в связи с преступлением.

◆ The article discusses the features of the pre-investigation verification of allegations of a person's disappearance, as well as signs that the disappeared was a victim of a crime; the range of investigative actions and operational search measures carried out at the initial stage of the investigation of cases of this category, as well as indications that the missing person is a victim of a crime, and versions that may be developed in connection with the crime.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, шахснинг бедарак йўқолиши, шахс тўғрисидаги маълумотлар, жиноий иш кўзга тушиб кетган асослар, тергов тусмоллари, тергов ҳолати, вазиятни яхши биладиган шахс.

Ключевые слова: доследственная проверка, безвестное исчезновение человека, информация о личности, основания возбуждения уголовного дела, версия расследования, статус расследования, лицо, хорошо осведомленное о ситуации.

Key words: pre-investigation check, unknown disappearance of a person, information about the person, grounds for initiating a criminal case, version of the investigation, status of the investigation, person well aware of the situation.

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Бугун юртимизда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, шахсий мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, айниқса қасддан содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш, тергов қилиш ва олдини олиш амалиёти ўрганилганида, бу турдаги жиноятлар фош этилмаслигининг асосий сабаблари сифатида ходиса тўғрисидаги хабарлар кеч тушиши, хабар юзасидан ўз вақти-

да чора кўрмаслик ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқлиги аниқланди.

Масалан, сўнги 3 йилда 1.273 та қотиллик жиноятлари қайд этилган бўлиб, уларнинг 30 таси фош этилмаган. Бундан фуқароларнинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ жиноятлар улуши 34 та ёки 2,6 % ни ташкил этган. 2019 йилнинг 11 ойи мобайнида республикада 337 та қотиллик жиноятлари қайд этилган бўлиб, улардан 7 таси (2 %) шахснинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу турдаги жиноятни аниқлаш ва тергов қилишда қийинчиликларга дуч келиши табиийдир. Ушбу тоифадаги кўплаб жиноятлар нафақат очилмаган, балки умуман аниқланмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса бундай жиноятларни тергов қилиш учун етарлича талабларга мослаштирилган методологиянинг йўқлиги билан изоҳланиши мумкин. Бундан ташқари, жабрланувчининг ғойиб

бўлиши унинг ўлдирилиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар билан жиноят ишини қўзғатиш қонун талабларига зиддир.

А.Н.Васильевнинг фикрича, “терговчининг дастлабки тергов ҳаракатлари терговнинг тўғри йўналиши билан биргаликда кўпинча жиноятни очишда ҳал қилувчи рол ўйнайди”¹.

Шахснинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ қотиллик жиноятлари ноаниқ шароитларда содир этилади, бу турдаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш ёки тергов қилишгача бўлган вақтнинг нисбатан чўзилиши сабабли жиноятчилар жиноятни яшириш, унинг изларини йўқ қилиш чораларини бемалол кўришга имкон топадилар. Тергов ва суд амалиётида ушбу қотилликлар тоифасини муваффақиятли очиш ва тергов қилишга кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин. Аммо, афсуски, тергов-тезкор органлар фаолияти ҳам айрим камчиликлардан мустасно эмас. Терговчилар, тезкор ходимлар ушбу тоифадаги жиноятлар юзасидан гувоҳларни аниқлаш, ашёвий далилларни топишда катта қийинчиликларга дуч келишади. Бедарак йўқолган қотиллик жинояти қурбони бўлган шахснинг йўқ қилиб юборилиши билан боғлиқ қотилликларни фош этиш ва тергов қилишдаги камчиликлар кўплаб объектив омиллар туфайли юзага келади, улар орасида ишдаги мавжуд тергов вазиятларининг мураккаблиги, шунингдек, бундай шахсларнинг йўқолиши билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳар доим ҳам вақтида мурожаат қилмаслик, жабрланувчининг қариндоши, яқинлари бўлган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини устунлик қилиши ва йўқолган пайтдан бошлаб маълум вақтдан кейин хабар бериши каби омиллар ушбу турдаги жиноятнинг мураккаблигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, тергов ҳолатининг энг аниқ таърифи Р.С.Белкин томонидан берилган. Унга кўра, тергов жараёни билан боғлиқ тергов ҳолати асосан ташқи хусусиятга эга, шунинг учун тергов ҳолати тергов олиб борилаётган шароитлар мажмуи, яъни далилларни текшириш жараёни давом этаётган вазиятдир².

Тергов ҳолати криминалистик тактика тушунчаларидан биридир, шунинг учун тактик ва бошқа тушунчалар сингари криминалистик техникадан фойдаланиб амалга оширилади. Тергов ҳолати, биринчи навбатда, аниқ тергов ҳаракатларининг тактикасини белгилайди. Унинг баҳоси терговни режалаштиришда ўзининг ташқи ифодасини топадиган тактик қарорда амалга оширилади. Айнан шу сифатда тергов вазиятлари тактик тушунча сифатида муайян усулларни қуришда ҳал қилувчи рол ўйнайди ва умумлаштирилган ҳолда криминалистик техниканинг умумий элементларини ташкил этади³.

Тергов ҳолатини шакллантиришга таъсир қиладиган маълумотлар миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

— ўрганилаётган ҳодисанинг механизми ва изларининг атроф муҳитда пайдо бўлиши учун шароитлар;

— фойдаланилмаган далил манбалари ва кўшимча маълумотларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг барқарорлиги;

— далилларнинг йўқолиши жараёнининг интенсивлиги;

— терговчи, тергов идораси ихтиёрида бўлган керакли кучлар ва воситалар, улардан энг мақбул фойдаланиш учун вақт ва имкониятларнинг мавжудлиги;

— тергов қилинаётган воқеанинг жиноий-ҳуқуқий баҳоси⁴.

Тергов ва тезкор қидирув идоралари фаолиятидаги объектив қийинчиликлардан ташқари, ушбу тоифадаги жиноятларнинг тез ва самарали очилишига ва тергов қилинишига тўсқинлик қилувчи бир қатор субъектив омиллар ҳам мавжуд. Энг муҳим камчиликлар, бу жиноят ишларининг ўз вақтида қўзғатилмаслиги, тергов ҳолатининг нотўғри баҳоланиши, тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли олиб бормаслик ҳамда терговга қадар текширув ўтказилаётганда, бедарак йўқолган шахснинг охири марта бўлган жойи ва йўқолган шахснинг шахсий буюмлари кўпинча расмий равишда текширишлардан иборат. Бедарак йўқолган шахс ҳақида маълумотга эга бўлган шахслар юзаки сўров қилинади, бедарак йўқолган шахснинг қариндошлари, ҳамкасблари ва танишлари билан муносабатлар чуқур ўрганилмайди. Барча ҳолатларда бедарак йўқолган шахснинг фотосуратлари, бармоқ излари, сочлари, кийимлари ва биологик излари бўлган нарсалар, кейинчалик бедарак йўқолган шахсни аниқлашга имкон берувчи нарсаларни аниқлаш кўздан кечириш вақтида амалга оширилмайди. Бедарак йўқолган шахс жиноят қурбонига айланиши мумкинлиги ҳақидаги тусмол ишлаб чиқишга деярли эътибор қаратилмайди. Дастлабки тергов босқичининг асосий йўналиши бу — терговчи ва тезкор ходимлар ҳаракатларининг максимал самарадорлиги, оммавий ва шошилиш характерга эга бўлган ҳолларда далилларни жадал излаш, аниқлаш ва текширишдир⁵. Амалиёт шуни кўрсатадики, жиноятчилар ўзлари содир этган қотилликларни кўпинча одамнинг йўқолиши сифатида кўрсатишга уринадилар ва қурбонни яширишга ҳаракат қиладилар. Фараз қилиш мумкинки, бундай ҳолатлар кўпинча кўчмас мулкка эга бўлган фуқаролар, болалар, шунингдек транспорт воситалари эгалари ва тадбиркорларнинг йўқолиб қолиши билан боғлиқ бўлади.

Тергов жараёнида тергов ҳолатининг аҳамияти, унинг суд экспертизаси хулосаларидан фойдаланган ҳолда текширилишини машҳур суд экспертлари ўз ишларида бир неча бор таъкидлаганлар⁶.

Буларнинг барчаси жиноятлар тўғрисидаги ҳабарларни текшириш ва ушбу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш, терговчилар томонидан тегишли криминалистик методларни қўшимча равишда қўллаш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни сифатли ва самарали ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш амалиётини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шахснинг бедарак йўқолиши тўғрисидаги ҳабар бедарак йўқолган шахснинг йўқолган вақти ва жойи, доимий ёки вақтинча яшаш манзили ёхуд турган жойи тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шахснинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза берувчи билан суҳбат ўтказадиган ва бедарак йўқолган шахс тўғрисида хабарномани қабул қиладиган масъул шахс, ички ишлар тезкор хизмати, хизмат кўрсатиладиган ҳудудда навбатчилик қилувчилар ва бошқа мансабдор шахслар бедарак йўқолган шахсни қамоққа олинган ёки олинмаганлигини, бахтсиз ҳодисалар, номаълум мурдалар, касалхоналар, давлат санитария-эпидемиология назорат марказларининг маълумотлар базаси бўйича текшириши лозим.

Бундан ташқари, шахснинг ғойиб бўлиши ҳолатини текшириш, жиноят изларини аниқлаш, йўқолиш сабабларини ҳамда муҳим бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун тезкор хизмат ходими ҳудудий тергов бўлими терговчисининг назорати остида тергов-тезкор гуруҳининг бедарак йўқолган одамнинг охириги яшаш жойи (манзили)га зудлик билан етиб бориши ва кўздан кечириши керак. Дастлабки босқичда терговнинг энг мақбул йўналишларини танлаш жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган дастлабки материаллар ва маълумотлар билан боғлиқ. Шу сабабли, терговнинг дастлабки босқичида юзага келган вазиятлар жиноят аломатлари бўлган воқеа тўғрисида тегишли маълумот олиш манбаларига қараб фарқ қилади ва асосан жиноятнинг усули, жойи, вақти, фактлар сони, гувоҳлар, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва бошқа шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг табиати ва тўлиқлиги билан белгиланади. Демак, дастлабки тергов ҳаракатлари ва бошқа чоралар мажмуаси, тергов йўналишини танлаш нафақат ишдаги тергов ҳолати, балки унинг маълумотга бойлиги билан ҳам изоҳланади⁷.

Тергов-тезкор гуруҳи таркиби прокурор ёки терговчи, суд эксперти, ҳудуд профилактика инспектори ҳамда кинолог кабилардан иборат бўли-

ши мумкин.

Бедарак йўқолган шахснинг охириги яшаган манзилини кўздан кечиришдан мақсад бўлиб, қуйидагилар аниқлаштирилиши лозим:

— қон доғлари, мурданинг қисмлари ёки уни яшириш ва йўқ қилиш аломатлари, жиноят қуролли ва бошқалар;

— ҳодиса ҳолати (ғойиб бўлган вақтда эгнидаги кийимлари ёки баъзи буюмларнинг йўқолиши, бундан мақсад — мурдани таниб олишга ёрдам берадиган излар ва нарсаларни аниқлаш);

— бедарак йўқолган шахснинг бармоқ излари (бунинг учун меҳел, ошхона анжомлари ва ҳоказоларда уларнинг энг кўп тегиниш мумкин бўлган жойларидан аниқланилади);

— сочлари (ёстиқлардан, бедарак йўқолган шахс ишлатган тароқларидан);

— биологик тадқиқотлар учун эскирган кийимлар, бош кийимлар, пойабзал;

— қўлёзма ва имзолар намуналари, кундаликлар, ҳужжатлар, расмий ва бошқа тавсифлар, тиббий ҳужжатлар, айниқса рентген нурлари каби;

— бедарак йўқолган шахснинг сўнги вақтларда олиб борган ёзишмалари;

— фотосуратлар (охириги марта эгнида бўлган кийимда суратга тушган бўлиши мумкин).

Агар бедарак йўқолган шахснинг номидан тилхат ёки эслатмалар топилса, иш жойида ёки хизмат жойида унинг қўл ёзуви ва имзоларининг асл намуналарини (қўлда ёзилган ҳужжатлар, автобиография, ҳисоботлар, тушунтириш хатлари, иншолар, маърузалар ва дафтарлар шунингдек, дўстларга ёзилган хатлар ва бошқалар)ни аниқлаб ва олиб қўйиш чоралари қўрилади.

Бундай ҳолатда терговчи бу жойда бедарак йўқолган шахсга қарши жиноят содир этилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тусмолга асосланиши керак ва текшириш мақсади шунчаки яшаш шароитларини яхшилаш эмас, балки жиноят изларини аниқлаш, қайд этиш, шунингдек ашёвий далилларни топиш ва талаб қилиб олишдан иборат бўлиши лозим.

Текширув давомида криминалистик техник воситалар: фото ва видеокамера, металл детектор, газ анализатори, ерга кириб борувчи радар ва бошқалардан фойдаланиш лозим. Белгиланган барча ҳолат ва нарса-буюмлар ёки уларнинг мавжуд эмаслиги воқеа жойини текшириш баённомасида акс эттирилиши керак, жадвал ва фотосуратлар албатта баённомага илова қилиниши шарт. Шунингдек, баённомада бедарак йўқолган шахс ўзи билан олиб юрадиган нарсаларининг (ҳужжатлар, соатлар, кўзойнақлар, линзалар, протезлар ва бошқалар) мавжудлиги ёки йўқлиги акс эттирилиши керак. Сўнги (яшаш, турар) жойидан ташқари, бедарак йўқолган шахс яшаган хоналар, унинг

дала ҳовлиси, гаражи, шахсий участкаси, ҳовли, бинолари кўздан кечирилиши ҳамда ушбу жойларда янги қазилган ва таъмирланган жойларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Автоуловлар (шу жумладан, расмий транспорт воситалари); офис, иш жойи; бедарак йўқолган шахсни йўқолишидан олдин охириги марта бўлган жойи (агар маълум бўлса); агар зарур бўлса, бошқа бинолар ва майдонлар кўздан кечирилади. Бундан ташқари, бедарак йўқолган шахснинг қариндош ва танишларига тегишли дала ҳовли, гараж, шахсий участка, хонадон ва биноларни ҳам кўздан кечириш тавсия этилади.

Агар бедарак йўқолган шахсга нисбатан қотиллик жинояти содир этилганлиги аниқланмаган бўлса, темир йўл вокзаллари, дўконлар, қабулхоналар ва муассасаларнинг коридорлари, гавжум ҳудудлар, кўчалар кесишган жойлар ва ҳоказо каби жамоат жойларини текширишдан аввал чуқур таҳлил қилиш зарур, чунки бу ҳаракат бедарак йўқолган шахс тирик ҳолда бирор мақсад учун олиб кетилган бўлса, жиноятчининг таҳликага тушиши натижасида бедарак йўқолган шахснинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Агар шахс бедарак йўқолган бўлса ва ҳаракат йўналиши маълум бўлса, майдон маълум бўлган ҳаракат йўналиши бўйича бирлаштирилади. Жасадни яшириш мумкин бўлган қудуқлар, ўрмонлар, экинзорлар, подвал, чодир ва бошқа жойлар, текширилади.

Шахснинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза берувчи билан суҳбат давомида учта фактнинг аниқланиши жуда муҳим ҳисобланади:

а) шахс бедарак йўқолишининг сабаблари (таҳминий сабаблар) мавжудлиги;

б) бедарак йўқолган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

в) бу шахс ҳақида қўшимча маълумот олиш мумкин бўлган манбалар тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу ҳолатлардан ҳар бир ҳолатнинг батафсил изоҳланиши вазият ва иш билан боғлиқ шахслар доирасини янада аниқроқ чегаралашга, содир бўлган ҳолат бўйича аниқ тусмолларни ишлаб чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, бу маълумотлар, шахс бедарак йўқолганлиги ҳақида арз қилувчи ёки бошқа гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги номувофиқлик ва ҳар қандай далилларни яшириш ёки бузиб кўрсатишларини аниқлаш учун муҳимдир. Шу билан бирга, тергов ҳолатини таҳлил қилиш ва терговнинг дастлабки босқичида тергов ҳаракатлари доирасини танлашда муаммонинг амалий нуқтаи назаридан субъектив омилни — терговчи гувоҳлар, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг касбий фазилатларини, шунингдек хулқ-атворини эътиборсиз қолдириши мумкин эмас⁸.

Жиноят ишини қўзғатиш учун асос қидирилаётганда бедарак йўқолган шахс жиноят қурбони бўлганлигини кўрсатувчи бир қатор белгилар мавжуд, хусусан:

— шахснинг номаълум томонга кетиш ёки уй-жойини бирон бир сабабсиз ва узоқ вақт давомида ўзгартириш истаги борлигини кўрсатадиган объектив маълумотларнинг йўқлиги;

— вақт ва маконда тўсатдан ўлимга, хотирани йўқотишга олиб келадиган касалликнинг йўқлиги;

— яшаш ёки хизмат жойида йўқолган шахсий ҳужжатлари, нарсалари (кийим-кечак, шахсий гигиена буюмлари) ва пуллар, уларсиз узоқ вақт юра олмайдиган нарсалар;

— жиноятчиларнинг эътиборини жалб қилиши мумкин бўлган муҳим пул маблағлари ёки бошқа бойликлар йўқолганлиги;

— шахснинг транспорт воситаси билан бирга гойиб бўлиши;

— бедарак йўқолган шахснинг алоқа воситаларидан узоқ вақт фойдаланилмаганлиги (шу жумладан, телефон аппарати);

— мулк, мерос билан боғлиқ низоларнинг мавжудлиги;

— бедарак йўқолган шахснинг охириги яшаган жойида жиноят содир этилиши мумкинлигини кўрсатувчи излар ва манбаларнинг мавжудлиги;

— уйда, ишда, ижтимоий фаолияти, қарз ёки кредит мажбуриятлари муносабати билан боғлиқ низолар, бедарак йўқолган шахсга таҳдидлар ва бошқалар.

Юқоридаги рўйхат тўлиқ эмас албатта, уни амалий фаолият жараёнида ёки маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бошқа ҳолатлар билан ҳам тўлдириш мумкин.

Ушбу ҳолатларда тергов органлари ходимлари тегишли криминалистик ва тергов амалиётини мунтазам ўрганиши ва умумлаштириши ҳамда ушбу тоифадаги ишларни тергов қилишни чуқур таҳлил қилиши, ишни бажариш усулларини тўғри ажратиши, жиноятчи ҳаракатларининг табиатини тасаввур қила олиши лозим бўлади. Шундай қилиб, тергов хатоларининг асосий сабабини — дастлабки тергов муаммоларини ҳал қилишда терговчи томонидан зарур билимларнинг йўқлиги ташкил этади.⁹

Шахснинг бедарак йўқолиш таҳминларни оқилона ишлаб чиқиш ва жиноят аломатлари борлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун мантикий боғлиқ бўлган маълумотларни умумлаштириш керак. Тезлик билан қилинган ҳаракатларнинг натижалари, жиноят ишини вақтида қўзғатишга ёки барча ҳолатлар аниқланмагунча, терговга қадар текширувни давом эттиришга имкон беради. Ҳаракатлар натижасида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи камида битта белги ёки

маълумот топилган тақдирда жиноят ишини кечиктирмасдан қўзғатиш лозим бўлади.

Терговга қадар текширувда ҳам дастлабки тергов давомида ҳам бедарак йўқолган шахсга алоқадор бўлган қариндошлари, дўстлари, танишлари ва бошқа шахслар сўров қилинади. Сўров натижасида юқоридаги ҳолатлар аниқланади. Олинган натижалар асосида қариндошлик ва дўстлик схемалари тузилади, улар материалга бириктирилади. Йўқолган шахснинг турган жойини аниқлаш бўйича кейинги тадбирлар давомида барча аниқланган шахслар сўров қилинади.

Бедарак йўқолган шахсни ёки унинг мурдаси турган жойни аниқлаш, тавсифловчи материаллар олиш учун терговчи қуйидагиларни амалга оширади:

1) жиноят қидирув бўлими ва ИИБ тезкор ходимларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш учун суриштирув органига кўрсатмалар беради:

— топилган шахси номаълум бўлган мурдаларнинг ҳисобларини (ўликхона — фуқароларни якуний рўйхатдан ўтказиш жойи) текшириш;

— маҳаллий, ҳудудий ва халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг маълумотлари билан солиштириш;

— бедарак йўқолган шахсни меҳмонхоналардан, дам олиш масканлари каби жойлардан текшириш;

2) қуйидаги ташкилотларга сўровномалар юбори:

— нотариал идораларга, (кўчмас мулкни рўйхатга олиш идорасида, нотариуслардан мол-мулк тўғрисида ва уни олиб қўйиш ёки топшириш бўйича битимлар, йўқолган шахсга тегишли васиятномалар, ҳада шартномалари мавжудлиги тўғрисида маълумот олиш);

— транспорт воситаларини йўқолганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш тўғрисида маълумот олиш учун йўл патрул хизматининг рўйхатга олиш базасига; (унинг номига рўйхатдан ўтган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш; ғойиб бўлганидан кейин унинг йўл-транспорт жараёнида иштирок этиши, номаълум мурдалар билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида маълумотлар олиш);

— темир йўл ва авиакомпанияларнинг ахборот марказига (навбатдан ташқари чипта олишга уринишлар, бўш ўринларга рўйхатдан ўтганлар каби маълумотларни олиш);

— тегишли миграция ташкилотларига (бошқа минтақада вақтинча рўйхатдан ўтиш тўғрисида маълумот олиш учун ҳудудий ва қўшни минтақаларнинг миграция хизмати);

— чегара қўшинларига (давлат чегарасини йўқолган шахслар билан кесиб ўтиш мумкинлиги

тўғрисида);

— фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, йўқолганларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгариши ҳақидаги маълумотлар, талаб қилинмаган мурдаларни давлат ҳисобидан кўмиш тўғрисида маълумот нусхаларини олиш);

— пенсия жамғармаси ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига (шахснинг бедарак йўқолганидан кейин пенсия олинган ёки олинмаганлигини текшириш);

— суғурта компанияларига йўқолган шахснинг ҳаёти ва унинг мол-мулкни суғурта қилинган ёки қилинмаганлиги тўғрисида;

— уй-жой коммунал хизматларига (коммунал тўловлар йўқолгандан кейин тўланганлигини ёки тўловларни ким томонидан амалга оширилишини аниқлаш учун);

— банкларга (мавжуд ҳисобварақлар ва улар бўйича пул маблағлари оқими);

— рўйхатга олинганлик ҳолати бўйича неврологик, наркологик, дерматовенерологик диспансерларга;

— барча уяли алоқа компанияларига (абонент рақами ва мобил телефонини IMEI коди орқали шахснинг фойдаланувида бўлган телефон қурилмасини аниқлаш).

Суриштирув органига бедарак йўқолган шахс йўқолгунга қадар ва ундан кейин унинг телефон сўхбати тафсилотларини, шунингдек, охириги алоқа вақти ва жойини алоқа операторларидан олиш тўғрисида сўровномалар юборилиши лозим.

Агар бедарак йўқолган шахснинг транспорт воситаси йўқолган бўлса, автомобил тўхташ жойлари, гаражлар, уйнинг ҳовлиси, пуллик тўхташ жойлари, иш жойи яқинидаги автоулов тўхташ жойи, такси ҳайдовчилари доимий тўхтаб турадиган жойлар (агар бедарак йўқолган шахс ҳайдовчилик билан шуғулланган бўлса) ва бошқа жойлар текширилиши мақсадга мувофиқ. Бедарак йўқолган шахснинг автомашинаси топилган тақдирда унинг махсус белгилари, етказилган зарар, машина жиҳозлари, қимматбаҳо буюмлар, доимий равишда машинада бўлиши мумкин бўлган нарсалар ва шахснинг касбига оид буюмларни қидириш лозим бўлади. Ҳар қандай топилган нарсаси-буюмлар фото тасвирга олиниб баённомага илова қилинади.

Бедарак йўқолган шахс ва унинг яқин қариндошларининг, шунингдек ёзишмалар олиб бориши мумкин бўлган шахсларнинг почта-телеграф ёзишмаларини текшириш ва жиноятга алоқадор ҳар қандай ёзишма, ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим. Топилган ва олиб қўйилган буюм-

лар: биологик, бармоқ излари, қўл ёзуви ва бошқалар тегишли экспертиза тадқиқотларига юборилиши керак. Агар амалга оширилган ҳаракатлар натижасида бедарак йўқолган шахсга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган жасад топилса, у ҳолда мурда таниб олиш учун кўрсатилади, унинг кийимларини, буюмларини ёки уларнинг фотосуратларини, бармоқ изларини текшириш ҳаракатлари амалга оширилади.

Агар терговга қадар текширув давомида мурданинг йўқлиги ёки унинг ўлими юзасидан жиноят белгилари аниқланмаса, мурдани суд-тиббий экспертиза хулосаси билан биргаликда унга қарши содир этилган жиноят тўғрисида маълумот йўқлигини тасдиқловчи материаллар баённомага илова қилинади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, бедарак йўқолган шахс юзасидан тергов ҳаракатлари ғойиб бўлган одамнинг тирик эканлиги ҳақидаги тахминларга асосланади, чунки шахс бирон-бир сабаб (айрим шахслар билан муносабатларни тугатиш истаги, бошқа бировнинг қасос олишидан қўрқиши, жавобгарликка тортилишдан қўрқиши)га кўра ўзини ошкор қилмаслиги мумкин.

Бедарак йўқолган шахснинг жиноят қурбони (қотиллик, ўз жонига қасд қилиш, бахтсиз ҳодиса, касаллик натижасида вафот этган) бўлиши мум-

кинлиги тўғрисидаги тахминлар иккиламчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Зарур бўлганда, бедарак йўқолган шахс тўғрисида маълумот олиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бедарак йўқолган шахс қотиллик жинояти қурбони бўлиши мумкинлиги ҳақидаги маълумот олингандан кейин терговчи дарҳол жиноят иши қўзғатади ва терговга киришади. Шахснинг бедарак йўқолиши муносабати билан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича терговни режалаштириш жиноят содир этилиши билан жиноят иши очилган пайт ўртасидаги вақтлар фарқи, қотиллик содир этилган жой, унинг содир этилиш ва яшириш усуллари, шунингдек жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Зарур бўлганда, сўроқ қилинаётган шахсларга бедарак йўқолган шахсни қидириш учун кўрилган чоралар, йўқолгунга қадар ва ундан кейин гумон қилинаётган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, жабрланувчининг тирик эмаслигидан хабардор бўлган шахсларнинг ҳаракатлари тўғрисида саволлар берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу ҳаракатларнинг тўғри ва сифатли амалга оширилиши ушбу турдаги жиноятларни тез ва тўла очишга самарали таъсир кўрсатади.



- ¹ Васильев А.Н. Проблемы методики расследования отдельных видов преступлений. М., 1978. С. 47
- ² Белкин Р.С. Курс советской криминалистики: в 3 т. М., 1997. Т. 3. С. 70
- ³ Белкин Р.С. Курс советской криминалистики: в 3 т. М., 1997. Т. 3. С. 73
- ⁴ Лузгин И.М. Планирование расследования. М., 1972. 35 с.
- ⁵ Белкин Р.С. Криминалистика: (Проблемы, тенденции, перспективы: от теории к практике). М., 1988. С. 238-239
- ⁶ Лузгин И.М. Планирование расследования. М., 1972. 54 с.
- ⁷ Гавло В.К. Теоретические проблемы и практика применения методики расследования отдельных видов преступлений. Томск, 1985. С. 265
- ⁸ Филиппов А.Г. О соотношении понятий криминалистической характеристики преступлений и следственной ситуации. М., 1985. С. 71
- ⁹ Соя-Серко Л.А. Программирование расследования. М., 1980. С. 50

Довудова Дилзода Сулаймановна,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг катта ўқитувчиси

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ЮРИДИК ТАБИАТИ

- ◆ Ушбу мақолада суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорнинг функцияси, вазифаси ва ваколатлари мушоҳада қилинган ҳамда хорижий ривожланган давлатларнинг тажрибаси таҳлил қилиниб, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.
- ◆ В данной статье проведен анализ функций и полномочий прокурора, участвующего в судебном процессе, изучен опыт зарубежных развитых стран, даны предложения по совершенствованию законодательства в данной сфере.
- ◆ This article analyzes the functions and powers of the prosecutor involved in the lawsuit, studies the experience of foreign developed countries, gives suggestions for improving legislation in this area.

Калит сўзлар: суд-ҳуқуқ ислохотлари, Конституция, прокурор, давлат айбловчиси, функция, вазифа, ваколат, биринчи инстанция суди, суд жараёни, ҳуқуқ, мажбурият.

Ключевые слова: судебно-правовые реформы, Конституция, прокурор, государственный обвинитель, функция, задача, полномочие, суд первой инстанции, судебный процесс, обязанность.

Key words: judicial reform, Constitution, prosecutor, public prosecutor, functions, tasks, and powers, court of first instance, court trial, rights, obligations.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Қайд этилган суд-ҳуқуқ ислохотларида суд муҳокамасида прокурорнинг ваколатларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, жиноий суд ишларини юритишда давлат айблови айнан прокурорлар томонидан қувватланиб, бунда прокурор давлат вакили сифатида намоён бўлади. Унинг билим-савияси, ўзини тутиши, процессга тайёрлиги, далилларни текширишдаги иштироки, зийраклиги иш бўйича қандай қарор қабул қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрناк бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг XXIV боби прокуратура органлари фаолиятига бағишлан-

ган бўлиб, унинг 118-моддасига² мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида³ нисбатан аниқроқ ва асосий нормалар мустаҳкамланган.

Қонунда ушбу масалага бағишланган махсус IV бўлим мавжуд бўлиб, унда судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари белгиланган. Прокурор ваколатлари доирасига судларда ишларни кўришда иштироки, ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш, суд қарорларига протест келтириш ва протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш киритилган ва унинг умумий тартиблари мустаҳкамланган. Мазкур қоидалар барча босқич судларида иштирок этаётган прокурорларга тадбиқ этилади.

Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятининг батафсил ва кенг қамровли ҳуқуқий асоси — бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидир (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади).

ЖПКда жиноий таъқибнинг барча босқичларидаги, хусусан, судларда жиноят ишларини барча бос-

кичларда кўрилишида прокурорнинг иштироки, унинг ваколатлари батафсил баён қилинган. Мазкур босқичларда прокурорнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари ўзига хос хусусиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида⁴ прокуратура ходимининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Қонунда юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, прокурорнинг функцияси белгиланади, функция маълум бир йўналишда прокурорнинг ваколатлар доирасини аниқлаб беради.

Функция сўзи латинчадан олинган бўлиб, «functio», яъни “бажармоқ”, “ижро қилмоқ” деган маъноларни билдиради⁵.

Прокурорнинг жиноят процессидаги функцияси унинг ваколатларини, иш юритиш механизмидаги ролини, процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли жиҳатларини ва ўрнини аниқлашга имкон беради.

Прокурорнинг судга қадар иш юритишдаги функцияси билан суд жараёнидаги функцияси фарқланади. Судга қадар иш юритишда у назорат олиб борса, суд жараёнида эса давлат айбловини қувватлайди.

Бу хусусида олимларнинг турлича ёндашувлари мавжуд.

Дастлабки тергов босқичида прокурор исботлашни тергов ва суриштирув органларининг процессуал фаолиятини назорат қилиш, суд жараёнида эса давлат айбловини қувватлаш орқали амалга оширади⁶.

Ю.А.Авагимованинг фикрича, жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида прокурорнинг функцияси тергов ва суриштирув томонидан жиноий таъқиб қилишда процессуал қонун талабларига риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Барча ривожланган давлатларда бўлгани сингари жиноят ишларининг кўрилишида прокурорнинг функцияси Жиноят-процессуал кодексга асосан давлат айбловчисидир⁷.

В.А.Лазарева таъкидлашича, биринчи инстанция судида иш юритиш судгача бўлган процессга қараганда жиноят процессининг бутунлай бошқача шаклини англатади. Бунда суд ҳукмронлик қилади, прокурор — тергов органлари томонидан кўзғатилган жиноий таъқибни давом эттирадиган тенг тарафлардан биридир⁸.

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг биринчи инстанция судидаги айблов функцияси тергов босқичидаги айблов функциясидан бирмунча фарқланади, чунки дастлабки терговдаги айблов функциясининг мақсади ЖПКнинг 82-моддасига биноан айбланувчининг жиноят содир этганликда айбдорлигини тасдиқловчи далилларни тўла-тўқис тўплашдан иборат

бўлса, жиноят ишини судда кўришда айблов функцияси дастлабки тергов давомида тўпланган жиноят иши материаллари асосида суд процессида судланувчи сифатида иштирок этаётган айнан шу шахс томонидан жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далилларнинг давлат айбловчиси томонидан тақдим этилиши йўли билан айбланувчининг айбдорлигини судда текшириб чиқишга қаратилган⁹.

Н.П.Кириллованинг фикрича, суд жараёнида прокурор иккита функцияни бажаради — жиноий таъқиб ва инсон ҳуқуқлари. Давлат айбловини таъминлаш — бу жиноий таъқиб қилиш функциясини амалга ошириш шакли бўлиб, инсон ҳуқуқлари функцияси эса суд иштирокчиларининг моддий ва процессуал ҳуқуқларининг бузилиши ва уларни бартараф этишда намоён бўлади¹⁰.

О.Мадалиевнинг фикрича, прокурор давлат айбловини амалга оширар экан, шу билан биргаликда жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб ҳам қилади. Жиноий таъқиб қилишнинг муҳим ва мураккаб шакли бу — маълум бир жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватлаш ва суд қарорларини қонунийлигини таъминлашдир¹¹.

О.Мадалиевнинг прокурорнинг суд қарорларини қонунийлигини таъминлаш ҳақидаги фикри билан келишиб бўлмайди, чунки суд қарорининг қонунийлигини таъминлаш суднинг ваколати ҳисобланади.

Б.А.Тугутовнинг фикрича, прокурор суд жараёнида давлат айбловини қувватлайди, қонунийлик ва қонунийликни таъминлашни назорат қилади, бир вақтда у жиноий таъқиб прокурорнинг вазифаси эмаслигини тасдиқлайди¹². Шунингдек, прокурор суд жараёнини қонунийлигини назорат қилади, деган фикрни В.Ф.Крюков¹³ ҳам қўллаб-қувватлайди.

Б.А.Тугутов ва В.Ф.Крюковнинг прокурор суд жараёнини қонунийлигини назорат қилади деган нуқтаи назарлари билан келишиб бўлмайди.

Б.Х.Пўлатов, В.А.Лазарева, Н.П.Кириллова ва Ю.А.Авагимованинг фикрларига қўшилган ҳолда фикримизча, прокурор судда давлатнинг вакили сифатида айбловни қувватлаб, ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кўмаклашади ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Демак, прокурор суд жараёни устидан назорат олиб бормайди, ўз ваколати доирасида давлат вакили сифатида, яъни давлат айбловчиси мақоми билан иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг прокуратура органларига бағишланган бобида прокурорнинг назорат функцияси хусусидаги норма қайд этилган бўлса-да, бироқ унинг судларда прокурор ваколатини таъминлаш билан боғлиқ функцияси белгиланмаган.

Беларусь Республикаси Конституциясининг 125-моддасида прокурорнинг судларда давлат айблови-

ни қўллаб-қувватлаш ваколати белгилаб қўйилган¹⁴.

Шунингдек, Туркменистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасида прокурор судларда ишларни қонунда белгиланган асослар ва тартибда кўриб чиқишда иштирок этиши қайд этилган¹⁵.

Украина Республикаси Конституциясининг 121-моддаси¹⁶ ҳамда Молдова Республикаси Конституциясининг 124-моддасида¹⁷ прокурорнинг суд муҳокамасида давлат айбловини қувватлашга қаратилган нормалар белгиланган.

Олимлар С.Щерба, О.Зайцев, Т.Решетникова МДХ давлатлари Конституциясида прокуратура органларининг функциялари белгиланишига кўра, қуйидаги шартли уч гуруҳга ажратган:

— биринчи гуруҳга прокуратура органларининг асосий вазифаси ва унинг функциялари мустаҳкамланган давлатлар, яъни Беларусь (125-модда), Озарбайжон (133-модда), Арманистон (103-модда), Қозоғистон (83-модда), Молдова (124-модда), Қирғизистон (78-модда), Туркменистон (110 ва 111-модда) ва Украина (121-модда) Конституциялари;

— иккинчи гуруҳга прокуратура органларининг асосий функциялари мустаҳкамланган давлатлар, яъни Тожикистон (93-модда) ва Ўзбекистон (118-модда) Республикасининг Конституциялари;

— учинчи гуруҳга эса, прокуратура органларининг функция ва ваколатлари хусусида умуман сўз юритилмаган давлат, яъни Россия Федерацияси (129-модда) Конституцияси киритилган.

Хулоса ўрнида, МДХ давлатлари конституциялари қонун ижодкорлигининг асоси ва кучли ташкилий омили эканлиги, шунга кўра, конституциявий даражада прокуратура органларининг мақсад ва функцияларини белгилаган МДХ давлатлари энг тўғри йўлни танлаганлиги, бу унинг прокуратура тўғрисидаги махсус қонунларини ривожланишига замин бўлиши таъкидланган¹⁸.

Россия Федерациясининг Конституциясида прокуратура органларининг функция ва ваколатлари хусусида сўз юритилмаганлигини бўшлиқ сифатида баҳолашган. Хусусан, Б.А.Тугутов ва Д.И.Прушинский фикрича, Россия Федерациясининг Конституцияси матнига алоҳида бўлим киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади ва унга прокуратура органларининг асосий функциялари ва ваколатларини, шу жумладан судлардаги функциялари, унинг фаолиятининг асосий принциплари, ходимларнинг мақоми, уларнинг дахлсизлиги кафолатлари ва бошқа нормаларни белгилаш зарурлиги ҳақида фикрларни илгари суришади¹⁹.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига прокурорнинг суд муҳокамаларида иштироки билан боғлиқ функциясини мустаҳкамлаш лозим.

И.С.Курышовнинг фикрича, прокурорнинг жиноят процессидаги ваколатлари унинг барча босқичларига тааллуқли, аммо уларнинг табиати ва ҳажми турлича²⁰.

Дарҳақиқат, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини таъ-

минлашнинг ўзига хос махсус нормалари ЖПКда белгиланган. Айнан мазкур босқичда прокурор давлат айбловчиси сифатида намоён бўлади. Бироқ, ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур босқичда прокурор ваколати, давлат айбловчиси ҳақидаги тушунчаларга таъриф берилмаган ҳамда унинг процессуал мақоми аниқ белгиланмаган.

Прокурор ваколатлари ва давлат айбловчиси тушунчаси, унинг процессуал мақоми хусусида фикр юритишдан аввал биринчи инстанция суди ва унда жиноят ишларини юритиш тушунчаси хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ЖПКда ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунда²¹ ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноси берилмаган.

Айрим давлатлар ЖПКда қўлланиладиган асосий тушунчаларга таърифлар берилган алоҳида модда мавжуд бўлиб, унда биринчи инстанция суди, прокурор, давлат айблови, давлат айбловчиси тушунчаларига таърифлар белгиланган.

Хусусан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 5-моддаси 52-бандида²², “биринчи инстанция суди — жиноят ишини моҳиятига кўра кўриб чиқадиган ва ҳукм чиқаришга ваколатли, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида жиноят ишлари бўйича қарорлар қабул қиладиган суд” — деб таърифланган.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 6-моддаси 22-бандида биринчи инстанция суди — тарафлар иштирокида суд томонидан далилларни бевосита кўриб чиқиш натижасида жиноят ишининг моҳияти бўйича қарор чиқарадиган суд босқичи эканлиги қайд этилган²³.

Фикримизча, юқоридаги давлатлар қонунчилигида берилган таърифлар биринчи инстанция судининг барча ваколатларини қамраб олмаган. ЖПКга қонунчиликда қўлланиладиган асосий тушунчаларга таърифлар берилиши ва улар алоҳида моддада мустаҳкамланиши лозим.

Худди шу каби таърифлар Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 7-моддаси²⁴ ҳамда Беларусь Республикаси ЖПКнинг 6-моддаси²⁵ тегишли бандларида берилган.

Фикримизча, биринчи инстанция суди ЖПКда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, жиноят ишини судловга тегишлилиги бўйича юборишга, уни моҳиятига кўра кўриб чиқишга ва суд терговини олиб боришга ҳамда ҳукм, қарор, ажрим чиқаришга, суд қарорини ижрога қаратишга ваколатли суд ҳисобланади.

А.В.Гриненко ва О.В.Химичеванинг фикрича, биринчи инстанция судидаги суд жараёни жиноят процессининг марказий босқичи бўлиб, унинг доирасида жиноят иши кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади²⁶.

А.В.Гриненко ва О.В.Химичевалар фақат биринчи инстанция судидаги суд жараёни хусусида фикр билдиришган, аммо мазкур суддаги иш юритуви нисбатан кенгроқ маънога эга.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритиш — суд-

га жиноят иши келиб тушган кундан бошлаб, уни тегишлилигини ҳал этиш, моҳиятига кўра кўриб чиқиш, иш натижаси бўйича қарорлар қабул қилиш, ижрога қаратиш, шикоят ёки протестга асосан юқори инстанция судига ишни расмийлаштириш ва юбориш ваколатлари асосида олиб борилишидир.

Прокурор биринчи инстанция судида иш юритишни ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш, иш натижаси бўйича қарор қабул қилинишига фикр ҳамда қабул қилинган қарорга ўз нуқтаи назарини билдириш босқичларида иштирок этади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида 2014 йилда 73.276 нафар шахсга нисбатан 52.171 та, 2015 йилда 79.029 нафар шахсга нисбатан 57.789 та, 2016 йилда 84.118 нафар шахсга нисбатан 61.713 та, 2017 йилда 77.401 нафар шахсга нисбатан 59.135 та ва 2018 йилда 48.581 нафар шахсга нисбатан 38.133 та жиноят ишлари кўриб тамомланган²⁷.

Биринчи инстанция судида кўриб тамомланган мазкур ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган.

Фикримизча, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатлари бу унинг қонун билан юклатилган талаб ва ҳуқуқлар йиғиндисида.

Чунончи, “Прокурор” лотинча *procurare* — яъни “бошқариш, бериш”²⁸ ва “ғамхўрлик қилмоқ” (инглизча *public procurator*, *public procurator*, французча *procurateur*) деган маъноларни англатади ва прокуратура органларининг масъул мансабдор шахси²⁹.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни³⁰ 7-бўлимида «Прокуратура орган-

лари ходимлари» деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

Юридик энциклопедияда “ваколат” сўзига таъриф берилган бўлиб, у лотинча сўздан олинган бўлиб, *competentio competo* — яъни “эришаман”, “лойиқман”, “мувофиқ келаман” деган маъноларни англатиб, маълум давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи идора қилиш органи) ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси³¹.

ЖПКнинг 34-моддаси жиноят процессида иш юритишда прокурорнинг ваколатларини ЖПКнинг бошқа моддалардаги ваколатларига ҳавола қилувчи норма ҳисобланиб, мазкур модданинг иккинчи қисмида прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, фақат ушбу Кодекснинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга ошириши белгиланган.

ЖПКнинг 409-моддасида эса, суд муҳокамасида прокурорнинг иштирокидаги талаблари қайд этилган бўлиб, унга кўра прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлаши, далилларни текширишда иштирок этиши, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар бериши, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъерини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз

¹ЎзА. <http://uza.uz/ru/politics/>. 31.01.2018 й.

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.2019 й. <http://lex.uz/acts/20596>

³Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts/106197>

⁴Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts/106197>

⁵Авагимова Ю.А. “Функции прокурора в уголовном судопроизводстве” Правопорядок: История, теория, практика. № 4(15) / 2017. –с64.

⁶Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе. Учебник для бакалавриата и магистратуры/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. -84С.

⁷Авагимова Ю.А. “Функции прокурора в уголовном судопроизводстве” Правопорядок: История, теория, практика. № 4(15) / 2017. –с64

⁸Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. -Серия: Профессиональная практика.

⁹Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. 92Б

¹⁰Кириллова Н.П. Процессуальные функции профессиональных участников состязательного судебного разбирательства уголовных дел в суде первой инстанции: дис. ... д-ра юрид.наук. СПб., 2008. С.10

¹¹Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./ -Т.: ТДЮИ, 2005. -11 Б.

¹²Тугутов Б.А. Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса: дис. канд.наук. М., 2014. С.12

¹³Крюков В.Ф. Отказ прокурора от государственного обвинения: дис. канд. юрид.наук. Воронеж, 1996. С.161

¹⁴Конституция Республики Беларусь. <http://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/>

¹⁵Конституция Республики Туркменистан. infoabad.com/zakonodatelstvo-turkmenistana/konstitucija-turkmenistana-povaja-redakcija.html

¹⁶Конституция Республики Украины. <https://meget.kiev.ua/zakon/konstitutsia-ukraini/razdel-7/>

¹⁷Конституция Республики Молдова. <http://lex.justice.md/viewdoc.php?id=311496&lang=2>



фикрини баён қилиши, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш масаласида, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шартшароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдириш ҳамда даъво қўзғатиш ва фуқаровий даъвони қувватлаш ваколатлари, юқори суд босқичларида иштироки белгиланган.

Мазкур нормада прокурорнинг жиноят ишларини юритишдаги иштироки хусусида ваколатлар белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни³² IV бўлимида назарда тутилган бошқа, яъни ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш, суд қарорларига протест келтириш, протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш ваколатлари ЖПКнинг бошқа моддаларида назарда тутилган.

Кўринадики, ЖПКнинг 34-моддасида прокурорнинг суд муҳокамасидаги бошқа моддаларда назарда тутилган ваколатлари тўлиқ кўрсатилмаган.

Айрим давлатларнинг қонунчилигида миллий қонунчилигимиз сингари прокурорнинг ваколатлари белгиланган норма мавжуд. Бироқ, уларда суд муҳокамасида прокурор ваколатлари тўлиқ баён этилган бўлиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган.

Жумладан, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 34-моддасида, прокурор ўз ваколатлари доирасида давлат айбловни қўллаб-қувватлаши ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида белгилаб кўйилган³³.

Шунингдек, Молдова ЖПКнинг 51-моддасида³⁴ прокурор жиноят процессида иштирок этиб, давлат айбловини қувватлаши белгиланган бўлса, ушбу Кодекснинг 53-моддасида³⁵ прокурорнинг суд инстанци-

яларидаги барча ваколатлари алоҳида белгиланган.

Худди шу каби Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 58-моддасида³⁶, Украина Республикаси ЖПКнинг 36-моддасида³⁷ ҳам прокурорнинг суд муҳокамасидаги ваколатлари кўрсатилган.

Жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган прокурорнинг ваколатлари маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларни, яъни муайян ҳаракатни амалга оширишга ҳақли ёки мажбур эканлиги ёхуд тийилиш лозимлигини келтириб чиқаради. Прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг айрим нормаларида мазмунан ифодаланган бўлса-да, бироқ аниқ кўрсатилмаган. Ҳар бир суд процесси иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлгани сингари прокурорнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, ЖПКнинг 34-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатларини тўлиқ киритиш орқали бўшлиқларни тўлдириш ҳамда мазкур нормага прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш орқали такомиллаштириш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ЖПКга атамалар деб номланган модда билан тўлдириб, юқорида келтирилган тушунчалар ва уларга берилган таърифларни киритиш лозим бўлади. Шунингдек, мақолада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан берилган таклифлар суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақомини белгилашга, унинг ваколатларини амалга ошириш механизми тизимлаштиришга ва фаолиятини самарадорлигини оширишга ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

¹⁸Прокуратура в странах СНГ: правовой статус, функции, полномочия: научное и учебное пособие/ под общ. и науч. ред. проф. Щерба С.П. –М.: Издательство “Экзамен”, 2007. -24-26 С.

¹⁹Тугутов Б.А., Прушинский Д.И. Классификация полномочий прокурора в суде по уголовным делам.// Сибирский юридический вестник. Вопросы судопроизводства и криминалистики. №3(86) 2019. С 91.

²⁰Курьшов И.С. Роль прокурора в осуществлении уголовного преследования в досудебных стадиях уголовного судопроизводства // Закон и право. 2018. №1., Ст.88.

²¹Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонуни. 14.12.2000 й. 162-II-сон. [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.19 й. <http://lex.uz/acts/68532>

²²Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N174-ФЗ (ред. от 02.08.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2019) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

²³Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова <http://lex.justice.md/>

²⁴Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000231>

²⁵Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь 16 июля 1999 г. № 295-3

²⁶Уголовный процесс. Практикум: учеб.пособие для прикладного бакалавриата/ под.ред А.В.Гриненко, О.В.Химичевой. –М.: Издательство Юрайт. 2017. -193 с.

²⁷Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳисобот кўрсаткичлари. 2014-2018 йиллар.

²⁸Поторыкина Е.Ю. “Уголовно-процессуальный статус прокурора в судопроизводстве Европейских государств”. Социально-экономические явления и процессы, Т. 10, № 12, 2015 –С 132.

²⁹Ўзбекистон Юридик энциклопедияси/ Масъул муҳаррир Н.Туйчиев. –Т.: Адолат, 2010. –Б.372

³⁰Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts/106197>

³¹Муаллифлар жамоаси. // Юридик энциклопедия. Шарҳ нашриёти. 2001. -69 Б.

³²Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts/106197>

³³Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 г. № 295-3

³⁴Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова <http://bizlex.ru>

³⁵Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова <http://bizlex.ru>

³⁶Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/>

³⁷Уголовно-процессуальный кодекс Республики Украины https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protseualnij_kodeks_ukraini/

Хайдаров Шухратжон Джумаевич,
Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ

- ◆ Ушбу мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъектига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.
- ◆ Данная статья затрагивает тему преступления в виде ненадлежащего исполнения своих профессиональных обязанностей. Также, проанализированы результаты исследования и даны соответствующие предложения и рекомендации.
- ◆ The main objective of this article is to elaborate a crime, which is committed through lack of professional skills. Moreover, in this article, the results of the chosen issue is carefully analyzed and related suggestions are developed.

Калит сўзлар: жиноят субъекти, махсус субъект, жиноий жавобгарлик, касб мажбурияти, қилмиш, махсус қоида, тиббиёт ходимлари, биринчи тиббий ёрдам, бепарволик, қонун ёки махсус қоидалар, касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс, узрли сабаб, шифокор, ҳамширалар, акушерлар, фармацевтлар, совуққонлик, жиноий қилмиш, оғир оқибатлар.

Ключевые слова: субъект преступления, специальный субъект, уголовная ответственность, профессиональная обязанность, деяние, специальное правило, медицинский персонал, первая медицинская помощь, небрежность, закон или специальные правила, лицо обязанное оказать помощь пациенту, уважительная причина, врач, медсестры, акушеры, фармацевты, халатность, преступное деяние, тяжкие последствия.

Key words: subject, special subject, criminal liability, professional liability, act, special rule, medical personnel, first aid, negligence, law or special rules, person who should help the patient, acquittal, doctor, nurses, midwives, pharmacists, criminal acts, severe consequences.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (кейинги матнда ЖК) 116-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти махсус субъектлар қаторига киради. Бу ерда қонун чиқарувчи субъектни унинг касб-корига ишора қилиш йўли билангина белгиланган, лекин махсус субъектни тавсифловчи белгиларни кўрсатмаган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги махсус субъект ва унинг белгилари ҳали лозим даражада пухта ўрганилмаган. Ушбу масалани тўғри ечиш зарурияти шу билан белгиланадики, махсус субъект (муайян касб эгаси) тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи белгиларни тўғри аниқлаш профессионал фаолият соҳасида тегишли моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилаш имкониятини беради. Мазкур белгиларни аниқлаш ва уларнинг мазмунини ёритиш жиноят ҳуқуқи соҳасидаги кўпгина масалаларни хатосиз ечиш учун имконият яратади.

М.Х.Рустамбоев таъбири билан айтганда, 16 ёшга тўлган, муайян касб мажбуриятларига эга бўлган ҳар қандай шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин¹. Қилмишни ЖКнинг 116-моддаси бўйича квалификация қилиш учун субъект унга қўйилган умумий талаблар билан бир қаторда касб

мажбуриятларига эга бўлиши ва жиноят айнан ушбу касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли келиб чиқиши лозим бўлади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш учун жиноят субъектининг айнан қайси касбий ёки мансаб вазифалари бузилганлигини тўғри аниқлаш талаб этилади. Шу билан бир қаторда касб мажбурияти ёки мансаб мажбурияти ўртасидаги тафовутни ҳам инобатга олиш лозим. Бу ўринда мансабдор шахс томонидан ўз мансаб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги натижасида ЖКнинг 116-моддасида кўзда тутилган оқибатлар келиб чиққан тақдирда қилмиш мансабдорлик жиноятлари билан квалификация қилиниши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Таъкидлаш лозимки, жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакилларига тааллуқли эканлиги кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида

аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди.

Айни дамда ЖКнинг 116-моддаси иккинчи қисмида жиноят субъекти сифатида айнан қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс ёки бўлмаса шифокор, ҳамшира ва шу кабилар тўғрисида боради. “Тиббиёт тарихида касални даволаш ёки жарроҳлик муолажалари пайтида йўл қўйилган хатолари учун врачлар орасида виждон азобида қолиш оқибатида оғир ҳолатга тушиш ва ҳатто ўз-ўзини ўлдиришгача бориш ҳоллари учраб туради. Тиббиёт ходимларининг аксарияти ўз касбини севади, ўз вазифасини виждонан бажаради ва касал манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб хизмат қилади. Аммо ҳамма касалларда бўлгани каби, тиббиёт ходимлари орасида ҳам, гоҳ ўз касбини севмайдиган, виждонан хизмат қилмайдиган, касалларга кўпол муомала қиладиган, ўз вазифасига масъулиятсизлик ва совуққонлик билан қарайдиган тиббиёт ходимлари ҳали ҳам учраб туради”².

Ушбу масала хусусида чуқурроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда мазкур модда айнан тиббиёт ходимларига нисбатан кўп қўлланилмоқда. Айни дамда таъкидлаш лозимки, “Шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқнинг кўплаб тармоқлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги профессионал ҳуқуқни бузганлик учун айрим тиббиёт ходимларини ва даволаш-профилактика муассасалари ходимларини маъмурий, интизомий, жинойий, фуқаролик (мулкий) жавобгарликка тортишни назарда тутди”³.

Айрим муаллифлар (Ф.Ю.Бердичевский, М.С.Гринберг, В.Е.Квашис, А.Г.Корчагин, И.В.Огарков ва бошқалар) ўз илмий асарларида “тиббий жиноятлар” атамасини қўллайдиларки, бу, бизнингча, унча тўғри эмас. Тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг аксариятида мазкур ходимларнинг махсус субъектлар сифатидаги жинойий жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилади, лекин бу қилмишлар умумий субъект томонидан содир этилиши мумкинлиги ҳам истисно этилмайди.

Тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 1996 йил 29 августдаги 265-1-сон Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармацевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эса диплом ва лицензия олган шахс-

лар эга бўладилар⁴.

Айни пайтда Жиноят кодекси қонун ёки бошқа махсус қоидаларга асосан касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, бир мунча кенгроқ доирадаги шахсларни назарда тутди. Бундай шахслар тоифасига махсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам кириши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни 16-моддасига кўра, тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Мазкур масала Халқ таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/2, 6/3 — сон қарори билан тасдиқланган “Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандида ҳам ёритилган бўлиб, унга кўра, “Мақтабгача таълим муассасаси ходимлари касал бўлиб қолса ёки нохуш ҳолат юзага келган тақдирда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр туриши лозим”⁵, дейилган. Бундан кўришимиз мумкинки, мақтабгача таълим муассасаси ходимлари ҳам ЖКнинг 116-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин⁶.

Масалан, 2008 йил 29 августда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судида фуқаро Б.га нисбатан кўрилган жиноят иши материаллари бўйича аниқланишича, Б. Чилонзор тумани 62-сонли мактабда спорт ўқитувчиси сифатида ишлаб келиб, 2007 йил ноябрда спорт ўқув машғулоти жараёнида 9 “С” синф мактаб ўқувчиси У.нинг қўли синиши ва Тошкент шаҳар Сергели тумани Марказий поликлиникаси шифокорлар комиссияси томонидан ўқув йили давомида ушбу фан бўйича машғулотлардан озод қилинганлиги ҳамда Республика таълим маркази 25.02.2008 йилдаги услубий тавсияларига мувофиқ, бундай ҳолларда ўқувчи якуний аттестацияга киритилмаслиги лозимлиги тўғрисидаги қоидага риоя қилмай, ўз касб мажбуриятларига виждонсизларча муносабатда бўлиб, ўқувчи У.ни ушбу фан бўйича якуний имтиҳондан озод этиш тўғрисидаги масалани мактаб маъмуриятига етказмаган. Шунингдек, судланувчи Б. юқоридаги услубий тавсияларга мувофиқ, ушбу фан бўйича имтиҳонларда шифокор иштироки мажбурий эканлигини билгани ҳолда, ўз касб мажбуриятларига виждонсизларча муносабатда бўлиб, 12.01.2008 йилда жисмоний тарбия фанидан имтиҳонни шифокор иштирокисиз ўтказди. Натижада ўқувчи У. жисмоний нормативларни уларга тайёр бўлмаган ҳолда барча қатори топширишга киришади ҳамда жисмоний зўриқишни кўтара олмай, хушидан кетади ҳамда шифокор йўқлиги ва шу тўғрисида шифолинч малкали тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги сабабли хушига келмай вафот этади. Шунга кўра, Б.нинг қилмиши ЖКнинг 116-моддаси учинчи қисми бўйича квалификация қилинган ҳамда тегишли жазо тайинланган⁷.

Тиббиёт ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам агар имконияти бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур. Баъзи адабиётларда⁸ бундай мажбурият кенг талқин қилиниб, тиббиёт ходимлари қачон ва қаерда бўлишдан қатъи назар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурлиги таъкидланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни 30-моддасида ҳам тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фуқароларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишлари шартлиги белгилаб қўйилган. Бирок, бу фикрни инкор қилувчилар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ю.А.Власевнинг фикрича, мазкур жиноят таркибининг касалнинг ёнида хизмат вазифасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўлган ва унга ёрдам кўрсатмаган ҳар қандай тиббиёт ходимига нисбатан қўллаб бўлмайди⁹. Демак, муаллифнинг фикридан шуни тушуниш мумкинки, агар шифокор хизмат вазифасидан бошқа вақтда касалга ёрдам кўрсатмаса, унга нисбатан ЖКнинг 116-моддаси иккинчи қисмини қўллаш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча эса, амалдаги қонунчилик мазмунидан ҳамда суд-тергов амалиётида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бу ўринда тиббиёт ходимларининг касалга ёрдам кўрсатиши унинг хизмат вазифасига расмий равишда кирган ёки кирмаганлигининг аҳамияти йўқ. Яъни, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъи назар касалга ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖКнинг 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Тиббиёт ходими ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятларда, агар ЖКнинг Махсус қисмининг тегишли моддасида субъектнинг алоҳида белгилари айтиб қўйилган бўлса, махсус субъект ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, субъектнинг умумий белгиларидан ташқари, аниқ жиноятни содир этганлик учун жинойий жавобгарликка ўзга шахсларни тортиш имкониятини чекловчи алоҳида қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахс жиноятнинг махсус субъекти деб эътироф этилади.

Тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти субъекти сифатида жиноят қонунини оқибат — шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлиши ёки оғир бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлгани жиноятни ҳосил қилувчи белги ҳисобланган ҳолларда назарда тутилган.

Шахс тиббиёт ходими деб эътироф этилиши учун энг аввало унда профессионал фаолиятнинг хусу-

сиятини белгиловчи профессионал тиббий маълумот бор-йўқлиги аниқланиши лозим. Тиббиёт ходимлари ишининг хусусияти шунда намоён бўладики, уларнинг мураккаб ва серқирра фаолияти тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари тартибини белгиловчи кўп сонли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Профессионал тиббий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг субъектини янада тўғрироқ белгилаш учун тиббиёт ходимининг тиббий маълумотидан ташқари муҳим ижтимоий ролини ҳам эътиборга олиш зарур. Кўрсатилган белгиларни ўрганиш аниқ жиноят таркибларига татбиқан амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Профессионал тиббий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг махсус субъекти хусусида юридик адабиётларда ягона, аниқ тушунча мавжуд эмас. Айрим муаллифлар¹⁰ фикрига кўра, тиббиёт муассасида ишлайдиган ҳар қандай шифокор мансабдор шахс ҳисобланади. Бу тезисни улар профессионал фаолият ташкилий-бошқарув функциялари билан боғлиқ бўлмаса-да, лекин тиббиёт ходимининг мақоми билан узвийдир, деган фикр билан асослашга ҳаракат қиладилар.

Баъзи бир муаллифлар мансабдор шахсларга шифокорларнигина эмас, балки тиббиёт соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган бошқа шахслар (тиббиёт ҳамширалари, акушерлар, фармацевтлар ва бошқалар)ни ҳам киритадилар.

И.В.Серёгин фикрига кўра, шифокорлар ва тиббиёт соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган бошқа шахсларни мансабдорлик жиноятларининг субъектлари қаторига киритиш учун объектив асос мавжуд. Чунончи, давлат аппаратининг муайян қисми саналган соғлиқни сақлаш тизими муассасида фаолиятнинг асосий йўналиши тиббий фаолиятни лозим даражада амалга ошириш ҳисобланади. Мазкур тизим муассасалари ишининг сифати, уларнинг обрўси энг аввало шифокорларнинг ва махсус тиббий тайёргарликка эга бўлган бошқа шахсларнинг ишига боғлиқ бўлади¹¹. Шунга асосланиб муаллиф тиббиёт соҳасида олий маълумотга эга бўлган барча шахслар мансабдор шахслар ҳисобланади, деган хулосага келади.

Бизнингча, мазкур фикр мансабдор шахс тушунчасининг мазмунига зиддир. Мансабдорлик жинояти мансабдор шахс ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиши, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши билан белгиланади. Мансабдорлик жиноятларига ижтимоий хавfli тажовузларнинг давлат аппаратининг тўғри фаолиятини издан чиқарувчи турларигина киритилган.

Тиббиёт ходимларининг касбий вазифаларини белгилашда буларнинг барчасини эътиборга олиш ва тиббий фаолият тушунчасининг мазмунидан

келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. У беморларни даволаш билан боғлиқ муайян вазифалар — текшириш, ташхис қўйиш, тегишли муолажани тайинлаш, жарроҳлик аралашувини амалга ошириш ва ҳоказоларнигина эмас, балки турли тиббий ҳужжатларни расмийлаштиришни (беморнинг амбулатория ва стационар картасини юритиш, рецептлар ёзиб бериш, маълумотномалар, йўлланмалар бериш ва ҳоказоларни) ҳам қамраб олади. Бундай ҳолларда тиббиёт ходими ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган, ташкилий-бошқарув ҳаракатларига яқин турадиган, яъни сиртдан мансабдор шахснинг белгиларига ўхшаш бўлган муайян ҳаракатларни бажаришига қарамай, аслида у мансабдор шахс ҳисобланмайди ва ўзининг беморларни даволаш борасидаги касбий вазифаларини бажаради. ЖКнинг мансабга совуққонлик билан қараш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 207-моддасига мувофиқ, ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зиён етказилишига сабаб бўлган, лўнда қилиб айтганда, ўзларининг ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик хусусиятига эга бўлган касбий вазифаларини лозим даражада бажармасликда айбдор бўлган тиббиёт соҳасидаги мансабдор шахслар (шифохонанинг бош врачлари, бирон-бир бўлим бошлиғи ва ш.к.) жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш учун айнан қайси касбий ёки мансаб вазифалари бу-

зилганлигини тўғри аниқлаш талаб этилади. Масалан, жарроҳлик бўлимининг бошлиғи беморни операция қилар экан, ўз лавозими бўйича маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарув вазифаларини эмас, балки беморни даволаш борасидаги касбий вазифаларини амалга оширади. У касб юзасидан ўз вазифаларини бўлим бошлиғи сифатида эмас, балки жарроҳ сифатида лозим даражада бажармайди. Бинобарин, жиноий қилмишни квалификация қилиш тўғрисидаги масалани ечишда айни шу ҳолатдан келиб чиқиш зарур. Шунга қарамай, тиббиёт ходимини мансабдор шахс деб эътироф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари ҳам олимлар томонидан танқид қилинган. Масалан, Г.Н.Борзенков тиббиёт ходимлари жабрланувчи учун оғир оқибатларга сабаб бўлган ўз қилмишлари учун ЖКнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга доир моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари лозим¹², деб ҳисоблаган. В.С.Орлов: “Шифокорлар у ёки бу муассасаларнинг хизматчилари ҳисобланадилар ва муайян лавозимларни банд этадилар, шу тўғрисида ҳам улар ўз касб-кори муносабати билан эмас, балки хизмат бўйича вазифаларини бажаришлари муносабати билан мансабдор шахслар деб топилишлари ва суиистеъмол учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин”¹³, деб таъкидлаган.

Юқорида баён этилганлар тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини бажариш чоғида мансабдор шахсларга хос бўлган ташкилий-бошқарув ваколатларига ҳам, маъмурий-хўжалик ваколатларига ҳам эга бўлмайдилар, бинобарин, мансабга совуққонлик билан қараш учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин эмас, деган ҳулосага келиш имкониятини беради.

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Илм-зиё, 2006. – Б. 91.

² Йўлдошев А.О. Ҳуқуқ тиббиёти. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 1996. – Б. 215-216.

³ Фафурова Н.Э. Соғлиқ – саломатликка бўлган ҳуқуқ ва биоэтика. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 8.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил. 19-20-сон. 245-модда.

⁶ Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 2010 йил № 1. – Б.113-114.

⁷ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суди архиви материаллари, 2011.

⁸ Комментарий к УК Российской Федерации / Под ред. А.В.Наумова. – М.: Норма, 2006. – С. 328.

⁹ Власев Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 123.

¹⁰ Андрюшин С.С., Сазонов И.Н. Медицинский работник как специальный субъект преступления: Учебное пособие. – СПб., 2005. – 29-б.

¹¹ Серёгин И.В. Причины должностной халатности в сфере медицинского обслуживания населения: Монография. – Барнаул, 1999. – 33-б.

¹² Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: «Зерцало-М», 2006. – С. 228.

¹³ Борчашвили И.Ш. Субъект преступления. Учебное пособие. – Алматы: Жетқ-жарғы, 2007. – 96 с.; Волкова Т.Н. Субъект преступления: учебное пособие. – Вологда: Издательство ГУ Вологодский ЦНТИ, 2005. – 76 с.; Павлов В. Г. Субъект преступления в зарубежном уголовном праве // Правоведение. – Москва, 1996. – №3. (214). – С. 168-174.

Розимова Кундуз Йўлдошевна,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

ЖАЗО ТАЙИНЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ *Мазкур мақола доирасида жазо тайинлаш ва унинг асослари, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар таҳлил қилиниб, олимларнинг жазо тайинлаш бўйича назарий қарашлари тадқиқ этилган ҳамда жазо тайинлашда жиноят қонуни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.*
- ◆ *В данной статье проанализированы основания назначения наказания, обстоятельства учитывающие при назначении наказания и разработано предложение по совершенствованию уголовного закона при назначении наказания.*
- ◆ *This article analyzes the grounds for sentencing, circumstances that take into account when sentencing and develops a proposal to improve the criminal law in sentencing*

Ключевые слова: уголовный закон, назначение наказания, преступление, деяние, общие основания назначения наказания, принцип справедливости, приговор суда.

Таянч сўзлар: жиноят қонуни, жазо тайинлаш, жиноят, қилмиш, жазо тайинлашнинг умумий асослари, одиллик принциплари, суд ҳукми.

Key words: criminal law, sentencing, crime, act, general grounds sentencing, principle of justice, court sentence.

Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш қоидалари ва жиноятнинг квалификацияси бир жиноятни бошқасидан фарқлаш имконини беради.

Жазо тайинлаш босқичида жиноят қонунининг адолатлилик принциплари амалда намоён бўлиб, одил судловни амалга ошириш даражаси юзага чиқади. Жиноят содир этган шахннинг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини, жиноят туфайли келтирилган зарарнинг миқдори ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш жиноят содир этган шахннинг ўз қилмишига яраша жазосини олганлик ҳиссини ҳам уйғотади. Ана шундай ҳиснинг пайдо бўлиши жазо мақсадининг дастлабки, аммо энг муҳим ютуғи ҳисобланади¹.

Дастлаб жазо тайинлаш билан боғлиқ масалаларда содир этилган жиноят учун фақатгина битта жазо тайинланишига алоҳида урғу берилган.

Жазо тайинлаш ҳақидаги олимларнинг фикрларини тўрт гуруҳга ажратиб таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Биринчи гуруҳдаги олимлар, жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларни алоҳида-алоҳида мавзу сифатида ажратиб кўрсатган бўлсаларда, тушунча сифатида ажратмаганлар².

Россиялик олимларнинг асарларида ҳам жазо тайинлашнинг умумий асослари ва жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар ҳуқуқий категория сифатида ажратиб берилмаган. Хусусан, Россия Жиноят кодексига шарҳларда жазо тайинлашнинг умумий асосларини шарҳлаганда қонунда назарда тутилган умумий асослар билан суд томонидан жазо

тайинлашда ҳисобга олинishi лозим бўлган ҳолатларни шарҳлаш билан чегараланадилар³. Жумладан, А.И.Парог, “суд томонидан ҳисобга олинadиган ҳолатларга жазони индивидуаллаштириш нуқтаи-назаридан ёндашишни таъкидласада, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларга таъриф бермайди⁴.

Ваҳоланки, ушбу категория ҳам жазо тайинлашнинг умумий асослари деб номланувчи модданинг иккинчи қисмида келтириб ўтилган. Шунга ўхшаш ҳолат бошқа россиялик олимларнинг асарларида ҳам кузатилади⁵. Бу гуруҳ олимлари жазо тайинлашнинг умумий асосларига суд томонидан ҳар бир судланувчига жазо тайинлашда мажбурий амал қилиши лозим бўлган қонунда белгиланган асосий талаблар сифатида таъриф бериб ўтар эканлар, бунда жазо тайинлашнинг умумий асослари қонунийлик, жазонинг одиллиги ва индивидуаллиги тан олинishини таъкидлаб, бунда жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида қуйидаги ҳолатларни санаб ўтадилар:

— жазонинг максимал муддати муайян жиноят учун белгиланган чегарадан ошмаслигини;

— жазонинг индивидуаллаштирилганлигини аниқ пайтда ушбу гуруҳга мансуб олимлар мазкур ҳолатларга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва характерини, айбдорнинг шахсини шунингдек, барча ижтимоий хусусиятларини, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, айбдор шахннинг оилавий шароитларини киритадилар⁶.

Иккинчи гуруҳдаги олимлар эса, жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонуни принциплари билан боғлиқлигини таъкидлайдилар. Хусусан, М.Рус-тамбоев жазо тайинлашнинг умумий асослари, энг

аввало, жиноят қонунининг принциплари билан боғлиқлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 10-моддасида “Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт”, — дейилганлигини, Жиноят кодексининг 4-10-моддаларидаги принциплари билан жазо тайинлаш бевосита боғлиқлигини қайд этиб, ўз фикрига мисол сифатида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигини жазо тайинлашнинг умумий асослари суднинг Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада, Умумий қисм қоидаларига мувофиқ жазо тайинлашнинг бир қатор масалаларини эътиборга олишни таъкидлайди⁷.

Д.Ж.Суюнова ва Б.Д.Ахроровлар жазо тайинлаш муаммоларини таҳлил қилар эканлар, бунда авваламбор жазо тайинлашда жиноий жавобгарликнинг барча принциплари жумладан, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократиявийлик, инсонпарварлик, одиллик, жавобгарликнинг муқаррарлигига амал қилиниши лозим, деб кўрсатганлар⁸. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият олимлар ўртасида — “Бугунги кунда жазо тайинлашнинг умумий асосларига ЖК Умумий қисмининг барча принциплари тааллуқлими ёки йўқми?” - деган мунозара ҳалигача ўз ечимини топмасдан келаётир. Баъзилар жумладан, Т.В.Непомнящийнинг, жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик, одиллик, қонунийлик принциплари жазо тайинлашнинг умумий асосларига мансуб деб ҳисобласа, бошқа олимлар жиноят ҳуқуқининг барча принциплари эмас, балки жазонинг дифференция қилинишигина жазо тайинлашнинг умумий асоси бўлиб ҳисобланади, деган қарашни ёқлайдилар. Қолган бошқа қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик каби принциплари умумҳуқуқий принциплардир⁹.

Юқоридагига ўхшаш фикрни М.Усмоналиев ҳам илгари суради. Унинг фикрича, жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра: биринчидан, аввало, жиноят қонунининг умумий принциплари билан боғлиқлигини; иккинчидан, жазо тайинлашнинг умумий асослари суднинг ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлашини; учинчидан, тайинланаётган жазолар учун умумий асослардан яна бири бу — жазонинг жиноят қонунчилиги Умумий қисм нормаларига риоя этган ҳолда тайинланиши лозимлигини таъкидлайди¹⁰.

Эътиборли жиҳати шундаки, *учинчи гуруҳ* олимлари жазо тайинлашнинг умумий асослари деганда, жазо тайинлашда инobatга олинадиган барча асосларни ҳам умумий асос сифатида санаб ўтадилар¹¹. Жумладан Н.П.Печников ва В.Н.Чернышовлар қуйидаги омилларни жазо тайинлашнинг умумий асосла-

ри сифатида кўрсатганлар:

1) шахснинг айбдорлик масаласини фақат суд томонидан ҳал этилиши;

2) ЖК Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган жазолар турларидан бирининг тайинланиши;

3) жазо тайинлашда ЖК Умумий қисмининг барча нормалари, хусусан, принциплари (одиллик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, инсонпарварлик ва б.) инobatга олиниши;

4) жазо тайинлашда жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражасининг инobatга олиниши;

5) енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

6) айбдор шахснинг оилавий аҳволи.

В.Дуюновнинг фикрича, жазо тайинлашнинг умумий асослари — суд томонидан ЖКда назарда тутилган ҳар қандай жиноят учун ҳар қандай турдаги жазони тайинлашда принципиал аҳамиятга эга бўлган қоидалар мажмуидир¹².

М.И.Бажанов жазо тайинлашнинг умумий асослари — бу ҳар бир муайян иш бўйича жазо тайинлашда суд амал қилиши лозим бўлган қонунда ўрнатилган мезонлигини таъкидлайди¹³. В.П.Малков жазо тайинлашнинг умумий асосларига ҳар бир муайян ҳолатда жазо тайинлашда суд амал қилиши лозим бўлган, амалдаги жиноят қонунчилигида шакллантирилган бошланғич қоида сифатида таъриф берса, Г.С.Гаверов жазо тайинлашнинг умумий асосларини ...суд жазо тайинлашда асосланиши лозим бўлган жиноят қонуни томонидан ўрнатилган талаблар сифатида тавсифлаган¹⁴.

Тўртинчи гуруҳдаги олимлар жазо тайинлашнинг умумий асосларини жиноят қонунининг санкцияларини қўллаш жараёни билан боғлайдилар. Бу қонун мазмунидан ҳам келиб чиқади. ЖКнинг 54-моддаси биринчи қисмига мувофиқ “...Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди”.

С.А.Велиевнинг фикрича, ...жазо тайинлашнинг умумий асосларига кетма-кетлик билан риоя қилиниши, қонуннинг бир хилда қўлланилиши ва суд амалиёти барқарорлигини таъминлаши, суд томонидан адолатли ҳукм чиқарилишига хизмат қилиши керак¹⁵.

М.Х.Рустамбоевнинг таъкидлашича, жиноят қонуни қоидаларига мувофиқ, жиноятни содир этишнинг ҳуқуқий оқибати жазони тайинлаш бўлиб, бунда ҳар бир жиноят фақат битта асосий жазонинг қўлланилишини тақозо этиши шарт, бу масаланинг ўзгача ҳал этилиши инсонпарварлик ва адолат принципларига тўғри келмайди¹⁶.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари ўз ичига жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатларни ҳам кўзда тутди. Шунингдек, бир неча жиноят ёки бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган жазолар бўйи-

ча ҳукмларни таҳлил қилганимизда жазо тайинлашда судланувчининг олдинги ва кейинги ҳулқи, судланувчининг яшаш шароитлари ҳисобга олинмаган ҳолда жазо тайинланган ҳолатларига гувоҳ бўлдик.

Бунга мисол тариқасида ЖКнинг 221-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди билан айбланган С.А.-нинг ҳукмида келтирилган ҳолатни келтиришимиз мумкин. Хусусан, суд жазо тайинлаганда судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шунингдек судланувчининг муқаддам судланиб, бундан ўзига тегишли ҳулосалар чиқариб олмасдан, жазони ўташ даврида қасддан жиноят содир этганлигини инobatга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топган¹⁷.

Яна битта мисол. Суд ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисмининг “а” банди билан судланувчи М.А.га нисбатан жазо тайинлашда унинг фақат айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, тақроран жиноят содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаган¹⁸.

Жазо тайинлашнинг умумий масалалари юзасидан Олий суд жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган жазо тайинлашда ҳисобга олинмаган ҳолатларнинг ҳар бири юзасидан алоҳида изоҳ берар экан, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаган ҳолатлар доирасини кенгроқ талқин этиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига тажовуз объекти (инсон ҳаёти

ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан изоҳлайди.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига эса ижтимоий хавфлилик хусусиятидан фарқли ўлароқ қилмиш содир этилиши ҳолатлари, яъни, жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг ролини киритади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бу миқдор кўрсаткичи ҳисобланади. ЖКнинг Махсус қисми моддасининг санкциядаги жазо тури ва миқдори билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти бу тажовуз қилган объекти орқали аниқланади. Бу эса квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланади. Айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив омилларга айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолатини киритса, унинг судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеини эса ижтимоий омилларга киритади¹⁹.

Гувоҳ бўлганимиздек, жазо тайинлашнинг умумий асослари борасида илгари сурилаётган фикрлар деярли ўхшаш бўлиб, уларнинг фарқи унчалик катта эмас. Ҳулоса ўрнида жазо тайинлаш тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: жазо тайинлаш — жиноят қонун ҳужжатларига мувофиқ, ЖК принципларига асосланган ҳолда суд томонидан жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсга тайинланмаган жазо тури ва миқдорининг белгиланиши.

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм.-Т.: Янги аср авлоди, 2005. -438 б.

² Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 15.

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: (постатейный) / Дуюнов В.К. и др., отв. ред. Л.Л.Кругликов. – Волтерс Клувер, 2005. – С. 52.

⁴ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. - 2-е изд., перераб. и доп./отв. ред. Парог А.И. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 53.

⁵ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. Лебедев В.М. - 3-е изд., доп. и испр. – М.: Юрайт-Издат, 2004

⁶ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общей. ред. А.И. Рарога. - 2-е изд., перераб. и доп.– М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С.53.

⁷ Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Схема. – Тошкент, 2002. – Б. 76.

⁸ Суюнова Д.Ж., Ахраров Б.Д. Проблемы назначения наказания. Учебное пособие. –Т: ТГЮИ, 2007. – С. 25.

⁹ Батафсил қаранг: Скрябин М.А. Общие начала назначения наказания и их применение к несовершеннолетним. – Казань, 1988. – С. 14; Бажанов М.И. Назначение наказания по советскому уголовному праву. – Киев, 1980. – С. 14; Велиев С.А. Принципы назначения наказания. – СПб., 2004. – С. 124.

¹⁰ Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 9-11.

¹¹ Уголовное право (Общая часть): конспект лекций / сост.: Печников Н.П, Чернышов В.Н. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2006. – С. 30-31.

¹² Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: (постатейный) / Дуюнов В.К. и др., отв. ред. Кругликов Л.Л. – Волтерс Клувер, 2005. – С. 52

¹³ Бажанов М.И. Назначение наказания по советскому уголовному праву. Киев. 1980. 23-24-бетлар.

¹⁴ Гаверов Г.С. Общие начала назначения наказания по советскому уголовному праву. Иркутск 1976. 7-б.

¹⁵ С.А.Велиев. Принципы назначения наказания. –Москва., 2017, - Б. 382.

¹⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: «ILM-ZIYO», 2011. – 137 б.

¹⁷ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди архивидан. 2014 йил

¹⁸ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди архивидан. 2019 йил

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 3 февраль

Нормухамедова Сурайё Бабуровна,
преподаватель Ташкентского государственного
юридического университета

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ДИСКРЕЦИОННЫХ ПОЛНОМОЧИЙ

◆ В статье рассматриваются теоретические и практические основы применения дискреционных полномочий (право усмотрения). Проанализирована эффективность применения права усмотрения. Исследуются правовые последствия их применения.

◆ Мақолада дискрецион ваколатларнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Ўз ихтиёрига олиш ҳуқуқи қўлланилишининг самараси таҳлил қилинди. Мазкур ҳуқуқнинг қўлланилиш оқибатлари тадқиқ этилди.

◆ The article discusses the theoretical and practical basis of discretion power's application. Analyzed enforcement effectiveness of discretion. Studied legal effect of using discretion power.

Ключевые слова: административный орган, закон об административных процедурах, эффективность, право усмотрения (дискреционное полномочие), законность, целесообразность принятых мер, ответственность.

Калит сўзлар: маъмурий орган, маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун, самара, дискрецион ваколат, қонунийлик, қабул қилинган чораларнинг мақсадга мувофиқлиги, жавобгарлик.

Key words: administrative body, law of administrative procedures, effectiveness, discretion power, legality, appropriateness of the measures taken, responsibility.

В настоящее время в условиях построения правового демократического государства «право усмотрения органов государственного управления» весьма актуально. Актуальность данной темы обусловлена тем, что соотношение дискреционных полномочий (усмотрения) напрямую связано с такими принципами как «законность», «справедливость», «целесообразность».

От их соотношения в применении права зависит обеспечение прав и законных интересов человека. Иными словами, в «центре внимания» сосредоточивается человек — его неотъемлемые права и свободы.

«Усмотрение» в толковом словаре Т.Ф.Ефремовой определяется как заключение, мнение, решение. Единоличное решение должностного лица, имеющего власть (на основании собственного мнения, а не по закону)¹.

В теории же права административное усмотрение можно определить, как выбор публичной администрации, в пределах нормативно-правовых актов, оптимального по ее мнению варианта по решению конкретной управленческой ситуации².

Так, согласно статье 4 Закона Республики Узбекистан «Об административных процедурах» №457 от 08.01.2018 (далее Закон), административное усмотрение (дискреционное полномочие) — право административного органа применить по своему усмотрению одну из допустимых в рамках законодательства мер или воздержаться от применения соответствующей меры на основе собственной оцен-

ки правомерности и целесообразности.

Право административного усмотрения является весьма дискуссионным вопросом, в силу своей противоречивости. Противоречивость обусловлена тем, что, будучи требованием действительности, противоречит самой сути права, которая, по сути, ограничивает свободу в действиях.

В теории права вопросы «усмотрения» уже становились объектами исследований. Так, А.А.Березин определяет правоприменительное усмотрение как «осуществляемую на основе и в рамках закона деятельность уполномоченных субъектов права, предполагающую возможность выбора наиболее оптимального решения по юридическому делу»³.

А.Н.Одарченко определял административное усмотрение, как предоставленное законом должностному лицу право самостоятельно и индивидуально определять необходимость, полезность или целесообразность предпринимаемой им меры с точки зрения соответствия или несоответствия ее тем целям⁴.

Далее А.П.Коренев подчеркивал, что правоприменительный орган не может действовать абсолютно свободно, поскольку административное усмотрение всегда носит правовой характер, является правовым и возможно лишь при соблюдении определенных требований, а именно: должно осуществляться в рамках закона, применяться в соответствии с интересами общества и соответствовать той цели, для достижения которой оно допущено законодателем⁵.

Однако, на наш взгляд, административное усмотрение представляет собой нестандартное полномочие административных органов по своему усмотрению применить те или иные действия или же воздержаться от их применения, поскольку основания (критерии) не регламентированы должным образом в правовых нормах.

Как представляется, именно такое понимание административного усмотрения в полной мере согласуется с тем смыслом, в котором слово «усмотрение» употребляется в русском языке⁶.

Очевидно возникновение вопроса, — каким образом определить факт того, что законодатель предоставляет административному органу возможность выбора оптимального, по вашему мнению, решения?

На наш взгляд, дискреционную власть следует искать в самом правовом акте. Как оказалось, для получения необходимого нам ответа нужен сам текст правовой нормы. Искомые тексты, как правило, содержат такие формулировки, как «имеет право», «должен», «может».

Так, например, часть вторая статьи 18 Закона «Об административных процедурах» устанавливает, что в случае необходимости административный орган, не ограничиваясь доказательствами, представленными заинтересованными лицами, **вправе по собственной инициативе** собрать дополнительные доказательства.

То есть, диспозиция данной статьи предоставляет административному органу право собственного усмотрения, а именно административный орган имеет право по собственной инициативе собрать дополнительные доказательства, невзирая на наличие имеющихся доказательств.

Однако часть вторая статьи 37 этого же Закона регламентирует, что извещение о приостановлении административного производства **направляется** заинтересованным лицам в течение одного рабочего дня.

Здесь, напротив, право административного усмотрения отсутствует. В диспозиции данной статьи законодатель обязывает административный орган в установленный срок уведомить заинтересованного лица о приостановлении административного производства.

Законодатель в статье 17 Закона «Об административных процедурах» не дает право административным органам дискреционным полномочием злоупотреблять.

Если злоупотребление дискреционным полномочием недопустимо, а административному органу предоставляется самостоятельность в выборе оптимального способа реализации принципов «справедливость», «целесообразность», «законность», то к какой категории принципов можно отнести ситуацию с певцом Сан Жай, когда ГУ «Узбекконцерт» (Узбекнаво) отказал⁷ в выдаче лицензии, сослав-

шись на то, что тот носит бороду, хотя никаких требований к бороде не было указано ни в лицензионных требованиях и условиях, ни в перечне документов необходимых для получения лицензий. На наш взгляд, такая широко дискреционная норма наблюдается в ст.17 Закона Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности», где закрепляется положение:

Основанием для отказа в выдаче лицензии является:

- представление соискателем лицензии ненадлежащим образом оформленных документов;
- наличие в документах, представленных соискателем лицензии, недостоверных или искаженных сведений;
- **несоответствие соискателя лицензии лицензионным требованиям и условиям, а также условиям конкурса (тендера).**

Какие же существуют требования и условия для лицензиата? Требования и условия установлены в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О порядке лицензирования концертно-зрелищной деятельности» от 09.12.2015 г. N 354, где установлено, что:

- ...
- *исполнение на концертно-зрелищных мероприятиях, свадьбах и иных торжествах песен и созданных по ним видеоклипов, соответствующих национальному менталитету, национальным ценностям и обычаям, исключая осуществление действий, противоречащих правилам этики артиста, сценической культуре и культуре внешнего вида, пропаганду идей безнравственности, негативно воздействующих на духовность и оскорбляющих чувства зрителей.*

Обратим внимание на следующее обстоятельство:

Соответствие внешнего облика артиста культуре внешнего вида? Существуют ли правила, регулирующие культуру внешнего вида артиста? Не является ли понятие «культура» весьма субъективным понятием? Кто берет на себя ответственность отказа в праве артисту в осуществлении деятельности по мотивам того, что артист не соответствует личным убеждениям должностного лица?

Иными словами, мы становимся свидетелями того, что административный орган отказывает в выдаче лицензии случаю, который не урегулирован в Положении. Более того, подходит весьма субъективно.

В части второй статьи 17 Закона Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности» установлено, что отказ в выдаче лицензии по **иным основаниям**, в том числе по мотивам нецелесообразности выдачи лицензии, **не допускается**⁸.

То есть, что из этого получается? Наличие бороды входит в категорию «иные основания» или же напротив — входит в категорию «культура внешнего вида»? Если рассматривать данный вопрос с

правовой категории, то вопрос остается открытым.

Каким образом можно квалифицировать дискреционное полномочие ГУ «Узбекконцерт» (Узбекистан)?

Часть вторая статьи 17 Закона Республики Узбекистан «Об административных процедурах» регламентирует, что совершение административных действий на основе административного усмотрения, должно соответствовать цели данного полномочия. Соответствует ли целям — отдельный вопрос для рассмотрения. Были многочисленные дискуссии по поводу бороды артиста. Имело место мнение о том, что борода артиста влияет на нравственные и морально-этические взгляды зрителей, поклонников артиста. Так ли это на самом деле? Например, мы не можем представить бороду у военнослужащих, поскольку Устав военнослужащих регламентирует внешний облик своих служащих.

Иными словами, необходимо наличие акта, устанавливающего непереносимое соответствие внешности артиста существующим требованиям. Помимо этого, на эстраду Республики Узбекистан приглашаются такие именитые артисты как Тимати, МОТ и множество других артистов зарубежной эстрады. Соответствуют ли репутация (по-узбекским меркам), внешний облик данных артистов требованиям морали и нравственности?

То есть, невзирая на имеющиеся противоречия в действиях административных органов, субъективное восприятие морали и нравственности имеет место быть. Однако исключительность данных требований нигде не установлено. Складывается впечатление, что административный орган навязывает народу свое собственное восприятие мира и говорит: «...думай так как нужно нам, иначе ты не получишь то, что тебе нужно». Правомочность действий административных органов вызывает множество вопросов, которые остаются без ответа.

Иным наглядным примером злоупотребления права усмотрения является потеря исторической ценности в нашей республике. В 2001 году в Список Всемирного наследия ЮНЕСКО был включен «Самарканд - перекресток культур», состоящий из трех исторических частей: Афросиаба, Темурий и Европейской, представляющей средневековую, Исламскую и европейскую архитектуру.

Все археологические памятники, исторические здания, мечети и медресе, мавзолеи, жилые здания и другие объекты, расположенные на этой территории площадью почти 1000 га, считаются мировым культурным наследием. Их благоустройство, реконструкция и использование должны осуществляться на основе международных требований и согласовываться с Государственной инспекцией по охране и использованию памятников истории и культуры Самаркандской и Джизакской областей. По решению хокима Самаркандской области данные исторические объекты были снесены для постройки жи-

лого дома. Конечно, нельзя отрицать факт того, что хоким Самаркандской области был взят под стражу, как и нельзя отрицать то, что снесенный объект возврату не подлежит. В настоящий момент Юнеско рассматривает вариант выхода Узбекистана из своего состава⁹.

Таким образом, мы наглядно видим, каких масштабов приобрело право усмотрения. С чем это связано остается непонятным. Угроза перерастания усмотрения в административный произвол, установление юридических гарантий, препятствующих такой деформации, уже давно беспокоит административистов всего мира¹⁰.

Осуществляемые в Республике Узбекистан «правомерные действия» не позволяют ограничиться лишь на двух примерах. На самом деле, примеров много. Не так давно, Министерство юстиции сообщило, что за два месяца в ведомство поступило 2.586 обращений о нарушении прав на недвижимость. Ведомство выявило, что строительные объекты были разрушены без предварительной их оценки, то есть без конкретизации их стоимости. При осуществлении сноса была определена выплата компенсаций в размере свыше 600 млрд. сумов. При этом выявлено наличие задолженности почти в 300 млрд. сумов по выплате компенсации в городе Ташкенте, Ташкентской, Ферганской, Кашкадарьинской и Наманганской областях за снесенные жилые и нежилые объекты. Взамен земельных участков, изъятых для государственных и общественных нужд, выделено 359,2 гектара земли в других местах¹¹.

По имеющимся данным, в 2018 году всего по нашей республике было отменено около 685 решений хокимов¹². С чем это связано? Почему решения подобных высокопоставленных руководителей отменяют? К чему это неизбежно может привести? Привести это может к подрыву авторитета органов государственного управления. В свою очередь, подрыв же приведет к игнорированию гражданами решений и актов административных органов. К этому ли стремится наше передовое государство?

Самое интересное заключается в том, что административной, уголовной ответственности за издание незаконных, неправомочных решений для административных органов нет. Что из этого получается? Ничем не ограниченная власть?

Одним из общепризнанных постулатов современной цивилизации стало признание того, что государство служит для народа. Именно государство обеспечивает свободу и способствует благосостоянию народа. А как обеспечить баланс свободы и власти? Ведь если, свобода окажется вне всякой власти, то неизбежна анархия и вседозволенность. Обеспечение баланса свободы и власти, недопущение злоупотребления, защита законных интересов личности является задачей всех отраслей права. Но, на практических примерах мы видим, что

злоупотребление властью приобрело правомерный характер. Как с этим бороться?

Право усмотрения — это объективная реальность, даже необходимость. Абсолютное отрицание дискреционных полномочий — неразумие.

По этой причине, предлагаем внедрить следующие предложения в законодательство:

1. Если административный акт был отменен, изменен либо признан недействительным, любые уплаченные платежи, взносы должны быть возвращены заинтересованному лицу, доверие которого не было оправдано. Сумма, подлежащая возврату, должна руководствоваться нормами Гражданского Кодекса как **«неоправданное обогащение»**. Должностному лицу не следует говорить о том, что обогащения не было, в случае, если административный акт был отменен, изменен либо был признан недействительным. Сумме, подлежащей возврату нужно начисление процентов с момента отмены, изменения или признания административного акта недействительным. Подобная практика имеется в таких странах как Германия (статья 49а Закона Германии «Об административных процедурах»)¹³, в Азербайджанской Республике, административному органу надлежит компенсировать причинённый ущерб (статья 68.6 Закона «Об административных процедурах Азербайджанской Республики»)¹⁴.

2. Или же считаем необходимым установить ответственность за издание неправомερных административных актов. Почему? По республике отменяются множество изданных актов, но правовых последствий для этого не имеется. О чем это может говорить? Неужели административные акты настолько потеряли свою значимость, что можно просто издать акт должностным лицом и так же просто его отменить? Отметим повторно, только в 2018 году

по всей республике было отменено 685 решений хокимов. Внушительное число.

Итак, какую ответственность стоит установить. Считаем нецелесообразным ограничиться лишь дисциплинарной ответственностью, поскольку должностные лица при издании актов имеют дело с интересами — публичными и частными. Если имеет место нарушение интересов, необходимо установить административную ответственность, а издание неправомερных административных актов назвать правонарушением. Объясним почему.

Статья 10 Кодекса об административной ответственности установила, что является административным правонарушением. Так, согласно этой диспозиции, административным правонарушением признается **посягающее на личность, права и свободы граждан, собственность, государственный и общественный порядок, природную среду** противоправное, виновное (умышленное или неосторожное) действие или бездействие, за которое законодательством предусмотрена административная ответственность.

Иными словами, вышеприведенные изданные административные акты напрямую затрагивали права, свободы интересы, собственность заинтересованных лиц, более того, нарушены права, что является, на наш взгляд, неправомερным. По этой причине, предлагаем отнести издание неправомερных административных актов к правонарушению и установить такой вид ответственности как лишение специального права сроком на определенный срок.

На наш взгляд, установление именно таких видов ответственности будет способствовать повышению ответственности за издание административных актов и повышению авторитета органов государственной власти и управления.



¹ Современный толковый словарь русского языка под редакцией Ефремовой Т.Ф. Издательство: Харвест. 2005 г.

² Яркова С.В. Административное усмотрение в правоприменительной деятельности административно-публичных органов и их должностных лиц. 2017

³ Березин А. А. Пределы правоприменительного усмотрения: дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2007. С. 43, 94–95.

⁴ Одарченко А. Н. О пределах административного усмотрения // Право и жизнь. 1925. № 6. С. 4.

⁵ Коренев А. П. Нормы административного права и их применение. М., 1978. С. 73–78.

⁶ См.: Ожегов С. . Словарь русского языка. 13-е изд., испр. М., 1981. С. 429, 746

⁷ Г.Р.Маликова. Институт лицензирования: подходы, проблемы, предложения. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси. №2, 2019. С.14.

⁸ Закон «О лицензировании отдельных видов деятельности» от 25 мая 2000 г., № 71-II

⁹ <https://www.gazeta.uz/ru/2018/06/14/samarkand/>.

¹⁰ См., например: Alder J., General Principles of Constitutional and Administrative Law. 4 ed., 2002. P.98

¹¹ <https://nuz.uz/sobytiya/39642>

¹² Там же.

¹³ <https://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=289>

¹⁴ <https://www.legislationline.org/download/id/4029/file>

Ҳожиёв Носиржон Комилович,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мазкур мақолада жиноятчиликка қарши қураш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан комплекс тарзда ўрганилиб, бу соҳада халқаро ҳамкорликни тартибга солишчи жиноят-процессуал қонуни нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

◆ В настоящей статье на основе международных договоров Республики Узбекистан и уголовно-процессуального права комплексно изучены теоретические и практические аспекты международного сотрудничества по борьбе с преступностью, даны предложения по совершенствованию уголовно-процессуального законодательства, регулирующего международное сотрудничество в данной сфере.

◆ In this article, the theoretical and practical aspects of international cooperation in the field of combating crime are studied in a complex way from the point of view of international treaties and criminal-prosensual law of the Republic of Uzbekistan, and proposals are made to improve the norms of Criminal-prosensual law regulating international cooperation in the fight against crime.

Калит сўзлар: жиноят, жазо, жиноятчиликка қарши қураш, халқаро ҳамкорлик, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик, ушлаб бериш, экстрадиция, ҳуқуқий ёрдам, халқаро ташкилотлар.

Ключевые слова: преступление, наказание, борьба с преступностью, международное сотрудничество, уголовное и уголовно-процессуальное законодательство, задержание, экстрадиция, правовая помощь, международные организации.

Key words: crime, punishment, crime prevention, international cooperation, crime and crime-prosensual legislation, deterrence, extradition, legal aid, international organizations.

Жиноятчиликка қарши қураш бўйича халқаро ҳамкорлик мураккаб жараён бўлиб, халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонун ҳужжатларини таҳлил этар эканмиз, ушбу давлатларни шартли равишда қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

биринчидан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид муносабатлар конституция даражасида тартибга солинган давлатлар;

иккинчидан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка тааллуқли масалалар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинган мамлакатлар;

учинчидан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик, хусусан, экстрадиция тўғрисида махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган давлатлар.

Қуйида асосан учинчи гуруҳга мансуб давлатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтаемиз. Зеро, ушбу мамлакатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми борасидаги тажрибасини

ўрганиш мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани такомиллаштириш учун махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Японияда жиноятчиликка қарши қураш бўйича халқаро ҳамкорликка оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. “Хорижий давлат билан ҳуқуқий ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги (1905), “Жиноятчиларни бошқа мамлакатга ушлаб бериш тўғрисида”ги (1988 йил), “Халқаро жиноятларни тергов қилишга ёрдам бериш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид қонунчилик ривожланган мамлакатлардан яна бири Буюк Британиядир. Ушбу давлатда 1989 йили “Ушлаб бериш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур қонун ҳозирга қадар мунтазам равишда такомиллаштириб келинмоқда. Масалан, унга 2002 йили солиқ тўлашдан бўйин товлаб юрган Британия фуқароларини ҳам экстрадиция

килиш мумкинлиги ҳақида ўзгартиш киритилган. Бу давлатлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Тан олиш жоизки, ўз фуқароларини ушлаб бериш кўплаб давлатлар қонунчилигида инкор этилади, ҳаттоки, ўз фуқароларини ушлаб бермаслик конституциявий тамойил даражасига кўтарилган. Шундай экан, Буюк Британия қонунчилигида жорий этилган ушбу янгилик давлатлараро муносабатларда экстрадиция институтини сезиларли даражада кенгайтиради.

Финляндияда ҳам ўрганилаётган масала билан боғлиқ муносабатлар “Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 12-моддасига биноан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши Финляндиянинг манфаатларига, мустақиллигига ёки ҳавфсизлигига зарар етказса ёки инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши бўлса, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмайди. Мазкур Қонуннинг 13-моддасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги талаб бажарилмайдиган яна 6 та факультатив асос назарда тутилган: ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги талаб сиёсий ёки ҳарбий жиноятларга тааллуқли бўлса, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетган бўлса ёки амнистия акти мавжуд бўлса. Иш судда кўрилатган ёки шахс жазони ўтаётган ёхуд Финляндия қонунлари билан оқланган бўлса ҳам талабга рад жавоби берилиши мумкин. Таъкидлаш ўринлики, аксарият мамлакатлар қонунларида сиёсий жиноятлар учун ушлаб бермаслик қатъий қоида сифатида мустаҳкамланган.¹

Шунингдек, МДХ мамлакатларидан Озарбайжоннинг “Жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш (экстрадиция) тўғрисида”ги қонунда Озарбайжон ва хорижий давлат фуқароларини экстрадиция қилишга оид қатор муҳим қоидалар белгиланган.²

Масалан, ушбу Қонуннинг 1-моддасига биноан Озарбайжон ва ушлаб беришни сўраётган давлат ўртасида шартнома тузилмаган бўлса, ушбу Қонунда кўзда тутилган қоидалар ўзаро ёрдам тамойилига риоя этган ҳолда қўлланади.

Ушбу давлатлардан ташқари, Канада, Болгария, Венгрия, Хитой, Литва, Молдова, Швеция, Эстония каби давлатларда ҳам мазкур соҳага оид махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.³

Ўзбекистонда эса мазкур соҳага оид алоҳида қонун қабул қилинмаган. ЖПКда экстрадиция муносабатларини тартибга солиш бўйича алоҳида бўлим мавжуд бўлса-да, у ўз ҳажми ва кўламига кўра ушбу муносабатларни тўлиқ тартибга сола олмайди. Зеро, амалдаги мавжуд нормалар ушбу муносабатларни тўла ва ҳар томонлама тартибга солиш учун етарли эмас.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича фаолиятига соя солади. Шундай экан, бугунги кунда жиноят

ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Юқоридагилар ва ушбу масалага оид хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан ҳамда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид ҳуқуқий муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишига эҳтиёж мавжудлигидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам “Экстрадиция тўғрисида” ёки “Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги махсус қонунни ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Бугунги кунга келиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, бевосита унга қарши кураш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш соҳасида халқаро ҳамкорликни олиб борувчи халқаро ташкилотлар ва давлатлар миллий органларининг муайян тизими шаклланди. Уларнинг ҳаммаси кўриб чиқилаётган соҳадаги масалаларни амалга оширишда ва мақсадга эришишда ягона вазифадаги йўналишни ўз ичига олади.

Айтиб ўтилган ҳамкорликнинг мазмунидан келиб чиқиб, субъектларнинг тизимини шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) халқаро ташкилотлар;
- 2) давлатнинг ички органлари ва муассасалари.

Субъектларнинг ҳар бири ўз ваколат доираси, ўзига хос тизими, фаолиятининг ўзгачалиги ва субъектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик каби хусусиятларга эга.

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг шакллари билан бири сифатида муҳим ўрин тутди.⁴

Ўз навбатида, халқаро ташкилотлар фаолиятининг таъсир этиш доираси (глобал ва минтақавий), ваколат ҳажми (универсал ва мақсадли), ваколатларининг манбалари ва хусусияти (давлатлараро, ҳукуматлараро) билан ажралиб туради. Глобал, универсал ва давлатлараро миқёсда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий субъекти бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг олти асосий органи ҳисобланади. Буларга қуйидагилар киради:

- Бош Ассамблея;
- Ҳавфсизлик кенгаши;
- Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш;
- Васийлик бўйича кенгаш;
- Котибият, унинг таркибидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий судлов бўйича бўлим (сектор);
- Халқаро суд.

Бош Ассамблея — суверен давлатларнинг ҳақиқий демократик вакиллик органи. БМТнинг фаолият доирасида Бош Ассамблеяга жуда катта ваколатлар берилган. У БМТ Низоми доирасида барча ишлар ва вазифаларни муҳофизат

килиш ва улар бўйича иштирокчи давлатларга ёки Хавфсизлик кенгашига тавсиялар бериш ҳуқуқига эгадир. Ҳар йили Учинчи қўмита (ижтимоий ва инсонпарварлик масалалари бўйича) доирасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий муаммолари бўйича БМТ Бош қотибининг ҳисобот маърузасини кўриб чиқади.

Хавфсизлик кенгаши - давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноятлар, масалан, агрессия содир этилганлиги тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқади, шунингдек, энг хавфли террорчилик ҳаракатларининг содир этилганлиги масалаларини муҳокама этади. Зарур бўлган ҳолларда Хавфсизлик кенгаши ушбу масалани тергов қилиш учун тегишли Қўмитага топширади. Аммо Хавфсизлик кенгаши жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорликнинг тўлақонли субъекти ҳисобланмайди.

БМТ Қотибиятининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиний судлов бўйича Бўлими ташкилий ва тайёргарлик ишлари билан шуғулланади, жумладан, Бош қотиб учун БМТ доирасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик олдида турган муаммолар бўйича зарур бўлган тавсияларни тайёрлайди.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалаларига доир фаолиятни олиб боради. ЭКОСОС 54 аъздан иборат бўлиб, улар Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланадилар ва ҳар йили ваколатлари тугаган 18 аъзонинг ўрнига янгилари сайлаб борилади. Ундан ташқари, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) ва Ижтимоий ривожланиш бўйича Қўмита ушбу соҳада БМТ фаолиятини таъминлаш учун бевосита жавобгардир. ЭКОСОС таркибида ушбу функцияларни бажариш учун турли йилларда турли хил ихтисослаштирилган органлар фаолият юритган.

1979 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш бўйича Қўмитанинг асосий функцияларини белгилаб берди. Улар қуйидагилардир:

— жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш соҳасида самарали чораларни ва усулларни қўллаш мақсадида БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш конгрессларини тайёрлаш;

— давлатларнинг суверен тенглиги ва ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида, БМТнинг ваколатли органларига Жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича дастурларни тайёрлаш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;

— жиноятчиликка қарши кураш масалалари

бўйича шуғулланаётган БМТ органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ЭКОСОСга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, БМТнинг Бош қотибига ва бошқа органларига маърузалар, тавсиялар ва қарорлар тайёрлаш ва тақдим этиш;

— БМТга аъзо давлатларнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш соҳасида йиғилган тажрибаларини алмашишга қўмаклашиш;

— жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик асосини ташкил этувчи, жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликни қисқартириш бўйича мураккаб ва муҳим масалаларни муҳокама қилиш.

БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш конгресслари унинг ихтисослашган конференциялари ҳисобланади ва улар ҳар беш йилда бир мартаба чақирилади. Конгресслар айна пайтда БМТнинг ҳаракатдаги органлари ҳисобланганлиги учун ҳам уларнинг иштирокчилари, иш тартиби, функциялари ва қабул қилинаётган қарорларининг ҳуқуқий доираси жуда катта аҳамият касб этади.

БМТнинг низомига биноан, ушбу ташкилотга барча долзарб муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликни олиб бориш масъулияти юкланган. Унинг ташаббуси билан ҳар беш йилда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича БМТ конгресслари чақирилган (1955 йил Женевада; 1960 йил Лондонда; 1965 йил Стокгольмда; 1970 йил Киотода; 1975 йил Женевада; 1980 йил Каракасда; 1985 йил Миланда; 1990 йил Гаванада). 1991 йилда ташкил топган Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиний судлов бўйича Қўмита (БМТнинг конгресслари -1995 йил Қоҳира; 2000 йил, Вена).

Конгресслар давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги доирасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича дастурлар ҳамда раҳбарий принципларни ишлаб чиқади ва қабул қилади, алоҳида жиноят турларини тугатиш бўйича тавсиялар беради ва бу соҳада тажриба алмашади.

Жиноятчилик билан курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида амалга оширилувчи умумий халқаро ҳамкорликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда турли мамлакатлар томонидан халқаро муносабатларда хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, ушбу масалалар давлатлараро етакчи мавқени эгалламоқда.⁵ Бу жараёнлар ҳар бир жамият ва давлат ҳаётининг таркибий қисмига айланиб улгурган глобализация жараёнининг самараси ўлароқ намоён бўлади.

Бунинг натижасида давлатлар иқтисодиёти

кўтарилишига эришилди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва бошқа қатор мақсадларда хорижий давлатларга чиқиш имконияти кенгайди. Бироқ глобализация жараёни манфий томонлар мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Жумладан, глобализация таъсирида одам савдоси, наркобизнес, терроризм каби уюшган трансмиллий жиноятлар сони ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу жиноятлар мураккаб хусусиятлар касб эта бормоқда, шунинг учун уларга қарши курашиш, уларни тугатиш учун бир давлат куч-қудрати ожизлик қилади, яъни уюшган жиноятчиликни тугатиш учун давлатларлар ўзаро ҳамкорлик қилишлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг ўн тўртинчи бўлими “Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” деб номланиб унда:

- процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш;
- процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли;
- хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи;
- процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳни, жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакилларини чақириш;
- жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш;
- жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш;
- хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориш;
- Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижро этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб беришни кечиктириш ва вақтинча ушлаб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш учун ушлаб туриш ва қамоққа олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсни озод қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ушлаб бериладиган шахсни топшириш;

— ушлаб берилган шахсни транзит тарзида ўтказиш;

— ашёларни топшириш масалалари тартибга солинган.

Бизнинг фикримизча, қонунчилигимизда мавжуд ушбу тартибга солинган масалалар Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларини тўла қамраб ололмайди.

Биз кўйида ЖПКда назарда тутилмаган маҳкумларни жазони ўташ учун топшириш тартиби соҳасини таҳлил этамиз.

Маҳкумларни бир давлатдан у фуқароси ҳисобланган бошқа бир давлатга жазо ўташни давом эттириш учун ўтказиш инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиш тамойилларига асосан, маҳкумларнинг ижтимоий мослашувининг қулай шароитлар яратиш мақсадида амалга оширилади.⁶

Бироқ шунга қарамасдан, мазкур долзарб масала маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш ёки бошқа давлатдан ўз фуқароларини жазо ўташни давом эттириш учун қабул қилиб олиш асослари, шартлари ва тартиби юқорида келтирилганидек Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қончилигида ўз ифодасини топмаган.

Ҳозирги кунда маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш ёки қабул қилиш Ўзбекистон Республикасида фақат халқаро шартнома асосида амалга оширилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон, Украина, Грузия, Туркменистон, Латвия, Туркия каби давлатлар билан маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун топширишга оид шартномалар имзоланган.

Мазкур шартномалар доирасида Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон, Украина, Грузия, Туркменистон, Латвия, Туркия давлатларидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жазо ўташни давом эттириш учун Ўзбекистонга ўтказилади, худди шунингдек, Ўзбекистонда жазо ўтаётган ушбу давлатларнинг фуқаролари жазо ўташни давом эттириш учун улар фуқароси ҳисобланган мазкур давлатларга топширилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг ушбу шакли, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ ҳимоя қилиш, жиноят йўлига кирган фуқароларни ахлоқан тузатиш мақсадларини кўзлайди. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатда ҳам асосий урғу жиноятчиларни жазолаш эмас, балки уларни қайта тарбиялашга қаратилган. Бундай шахсларни қайта тарбиялашда уларнинг яқин қариндошлари томонидан кўрсатиладиган таъсир катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу шахсларни уларнинг сўровига кўра,

фуқаролиги бўлган давлатнинг қабул қилиб олиши, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат кўрсатиши, уларнинг қатъий тузалиш йўлига ўтишида туртки бўлиши мумкин.

Бирок, ушбу ижобий ҳолатларга қарамасдан, маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномалар бир қатор МДХ давлатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва бошқалар билан имзоланмаган. Холбуки, Ўзбекистоннинг кўплаб фуқаролари меҳнат қилиш учун ушбу давлатларга чиқиб кетган ва турли сабабларга кўра, жиноят содир этиб жазони ўташ муддатларида жазо ўтаб келмоқда. Ҳамда ушбу давлатлар билан маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномалар тузилмаганлиги, ушбу масалаларнинг миллий қонунчиликда тартибга солилмаганлиги, ўзаролик тамойили асосида бундай ҳамкорликни амалга ошириш имкониятини истисно этади. Бу эса оқибатда нафақат жиноят содир этиб, жазо ўтаётган шахсларнинг ижтимоий мослашувига тўсқинлик қилади, балки ушбу шахсларнинг яқин қариндошлари уларнинг аҳволидан хабардор эмаслиги оқибатида ўлчовсиз маънавий азоб-уқубатга дучор бўлади ва бундай шахслар турли, шу жумладан молиявий масалалар туфайли, соғлигининг ҳолати, ёши ва бошқа қатор сабабларга кўра ҳар доим ҳам жазо ўтаётган яқин қариндошларини жазони ижро этаётган давлат ҳудудига бориб кўра олмайди.

Бу ўринда, бундай шартномалар тузилмаганлигининг сабабларини ҳам талқин этиш ва шу орқали бунга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар юзасидан таклиф ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

МДХ давлатлари ва фуқароларимиз жазони ўташ муассасаларида кўпчиликни ташкил этувчи бошқа давлатлар (Россия, Қозоғистон, Корея ва бошқалар) билан маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномалар тузилмаганлигининг биринчи омили – бу иқтисодий омил ҳисобланади. Чунки маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномалар тузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида ушбу фуқароларни бир қатор яқин ва узоқ давлатлардан ўз ҳудудидига олиб келиш (йўл харажатлари), уларнинг Ўзбекистон ҳудудига жазо ўташларини ташкил этиш (маҳбусларни сақлаш, уларнинг яшаши учун минимал зарурий шароитларни яратиш билан боғлиқ харажатлар) жуда катта маблағларни талаб этади ва бу маблағларни ушбу маҳкум жазони ўташ муассасасидаги кунлик меҳнати билан тўлаб бериш имконияти ва эҳтимоли жуда паст. Бундай ҳолатда, маҳкумларни топшириш ва уни сақлаш билан боғлиқ харажатларни ушбу маҳкумнинг яқин қариндошлари томонидан қоплаб бериш имкониятини ёхуд сарфланган маблағлар кейичалик маҳбусдан регрес тартибида ундирилишини белгиловчи нормани киритиш орқали бартараф этиш мумкин. Охир

оқибат, республикамизда инсон қадрлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари иқтисодий омиллардан устун туради.

Бундан ташқари давлатлар ўртасида ўзаро шартномалар тузилмаслигига таъсир этувчи яна бир омил – бу ҳуқуқий омил ҳисобланади. Яъни, жазони ўташни давом эттириш учун топширилган шахслар, жазо муддатини ўтаб, тузалиш йўлига ўтмаган ҳолда, яъни қонунга итоаткорлик руҳида қайта тарбияланмаган ҳолда озодликка чиқадиган бўлса, бу муайян маънода мамлакатдаги жиноятчилик даражаси кескин ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бошқа бир томондан, ушбу шахслар бошқа давлат ҳудудига ҳам жиноят содир этган ҳолда, жазони тўла ўтаб бўлганларидан сўнг у фуқаролиги бўлган давлатга депортация қилинади. Демак, маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномаларнинг тузилиши жиноятчилик ҳолатига у қадар таъсир этиш имконига эга эмас.

Маҳкумларни топшириш тўғрисида шартномалар тузилмаганлигининг яна бир омиллардан бири – бу ижтимоий омил ҳисобланади. Яъни, жазони ўташни давом эттириш учун топширилган шахслар, жазо муддатини ўташ даврида, ҳамда жазони ўтаб бўлганидан сўнг уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, касбий тайёргарликдан ўтишини, бандлигини таъминлаш, зарурий ижтимоий ҳимоя кўрсатиш, яшаш жойи билан таъминлаш лозим бўлади. Бирок мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида, кўшимча иш ўринлари яратиш, хусусан тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Шундай экан, жазони ўтаб чиққан шахсларнинг бандлигини таъминлаш у қадар мушкул масалани ташкил этмайди.

Қуйида, маҳкумларни топшириш тўғрисида Бирлашган Араб Амирликлари билан тузилган шартнома нормаларини таҳлил этиб, уни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини кўриб чиқамиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида Шартноманинг 2-моддасига кўра, маҳкум ҳукм чиқариш Давлати ҳудудидан ҳукми ижро этиш Давлати ҳудудига жазони ёки унинг қолган қисмини ўташ учун топширилиши мумкин.⁷

Ушбу Шартноманинг 6-моддасида топшириш шартлари белгиланган бўлиб, унга кўра, маҳкум қуйидаги шартлар асосида топширилиши мумкин:

- а) агар маҳкум ҳукми ижро этиш Давлати фуқароси бўлса;
- б) агар суд қарори яқиний ва ижро этилиши мумкин бўлса;
- в) агар ўзгача тарзда ахдлашилмаган бўлса, топшириш тўғрисида сўров келиб тушган пайтда

жазо муддатининг ўталмай қолган қисми олти (6) ойдан кам бўлмаса;

г) агар ҳукм чиқаришга асос бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳукми ижро этиш Давлати ҳудудида содир этилган тақдирда, унинг қонунчилигига мувофиқ жиноят ҳисобланса;

д) агар маҳкум топширишга ёзма равишда розилик билдирса. Маҳкумнинг ёши ёки жисмоний ёхуд руҳий ҳолатини эътиборга олган ҳолда, қуйидагилар томонидан топширишга розилик берилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун

- маҳкумнинг қонуний вакили томонидан;

- Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун - маҳкумнинг қонуний вакили ёки унинг қариндошларидан бири томонидан;

е) агар топширишга ҳар иккала ҳукм чиқариш Давлати ва ҳукми ижро этиш Давлати розилик билдирса.

Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқишда, маҳкум, унинг қонуний вакилининг уни топширишга нисбатан розилиги ихтиёрий равишда берилганлигига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида Шартноманинг 8-моддасига кўра, ҳукм чиқариш Давлати 6-модданинг «е» бандига биноан топшириш учун шахснинг бераётган розилиги ихтиёрий эканлигини ҳамда у бундай розиликнинг ҳуқуқий оқибатларини тўла тушунаётганлигини ўз миллий қонунчилигига мувофиқ текшириши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маҳкумларни топшириш тўғрисидаги барча сўровлар ҳам қаноатлантирилмайди. Ушбу сўровларни рад этиш асослари Шартномаларда қатъий белгиланган бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида Шартноманинг “Топшириш тўғрисидаги сўровни рад этиш” деб номланган 7-моддасига кўра, қуйидаги ҳолларда топшириш тўғрисидаги сўров рад этилади:

а) агар топшириш ҳукм чиқариш Давлатнинг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа ҳар қандай муҳим манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлса;

б) агар маҳкумни топширишни сўраш учун асос бўлган қилмиш ҳарбий жиноят бўлиб, умумий жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят деб ҳисобланмаса;

в) агар ҳукми ижро этиш иккала давлатда ижро этишга таъсир қиладиган даражада бири-бирдан фарқ қилса, башарти сўров бажарилиши мумкин бўлган бошқача тартиб ва шартлар келишиб олинмаса;

г) агар ҳукми ижро этиш Давлати топшириш кўзда тутиладиган маҳкумни 5-модда 2-бандининг «б» кичик бандига мувофиқ авф этмаслик тўғрисида мажбуриятни ўз зиммасига олмаса.

2. Қуйидаги ҳолларда топшириш тўғрисидаги сўров рад қилиниши мумкин:

а) агар маҳкум ҳукм чиқариш Давлатида суд қарорлари бўйича жарималар, суд харажатлари, бадаллар ва бошқа молиявий тўловларни амалга оширмаган бўлса;

б) агар ҳукм чиқариш Давлатининг судларида пул компенсацияси билан боғлиқ ҳар қандай бошқа ҳуқуқларни талаб қилиш бўйича маҳкумга қарши даъво қўзғатилган бўлса.

Ҳукми ижро этиш Давлати ҳукмининг ҳуқуқий хусусияти ва муддати билан чекланган. Ҳукми ижро этиш Давлатининг қонунчилигига мувофиқ ҳукм ижро этилади ва фақат шартнома, ёки ўзаролик асосида амалга оширилган иккала Томоннинг ўзаро келишувига кўра тегишли қарорлар қабул қилишга ҳақли⁸.

Ҳукми ижро этиш Давлатининг ваколатли органлари ўз қонунчилигига мувофиқ ҳукмининг ижро этилишини давом эттирадilar.

Бунда, ҳукми ижро этиш давлатининг суд органларининг ижро этиладиган ҳукми қайта кўриб чиқишга доир ваколати мавжуд Шартномага кўра, агар бундай шартнома мавжуд бўлмаса ўзаролик тамойили асосида ҳаракатланувчи Томонларнинг ваколатли органлари келишувига кўра чекланган бўлади. Яъни, фақат ҳукм чиқариш Давлатининг суди топширилган маҳкумга нисбатан чиқарилган ҳукмининг қонунчилиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишга ҳақли. Ҳукм қайта кўриб чиқилган тақдирда, ҳукм чиқариш Давлатининг Марказий органи ҳукми ижро этиш Давлатига ҳукмининг бекор қилингани ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги суд қарорининг тасдиқланган нусхасини зудлик билан юборади.

Жазони ўташни давом эттириш учун топширилган маҳкумга нисбатан амнистия ва авф актларини қўллаш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида Шартноманинг 12-моддасига кўра, маҳкумга нисбатан ҳукм чиқариш Давлатида ёки ҳукми ижро этиш Давлатида эълон қилинган амнистия татбиқ қилинади. Маҳкумга нисбатан ҳукм чиқариш Давлати томонидан эълон қилинган авф этиш татбиқ қилинади. Маҳкум ҳукм чиқариш Давлатининг розилигисиз ҳукми ижро этиш Давлати томонидан авф этилиши ёки шартли равишда ёхуд соғлиги туфайли озод этилиши ёки бошқача тарзда авф этилиши мумкин эмас.

Жазони ўташни давом эттириш учун топшириладиган шахсларга қўшимча кафолат ва имтиёзлар ҳам белгиланган бўлиб, ҳукми ижро этиш учун топширилган маҳкум ҳукм чиқариш Давлатида судланган айнан битта жинояти учун ҳукми ижро этиш Давлатида қамоққа олинishi, судга берилиши ёки ҳукм қилиниши мумкин эмас, жазони ўташ учун топширилган шахс жазо ўтаётган

бошқа маҳкумлар эга бўлган барча ҳуқуқларга эга бўлади ва улардан фойдаланади.

Ҳукми ижро этиш Давлати ҳукм чиқариш Давлати томонидан ҳукм ижросини бекор қиладиган ҳар қандай қарор ва чоралар тўғрисида хабардор қилиниши билан дарҳол ҳукмнинг ижро этилишини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисида шартноманинг 12-моддасига кўра, ҳукми ижро этиш Давлати қуйидагилар тўғрисида ҳукм чиқариш Давлатини хабардор қилиши лозим:

а) ҳукм муддатининг тугаши;

б) маҳкумнинг ҳукм муддати тугашидан аввал кочиб кетиши. Мазкур ҳолатда ҳукми ижро этиш Давлати ўз қонунчилигига мувофиқ уни қамоққа олиш ва суд муҳокамасига топшириш учун тегишли чоралар кўриши лозим.

2. Ҳукм чиқариш Давлатининг сўровига мувофиқ, ҳукми ижро этиш Давлати ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳукмнинг қолган қисмини ҳисобга олган ҳолда унинг ижро этилиши ҳақида хабардор қилади.

Баён этилганларга асосан, ҳамда бошқа давлатларда жазо ўтаётган маҳкумларга жазони ўз давлатида ўташ имкониятини бериш орқали уларнинг жамиятда мослашишларига кўмаклашиш мақсадида, инсонпарварлик тамойили, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги ғояларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКни “Ўзбекистон Республикасининг чет элда жазо ўтаётган фуқароларини жазо ўташни давом эттириш учун қабул қилиш ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда жазо ўтаётган фуқароларини топшириш” деб номланган 66-боб билан тўлдириш таклиф этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик юзасидан қуйидаги таклифларимизни келтириб ўтамиз.

1. “Жиноят-процессуал кодексининг “Айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар” деб номланган 84-моддасининг 1-қисмини қуйидаги мазмундаги 9-банд билан тўлдириш таклиф этилади:

9) Ушлаб бериш тўғрисидаги сўров хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан қисман қаноатлантирилиб, уни жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этишни рад этиш қисмида.

2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКни қуйидаги таҳрирдаги 593¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“593¹-модда. Ҳуқуқий ёрдамни рад этиш асослари.

Сўралаётган Томон қуйидаги ҳолларда ёрдамни рад этиши мумкин:

а) сўров ҳарбий жиноят билан боғлиқ бўлиб, у умумий жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят деб ҳисоб-

ланмаса;

б) сўровни бажариш сўралаётган Томоннинг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа муҳим манфаатларига путур етказиши мумкин бўлса;

в) сўров сиёсий хусусиятга эга жиноятлар билан боғлиқ бўлса;

г) сўров сўралаётган Томон қонунчилиги қоидаларига зид бўлса;

д) сўров фақат молиявий жиноятлар билан боғлиқ бўлса;

е) агар жиной иш Томонлардан бирининг қонунчилигида белгиланган ҳар қандай асосларга кўра тугатилган бўлса;

ж) агар ҳуқуқий ёрдам сўралаётган Томоннинг қонунчилигига зид келиши мумкин бўлган мажбурлов чоралари кўрилишини талаб этса;

з) сўров мазкур Кодекс қоидаларига мувофиқ равишда тақдим этилмаган бўлса;

и) сўров билан боғлиқ жиноят юзасидан сўралаётган Томон ҳудудида унинг юрисдикцияси доирасида тергов ёки суд муҳокамаси олиб борилаётган бўлса ёхуд узил-кесил қарор қабул қилинган бўлса.

Ушбу модда қоидаларига мувофиқ ёрдам кўрсатишни рад этишдан аввал сўралаётган Томон зарур деб ҳисоблаган шартларда ёрдам кўрсатиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида сўраётган Томон билан маслаҳатлашиши лозим. Агар сўраётган Томон бундай шартларда ёрдам кўрсатишига рози бўлса, мазкур шартларга амал қилинади.

Агар сўралаётган Томон мазкур модда қоидаларига мувофиқ ёрдам кўрсатишни рад этса, бунинг сабаблари тўғрисида сўраётган Томонни хабардор қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга қуйидаги нормаларни киритиш таклиф этилади:

598¹ – модда. Мусодара қилишда кўмаклашиш

Агар Томонлардан бирига бошқа Томон ҳудудида жойлашган ва мусодара қилиниши мумкин бўлган ёки мазкур Томоннинг қонунчилигига мувофиқ бошқача тарзда хатланиши мумкин бўлган жинойи даромадлар, жиноят предметлари ва қуроллари маълум бўлса, у бу ҳақда бошқа Томонни хабардор қилиши мумкин. Агар мазкур бошқа Томон бунга нисбатан юрисдикцияга эга бўлса, у олинган маълумотни қарор қабул қилиш учун ўзининг ваколатли органларига тақдим этиши мумкин ва бу органлар қонунчиликка асосан қарор қабул қилиб, кўрилган чоралар тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилиши лозим.

Ҳар бир Томон бошқа Томонга жинойи даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини мусодара қилиш, жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва товон ундиришда ўз қонунчилиги йўл қўядиган даражада ёрдам беради.

Жиноий даромадлар, жиноят предметлари ва қурулларини сақлаётган Томон ўз қонунчилигига мувофиқ уларни тасарруф этади. Томонлардан ҳар бири мазкур мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёхуд уни сотишдан олинган фойдани бошқа Томонга ўз қонунчилиги рухсат берган даражада ва мазкур Томон лозим деб топган шартларда топшириши мумкин.

4. 598²-модда. Ўзлаштириб олинган давлат активларини қайтариш

Агар сўралаётган Томон сўраётган Томондан талон-торож қилинган давлат мулки бўлган активларни хатласа ёки мусодара қилса, сўралаётган Томон хатланган ёки мусодара қилинган активларни уларнинг легаллаштирилганлиги ёки легаллаштирилмаганлигидан қатъи назар, асосли харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда сўраётган Томонга қайтариб беради.

Қайтариб бериш сўраётган Томонда яқуний қарор чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

5. 598³-модда. Мусодара қилинган активлар ёхуд уларга тенглаштирилган маблағларни тақсимлаш

Агар бир Томон ихтиёрида давлат активи ҳисобланмаган, мусодара қилинган мулк бўлса ва мазкур Томон (сақловчи Томон) бошқа Томонни (ҳамкорлик қилувчи Томон) бунга ҳамкорлик қилган деб ҳисобласа, сақловчи Томон ўз ихтиёрига кўра ва ўз қонунчилигига мувофиқ ушбу активлар ёки уларга тенглаштирилган маблағларни ҳамкорлик қилувчи Томон билан тақсимлаб олиши мумкин.

Агар алоҳида ҳолатларда Томонлар бошқача тарзда келишиб олмаган бўлса, активларни тақсимлаш тўғрисидаги сўров мусодара қилиш бўйича яқуний қарор кучга киргандан сўнг бир йил ичида юборилиши лозим.

Агар Томонлар бошқача тарзда келишиб олмаган бўлса, сақловчи Томон мазкур модда қоидаларига мувофиқ ҳар қандай суммани топширишда ундан фойдаланиш шартларини белгиламаслиги лозим, шу жумладан, ҳамкорлик қилувчи Томондан бошқа давлат, ташкилот ёки жисмоний шахс билан ушбу маблағни бўлишишни талаб қилмаслиги лозим.



¹ Лукашук И.И. Выдачи обвиняемых и осужденных//Журнал российского права. – 1999. – №2. – С. 60.

² Сафаров Н.А. Комментарий к Закону Азербайджанской Республики «О выдаче (экс-традиции) лиц, совершивших преступления». – Баку: 2001. – С.9.

³ Милинчук В.В. Институт взаимной правовой помощи по уголовным делам. – М., 2001. – С. 67..

⁴ Саидов А. Х. Халқаро ҳуқуқ.. – Т., 2001. – Б.164

⁵ Громова О.Н. Основные направления конвенционного сотрудничества государств – участников СНГ в сфере правоохранительной деятельности. Труды Академии управления МВД России. 2013. №4. (28)

⁶ Джигирь А.И. Институт выдачи лиц, совершивших преступление: проблемы уголовно-правовой регламентации. Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2008. - Б.19

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома, 2014 йил 11 ноябрь. www.lex.uz

⁸ Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган араб амирликлари ўртасида тузилган “Маҳкумларни топшириш тўғрисида” ги шартнома. 2014 йил 11 ноябрь, Абу Даби. <http://www.lex.uz/docs/3085955>

Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

«ИНСЦЕНИРОВКА» ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

✦ Мазкур мақолада инсценировка тушунчаси ва терговдаги аҳамияти, жиноий инсценировка ва инсценировка элементлари ҳақида, тезкор-қидирув фаолияти, шунингдек жиноятларни тергов қилишда инсценировка аниқлаш ва тергов қилиш усуллари таҳлил этилган. Таҳлил якунида инсценировка тергов амалиётида эътибор берилиши керак бўлган ҳолатлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

✦ В этой статье анализируются понятие инсценировок и важность расследования уголовных инсценировок и его элементы, следственная деятельность, оперативно-розыскная деятельность, а также методы выявления и расследования инсценировок. В конце анализа даны рекомендации по расследованию инсценировок.

✦ This article analyzes the concept and importance of the investigation, the elements of criminal instances and instances, the investigative activity, as well as the methods of detecting and investigating instances of crime investigations. At the end of the analysis, recommendations were made on the facts that should be considered in the case of the investigation.

Калит сўзлар: инсценировка, тергов, тезкор-қидирув фаолияти, инсценировка элементлари, гувоҳ, жабрланувчи, сўроқ қилиш.

Ключевые слова: инсценировка, расследование, оперативно-розыскная деятельность, элементы инсценировок, свидетель, потерпевший, допросы.

Keywords: dramatization, investigation, operational-search activity, elements of dramatization, witness, victim, interrogations.

Бугунги кунда турли мамлакатлар томонидан ўзига хос ва мос равишда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантириш, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш учун шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ётади.

Ўзбекистонда сўнгги уч йил давомида жиноятчиликнинг камайиб бориши, унинг фош этиш даражасини ошиши, уларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатларининг камайиши тенденцияси кузатилаётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Ваҳоланки, айрим давлатларда жиноий вазият ёмонлашган бўлиб, оғир турдаги жиноятлар камаймасдан, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сони кўпайиб, жиноятларнинг ташкилий ва моддий базаси ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, жиноятлар содир этиш ва уларни яшириш усуллари янада мураккаблашиб, турли шаклларда жиноятлар бўйича тергов жараёнларига нисбатан қарши чиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, суриштирув, тергов органлари ва судларнинг тезкор-қидирув фаолияти қонунчилиги асосларини билиши, мазкур фаолият натижаларидан тўғри фойдаланиши, тезкор ходимлар билан ҳамкорликни тўғри ташкил этиши соҳадаги жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлади. Шу муносабат билан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор ходимлари томонидан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириб олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу билимлари уларнинг фаолиятида жиноий инсценировкага қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирлари ва процессуал ҳаракатларни уйғун ҳолда амалга оширишга ҳамда жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Бироқ ҳозирги даврда жиноятчилар томонидан жиноий фаолиятни яширишнинг жиноий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни инсценировка қилиш каби яширин усулдан фойдаланиш алоҳида ташвишга солмоқда. Аксарият ҳолларда унинг негизда оғир ва ўта оғир жиноятлар яширинган бўлиб, шубҳасиз, жиноий фаолиятни яширишнинг ушбу усулининг умумий хавфини оширади. Уларнинг баъзилари ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракатларнинг хусу-

сиятларига эга бўлиб, уларда тўлиқ жиноятлар содир этилганлиги инсценировкаланган бўлади. Афсуски, ҳали ҳанузгача, инсценировка номларининг ҳуқуқий режимини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг бирорта қондида инсценировка номи индивидуаллаштириш воситаси эканлиги аниқ белгилаб қўйилмаган.

Шу ўринда, жиноий инсценировка номларини таҳлил қилишдан аввал инсценировка тушунчасига қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. **Инсценировка** — бу терговни адаштириш учун воқеа содир бўлган жойнинг ҳолатини манфаатдорлар томонидан сунъий равишда яратиш ёки ўзгартиришдир.

Хусусан, рус олими Р.С.Белкиннинг фикрига кўра, инсценировка — бу воқеа содир бўлмаган жойда воқелик муҳитини яратиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан жиноят иши доирасида олиб борилаётган тергов ҳаракатларига қарши курашишнинг бир туридир[1].

Шунингдек, В.А.Обрацовнинг фикрича инсценировка — бу жиноят иши доирасида ҳақиқатни аниқлашда манфаатдор бўлган шахс томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига нисбатан қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатлардир. Инсценировка худди бир жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этиш воситасидир[2].

Инсценировка жиноятни яшириш (ўзгартириш) ҳаракатининг бир кўриниши ҳисобланади. В.И.Фадеевнинг таъкидлашича, инсценировка — бу содир этилган жиноятни яшириш (ўзгартириш) ҳаракати жиноят субъекти ёки содир этилган жиноятда жиноятчи ўз ҳатти-ҳаракатини яшириш мақсадида ҳамда атайлаб қасддан сохта муҳитни яратишдан иборатдир[3].

В.В.Дементиевнинг фикрича, инсценировка — бу моддий объектларга қасддан таъсир қилиш натижасида, уларни ўзгартириш ва тергов ҳатти-ҳаракатларини амалга ошираётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини йўлдан оздириш мақсадида воқеанинг табиати, моҳияти ва ҳолатлари тўғрисида нотўғри маълумот берадиган сунъий тизимни яратиш йиғиндиси[4].

Бугунги кунда жиноят ишларни ўрганиш ҳамда тергов ходимларининг дастлабки сўров натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, терговчилар турли хил жиноий ҳатти-ҳаракатларни қамраб олувчи инсценировкани текширишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу маълум даражада терговчилар ва суриштирувчилар жиноий инсценировкани текшириш учун услубий ишланмалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги билан изоҳланади.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, жиноятларни яшириш ва содир этиш, жиноят воқеаларини жиноий инсценировка усуллари сифатида хизмат қиладиган кўплаб жиноий инсценировкалаш ҳуқуқий соҳадан ташқарида қолиб кетмоқда. Бу эса ўз ўрни-

да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва суд фаолиятини сезиларли даражада мураккаблаштириб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу сабабли, жиноий инсценировканинг намоиши илгари кўплаб танқидли криминалист олимларнинг илмий изланишлари объекти бўлиб келган[5]. Мазкур муаммони ўрганган муаллифларнинг аксарияти бир неча йиллар олдин замон талабларидан, яъни жиноят оламини ўша даврдаги ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган, бироқ ҳозирги кунда ривожланган технология даврида пайдо бўлган янги кўринишдаги инсценировка турларини чуқур ўрганиш амалга оширилмай қолмоқда. Шу муносабат билан бундай инсценировкани ўрганиш лозим эканлигига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда, жиноятга қарши курашиш амалиётида жиноий воқеани босқичма-босқич белгилашнинг мақсад-моҳиятини очиб берадиган назарий қоидаларни ишлаб чиқиш, улар асосида ушбу турдаги жиноий инсценировкани тергов қилишнинг типик дастури бўйича асослаш ва шакллантириш долзарб вазифадир.

Хусусан, жиноятларни фош қилиш учун зарур бўлган нарсага, яъни содир этилган жиноятларни яширишнинг турли усулларини аниқлаш, уларни исботлашнинг криминалистик усуллари ва тергов жараёнида олинган маълумотлардан фойдаланиш лозим[6].

Шу сабабли жиноятни яшириш усулларини тан олишнинг энг қийинларидан бири бу инсценировкадир. Бу турдаги жиноятни аниқлаш ва ҳақиқатан ҳам содир бўлган воқеага ойдинлик киритиш учун терговчидан бундай инсценировкаларни фош этишда маҳорат ва тажриба талаб қилинади. Афсуски, ҳар бир терговчи ҳам тез ва профессионал равишда инсценировканинг мавжудлигини аниқлашга қодир эмас, бу эса баъзи ҳолларда жиноятларнинг фош этилмаслиги ва натижада ушбу жиноятлар учун жавобгар бўлган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан қочишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар асосан терговчиларнинг маҳоратсизлиги ва тажрибаси кам бўлганлиги оқибатида содир бўлади. Буларнинг барчаси терговчидан жиноий инсценировкани аниқлаш муаммолари ва мураккаб жиноятларни тергов қилиш жараёнларида уларни исбот қилишнинг ишончли усулларини ишлаб чиқишини талаб қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур инсценировка муаммоларини ҳар томонлама ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жуда кам бўлиб, мавжуд бўлган махсус адабиётларда ҳам инсценировка алоҳида-алоҳида ҳамда айрим турдаги жиноятларга нисбатан қайд этилган.

Илм-фанда “жиноий инсценировка”нинг умумий тушунчаси кўрсатилган лекин, ушбу институтнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш ҳали тўлиқ мавжуд эмас, бу эса жиноятчиликка қарши кура-

шиш амалиётига ўз салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Шу муносабат билан, мазкур инсценировкани чуқур ўрганиш давомида жиноят содир этилишининг моҳиятини, унинг асосий хусусиятларини, ошкор қилиш усулларини ҳамда у билан боғлиқ муаммолар мажмуасини ривожлантириш шунингдек, тергов ва тезкор-қидирув органлари ходимларига инсценировка ёрдамида яширилган жиноятларнинг очилиши ва тергов қилиниши бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди.

Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки тезкор маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов тусмолларини ҳамда ҳаракатларини тўғри танлашга ва инсценировкани аниқлашга ёрдам берувчи йўналтирувчи вазифани бажаради.

Тезкор-қидирув фаолияти материаллари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг далилларни тўплаш (87-моддаси), текшириш (94-моддаси), баҳолаш (95-моддаси) ва далилларнинг мақбул эмаслиги (95¹-моддаси) тўғрисидаги нормаларига мувофиқ тўпланган бўлсагина[7], улардан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда ёки жиноий инсценировкани фош қилишда фойдаланиш мумкин.

Тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят-процессуал қонунчилигида далилларга қўйиладиган талабларга жавоб бера оладиган, аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш учун ҳақиқий маълумотларга эга бўла оладиган, айнан қандай тезкор-қидирув тадбирлари натижа-сида тахмин қилинган далиллар олинганлиги ва жиноят-процессда далиллар олишга имконият берадиган маълумотлар, ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб баҳоланган далиллар сифатида шаклланган бўлсагина, жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланишга йўл қўйилади.

Тезкор-қидирув тадбирининг ўтказилиши жараёнида жиноятга алоқадор (инсценировка) далилларни ёки тезкор қизиқиш уйғотувчи нарса ёки ҳужжат аниқланиши мумкин ва уни олиш жараёнида манфаатдор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тавсия этилади. Бундай ҳолларда далолатномалар тузилади. Манфаатдор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг (далилларнинг) ишончлилигини оширади, кейинчалик нарса ва ҳужжатларни олишда иштирок этган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш имкониятини беради[8].

Тезкор-қидирув тадбирларидан бири, яъни тезкор кузатув тадбири давомида исботланиши мушкул бўлган ҳолатларни фош қилишда асосий далил сифатида фойдаланиш учун, хусусан, жиноий инсценировка гуруҳ аъзолари учрашадиган, уларга тегишли бўлган ва жиноий йўл билан қўлга киритил-

ган қимматликлар, нарса ва ҳужжатлар сақланаётган жой ёки бино аниқланганида, шунингдек жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида кенг ва аниқ ахборот тўплаш зарурияти туғилганда амалга оширилади. Бундай тезкор тадбирнинг натижаларидан гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали исбот қилишда ва далилларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Аслида жиноий инсценировка — тезкор-қидирув, тергов, суд амалиёти ва суд-экспертизаси фанининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлган анъанавий объектдир[9]. Маҳаллий суд экспертизасида ушбу объектнинг назарий ва амалий жиҳатларини фаол равишда ривожлантириш деярли ярим аср давомида амалга оширилган. Олинган натижалар криминалистика тизимида жиноий инсценировка доктринасининг янги элементи пайдо бўлиши билан бойитилган ва бу амалий тусдаги ушбу фактдан келиб чиқадиган барча ижобий натижалар билан бойитилган, деган хулосага асос бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотларни таҳлил қилиб, шуни англаш мумкинки, жиноий инсценировка — бу ёлғон маълумотнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у қисман ва яхлит боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

Жиноий инсценировка моҳиятини кўриб чиқишга келсак, инсценировка фаолиятининг куйидаги элементларини таъкидлаш мумкин[10].

— субъект (инсценировка, инсценировкачи);

— фаолиятнинг предмети (тахмин қилинаётган ҳаракатнинг кўриниши, жиноий бўлмаган ҳодисанинг кўриниши);

— мақсадлар: энг асосийси воқеанинг асл ҳолатини яшириш, иккиламчи сабаблар жиноий таъкибдан қочиш, терговни мураккаблаштириш, жавобгарликни енгиллаштириш, айбсиз одамни жавобгарликка тортиш ва бошқалар;

— инсценировка мотивлари: қасос, ўз-ўзини қизиқтириш, эътиборни жалб қилиш истагидан иборат. Аммо инсценировканинг асосий сабаблари таъсир қилишдан (обрусининг пасайиши) ва жиноий жавобгарликдан қўрқишдир[11];

— мақсадга эришиш усуллари (ёлғон маълумотлар, ёлғон хулқ-атворлар ва ҳ.к.). Айтилган хатти-ҳаракатлар ва ёлғон маълумотлар инсценировканинг ишончлилигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун, инсценировка остида ҳаракатланувчи шахслар кўпинча сохта маълумотларни тегишли тартибда сохта оғзаки маълумотлар билан бирлаштиришга мажбур бўладилар;

— мақсадга эришиш механизми (инсценировка режасини ишлаб чиқиш). Мақсадга эришиш механизмида инсценировкани белгилаш усуллари ҳақида баъзи маълумотларни кўрсатиш мантиқан тўғри келади.

Шу сабабли, ҳозирги кунга қадар ушбу турдаги жиноий инсценировка қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш жуда қийин бўлиб келмоқда.

Юқоридаги тахлиллардан келиб чиқиб мен қуйидаги таклифларни илгари сурилади.

Биринчидан, жиний инсценировкани аниқлашда дастлабки суриштирув ва тергов орган ходимлари психологик маълумотга эга бўлиши лозим ҳисобланди. Сабаби, жуда кўп ҳолларда маҳоратли, тажрибали ёки психологик маълумотга эга бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлар томонидан олиб борилган суриштирув тергов жараёнларида жиний инсценировкани аниқлашда домига тушиб, ўзлари сезмаган ва англамаган ҳолда уларнинг хоҳиш-истакларига асосан иш кўришлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Иккинчидан, тергов органининг маъсул ходими бўлишдан олдин дастлабки суриштирув ва тезкор-қидирув ходими ёки профилактика нозири лавозимида камида 5 йил хизмат қилган бўлиши мақсадга мувофиқдир Чунки, жиний инсценировкани фош қилиш ва тегишли ашёвий далилларни аниқлаш ҳамда расмийлаштиришда тергов ходимларининг маҳорати ва тажрибаси суғлиги сабабли инсценировкани аниқлашнинг ёлғон маълумотлари ва улар томонидан уюштирилган ҳолда тақдим қилинган далилларга сўяниб жиний инсценировкани аниқлашда қарор қабул қилиш ҳолатларини олдини олади.

Учинчидан, тергов органи ходимлари орасида тажрибаси ва маҳоратини инобатга олган ҳолда оғир ва ўта оғир турдаги жиноят ишларини тергов ходимлари орасида тўғри тақсимлаш тизимини жорий қилиш. Бундай ҳолларда баъзи ёш тергов ходимлари оғир ёки ўта оғир жиноят ишларини тегов қилишда савия ва тажрибанинг пастлиги оқибатида жиний инсценировка иштирокчиларининг манфатлари ҳисобига қарор қилиши бу қонун устуворлигига салбий таъсир қилишига олиб келади.

Тўртинчидан, савияси ва тажрибаси юқори бўлган терговчилар томонидан оғир ва ўта оғир жиноят иши бўйича олиб борган тергов ҳатти-ҳаракатлари натижасида тергов дастурини ҳамда ушбу жиноят иши юзасидан маълумотнома тузиш механизмини ташкиллаштириш лозим. Мазкур механизм натижасида тузилган тергов дастури ва маълумотномалар алоҳида иш жилдларида тикиб бориш натижасида келажакда ёш терговчи ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига жиноятларни тез фош қилиш ҳамда олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, жиний инсценировкани олдини олиш ва ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга йўл қўймастик мақсадида тегишли тартибда тарғибот ҳамда ташвиқот ишлари олиб боришга замин яратилади.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида жиний инсценировкага қарши курашиш механизмини яратишимиз ва қонунчилигимизга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишимиз керак. Юқорида амалиётда учраб турган оғир ва ўта оғир жиноятдаги муаммоли ҳолатларда ҳаттоки тажрибали терговчи ва судьялар ҳам адашмоқда. Бундай муаммолар фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва судга нисбатан ишонсизликни келтириб чиқариши мумкин, шу боисдан мазкур инсценировкани чуқур ўрганиб, тахлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

¹Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. М., 1997. С. 83.

²Образцов В.А. Выявление и изобличение преступника. М., 1997. – С. 134.

³Фадеев В.И. Расследование криминальных инсценировок. М., 2012. С. 26.

⁴Дементьев В.В. Научные и практические проблемы расследования инсценировки как способа сокрытия преступления: автореф. дис канд. юрид. наук. Саратов, 2004. С.16–17.

⁵Грибунов О.П. Научное наследие Р. С. Белкина и его влияние на становление и развитие криминалистической науки // Журнал: *Вестник Восточно-Сибирского института МВД России* -2018 г.

⁶Щербатов В. Ф., Мухоедов Н. А. Этапы проведения операции “Задержание вымогателей с поличным” // Российское законодательство и правоприменительная деятельность органов внутренних дел. Тезисы докладов межвузовской научно-практической конференции. — Ростов-на-Дону: РВШ МВД РФ, 1995. — С.91-94.

⁷Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Қўшимча ўзгартириш билан, Ўзбекистон матбуот тахририяти. 2018.

⁸Каримов В., Хакбердиев А.А. Тезкор-қидирув фаолияти. Ўқув қўлланма.– Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 119-121 бет

⁹Ханина Н.В. Применение метода моделирования для выявления признаков инсценировок // Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями. – 2016. – № 14-1. –С.128.

¹⁰Бурыка Д.А., Глотов Д.А., Маликов С.В. Криминальная инсценировка как способ дезинформирования субъектов расследования // Юридическая психология. 2013. №3. С. 16– 18.

¹¹Белкин Р.С. Курс криминалистики. 3-е изд., доп. М., 2001. С. 772.



Исраилова Зарина Садриддиновна,
докторант Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОГО ОРГАНА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ

- ◆ В статье рассматриваются совершенствования механизма оценки деятельности представительного органа государственной власти на местах.
- ◆ Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинади.
- ◆ The article discusses the improvement of the mechanism for evaluating the activities of a representative local government bodies.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, депутатлар, самарадорликни баҳолаш, баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлар, самарадорликни баҳолаш принциплари.

Ключевые слова: представительные органы государственной власти на местах, депутаты, оценка эффективности, критерии оценки, показатели, принципы оценки эффективности.

Keywords: representative local government bodies, deputies, performance, evaluation, evaluation criteria, indicators, principles for evaluating

На современном этапе социально-экономического, политического и правового развития страны важно совершенствовать механизм оценки эффективности деятельности представительных органов государственной власти на местах.

Наша тема на сегодняшний день крайне актуальная, так как напрямую касается масштабной работы, которая проводится в рамках реализации задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан. В соответствии со статей 24 закона “О государственной власти на местах”¹ многое зависит от эффективной работы представительных органов государственной власти на местах, так как именно Кенгаши народных депутатов как наиболее близкий к людям уровень власти, отвечает за «самочувствие» областей, районов и городов и благополучие своих жителей.

22 декабря текущего года предстоят выборы депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и областных, районных и городских Кенгашей народных депутатов. Они будут организованы в соответствии с нормами принятого нового Избирательного кодекса. Выборы — это экзамен, дающий оценку каждому из нас в основном депутатам. Выборы — это не только испытание для страны. Выборы также являются экзаменом для избираемых и избирателей. Как отметил глава государства, в процессе выборов еще раз проявятся наше мировоззрение, политическая и правовая культура, гражданская позиция.

Одним из инструментов повышения качества

управления представительного органа государственной власти на местах мы назвали оценку эффективности деятельности данного органа. Однако, несмотря на положительные стороны, имеется ряд проблем, которые заметно снижают степень эффективности данного органа. В первую очередь, это касается критериев, по которым оценивается деятельность местной власти. Показатели эффективности зачастую носят информационный, статистический характер. Мы в своей работе решили подумать над разработкой единой методики оценки эффективности деятельности органа представительной власти на местах политическими партиями.

В настоящее время большое внимание уделяется эффективности работы исполнительного органа государственной власти на местах. От разработки и принятия ими тех или иных решений во многом зависит качество жизни населения. Именно через них реализуются множество нормативно-правовых актов и государственных программ. Эффективная организация деятельности местных органов власти является гарантом развития страны в целом. В данном процессе особую роль играют представительные органы власти на местах, которые представляя интересы населения, информированы о насущных проблемах территории, и в состоянии предложить оптимальные решения. Состояния и развития области, районов и городов во многом зависят от того, насколько эффективно организовано в нем управление. Эффективное

управление предполагает, что результаты деятельности должны соответствовать социальным ожиданиям людей: работа органа государственной власти на местах должна быть направлена на обеспечение устойчивости и развития жителей территории, на удовлетворение потребностей населения. Современная концепция управления городом должна базироваться на интересах и потребностях горожан и быть направлена на активизацию их гражданской позиции. Поэтому в управлении государственной власти на местах особое значение имеет не только получение объективной информации о состоянии городского социума и тенденциях его развития, но и формирование понимания отношения самих граждан к жизнедеятельности области, района и города, исполнительной власти на местах, в том числе к местному органу представительной власти. Именно Кенгаши народных депутатов определяет государственную политику в регионе, на основе которой исполнительная власть реализует свою деятельность. Вместе с тем для изучения эффективности деятельности власти важна местная представительская роль: аккумуляция интересов и наказов избирателей, а также разных социальных слоев населения, учет территориальных особенностей представляемых избирательных округов, их инфраструктурных, финансовых и социальных потребностей и др. Все это относится к деятельности Кенгашей народных депутатов.

Оценить деятельность представительного органа государственной власти на местах бывает трудно, так как подсчитать количественно результаты их работы не всегда возможно. Однако ясно, что оценивать эффективность надо, чтобы определить правильность и результативность выбранных направлений деятельности данного органа.

Демократически избранный депутат представляет широкий спектр интересов населения и соответственно выступает площадкой для рассмотрения обращений, запросов и предложений общественности, а также местом определения приоритетов населения с последующим интегрированием их в соответствующую политику и законодательство. По сути, он является органом, направленным на защиту интересов избирателей от произвола исполнительной власти. Легитимность данного органа в конечном итоге определяется его способностью представлять интересы избирателей и выражать волю его избирателей. В представительном органе государственной власти на местах должен быть открытый формат принятия решений. По сравнению с другими органами характеризуется более открытым механизмом принятия решений, когда обсуждение тех или иных вопросов проводится при непосредственном участии общественности. Примером могут служить открытые депутатские слушания, участие граждан в заседаниях. Подобные механизмы вовлечения населения в процесс принятия решений являются отличительной чертой представительного органа государственной власти на местах.

Связь депутата с населением избирательного округа прописана в статье 7 Закона Республики Узбекистан «О статусе депутата областного, районного и городского Кенгаша народных депутатов», где указывается, что депутат соответствующего Кенгаша народных депутатов поддерживает связь с избирателями своего округа, политической партией и органом самоуправления граждан, выдвинувшими его кандидатом в депутаты, выражает их интересы в соответствующем Кенгаше народных депутатов.

В практической деятельности процесс взаимодействия соответствующих Кенгашей с населением очень часто подвергается критике со стороны и избирателей, и государственных органов, и представителей гражданского общества. Исходя из ответов анкетирования слушателей Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, на вопрос **«Оцените деятельность Кенгашей народных депутатов»** не было положительных ответов. Исходя из ответов анкетирования слушателей Оценка деятельности соответствующих Кенгашей имеет различную окраску. Но большинство (60 %) рецензентов оценили не удовлетворительно². Как ранее было отмечено, депутаты рассматривают выполнение своих функций через непосредственное решение вопросов, относящихся к компетенции исполнительного органа государственной власти на местах. В данном процессе участвуют три субъекта: депутаты — исполнительные органы государственной власти на местах — избиратели. Но избиратели из-за незнания функций Кенгаша народных депутатов и сложившегося неправильного представления о роли депутатов в данном процессе относят в их компетенцию решение практических вопросов местного значения, которые относятся к функциям исполнительного органа государственной власти на местах и в случае невыполнения их наказов начинают обвинять депутатов в бездействии.

Как вышеупомянутом, результат успешной деятельности депутатов также обусловлен и другими факторами, таких как наличие достаточного интеллектуального потенциала депутатов, их истинного интереса участвовать в деятельности Кенгаша народных депутатов, желание участвовать в решении проблемы своей территории и т. д.

Для обеспечения эффективной деятельности и повышения потенциала депутатов необходимо проведение обучений, тренингов по разным темам: основы государственной власти на местах, Конституция Республики Узбекистан, гражданское право, бюджетный процесс, работа с избирателями, привлечение инвестиций, работа с различными целевыми группами и т. д.

